

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК 378.013(575.1)**

**НОРҚЎЗИЕВА МАНЗУРА АБДУРАХМОНОВНА**

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА  
КАСБИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**13.00.01. – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
илмий даражасини олиш учун ёзилган  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Шарипов Шавкат Сафарович  
педагогика фанлари доктори, профессор**

**Жиззах - 2022**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	4
<b>I. БОБ. БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИГА БАРҚАРОРЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b> .....	14
1.1.§. Ўқитувчилик касбида барқарорликни шакллантириш муаммосининг мавжуд ҳолати .....	14
1.2.§. Педагогик касбий барқарорликни шакллантиришнинг педагогик- психологик имкониятлари.....	26
1.3.§. Талабаларнинг педагогик касбда барқарор фаолиятини таъминлашга замонавий ёндашувлар .....	33
I боб бўйича хулосалар .....	45
<b>II. БОБ. БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИДА КАСБИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ</b> .....	48
2.1.§. Касбий барқарорликни шакллантиришнинг педагогик тизими.....	48
2.2.§. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантиришда мустақил фикрлаш малакасини шакллантириш технологияси .....	60
2.3.§.Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш моделли.....	69
II боб бўйича хулосалар.....	93
<b>III. БОБ. БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА КАСБИЙ БАРҚАРОРЛИГИ ШАКЛЛАНГАНЛИГИНИ АНИҚЛАШТИРИШДА МАТЕМАТИК-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛ</b> .....	96
3.1.§. Тажриба-синов ишларини ташкил этиш.....	96
3.2.§. Педагогик фаолиятда касбий барқарорликни шакллантиришнинг самарадорлик даражаси .....	101
III боб бўйича хулосалар .....	114

<b>УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР .....</b>	<b>116</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>118</b>
<b>Илова .....</b>	<b>142</b>

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон таълими тизимида таълим истеъмолчиларнинг самарали ва сифатли фаолияти учун зарур бўлган касбий тайёргарлигини шакллантиришнинг ижтимоий механизмлари таълим жараёнига татбиқ этилган. ЮНЕСКОнинг «Олий таълимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш» дастурий ҳужжати (1995), БМТнинг «XXI асрда олий таълим: ёндашув ва амалий чоралар», Бутун жаҳон декларацияси (1998), Европа ОТМ таълим сифатининг бир хиллигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Болония декларацияси (1998), таълими ва тарбияга оид рақамли технологиялари асосида ўқитишнинг жаҳон таълими андозаларига мос энг илғор услубларини жорий этиш, таълимни рақамлаштириш муҳитида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон таълими ва тадқиқот муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятга касбий барқарорлигини шакллантириш замонавий педагогик тараққиётнинг глобал масаласи ҳисобланади. Айти пайтда бўлажак ўқитувчиларнинг онгида педагогик фаолиятга касбий барқарорликни сингдириш рақамли таълим тизимида замонавий ва истиқболли меҳнат бозори талабларининг таълимий ахборот инфраструктураси базасини касбий фаолиятга алоқадор параметрлар доирасида ривожлантиришнинг назарий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Замонавий таълим жараёнларида педагогик фаолиятга касбий барқарорлигини шакллантириш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида жаҳон замонавий талаблари асосида таълим сифатини ошириш, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш, педагогика олий таълим муассасаларида замон талабларига мос ҳолда

дарсликлар ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш, педагогик фаолиятга касбий барқарорлигини шакллантириш масаласи кредит-модулли тизимга асосланиб, қўйилган муаммони такомиллаштиришнинг меъёрий асослари яратилди [1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев халқимиз учун қадрли бўлган байрам табригида, фахр ва ифтихор билан Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессансни амалга оширишни режалаштирганини айтди. Президентимиз бу масалага стратегик вазифа сифатида қараб, уни амалга оширишни миллий ғоя даражасига кўтариш кераклигини таъкидлади. Унда кўтарилган асосий вазифалар сирасига таълим бўғинларини бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси ва тарбиячи, ўқитувчи, олимлар ва зиёлиларни тўртта таянч устун эканлигига урғу берди. Иқтисодиётнинг ривожланиши ўқувчиларнинг билими ва ҳаракати, рақамли муҳитнинг ижодкорларига боғлиқ эканлиги эътироф этилди. Шу билан бир қаторда устозлар бугунги куннинг илғорлари уларнинг шогирдлари эса юртимиз бунёдкорлари бўлиб камол топиши айтиб ўтилди [19].

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида «юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш, олий таълим муассасаларида компетентли илмий-педагогик кадрлар захирасини яратиш» [5] каби устувор вазифалар белгиланди. Ушбу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши жараёнида бугунги таълимни рақамлаштириш муҳитида педагогик фаолиятга касбий барқарорлигини шакллантириш бўлажак ўқитувчиларида интеллектуал билимлар захирасини пухта эгаллаш учун бўлажак ўқитувчиларда касбий педагогик барқарорлик фазилатларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги, 2017 йил ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси

тўғрисида»ги, 2019 йил ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2020 йил ПҚ-4699-сон «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил ПҚ-4623-сон «Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил ПФ - 6079-сон «Рақамли Ўзбекистон 30» дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2020 йил ПФ-6097-сон «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармон ва қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси** Бугунги кунда таълим-тарбия жараёнида ёшлар тафаккурини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ўзига хос муаммолари ва уларнинг ечимлари билан Ж.Туленов [199], Н.Жўраев [90], М.Давлетшин [75], В.Каримова [65], Г.Туленова [200], Г.К.Тўлаганова [35], Ғ.Шоумаров [225, 226], Т.Қурбонов [238], У.Бегимкулов [60], О.Мусурмонова [135], Б.Адизов [47], Ш.Мардонов [123, 124], Ш.Шарипов [219, 220, 221, 222], О.Жамолдинова [88], Ж.Жалолов [86], Т.Аҳмедов [58]лар тадқиқот ишларини олиб боришган.

Бўлажак ўқитувчиларнинг, педагогик қобилиятларини ривожлантиришнинг миллий модели Ш.Қурбонов, У.Иноятов,

Э.Сейтхалилов, Ш.Шарипов, Э.Юзликаеваларнинг илмий ишларида қай даражада ўз аксини топганлиги ўрганилди [239].

Бўлажак ўқитувчиларни таълим-тарбия жараёнига тайёрлашнинг фалсафий-методологик жиҳатлари, Ж.Туленов, Н.Жўраев, Г.Туленова, Т.Қурбонов сингари олимларнинг илмий ишлари, монография ва ўқув кўлланмаларида чуқур таҳлил этилганлиги ўрганилган [199, 90, 200, 238].

Психолог олимлардан Л.Рубинштейн, М.Давлетшин, Э.Ғозиев, В.Каримова, Л.С.Выготский, Г.К.Тўлаганова, Н.И.Хўжаева, А.У.Шоюспова, Ў.Б.Шоумаров кабилар томонидан муаммонинг психологик жиҳатлари ўрганилганлиги таҳлил қилинган [183, 75, 241, 242, 65, 69, 36, 215, 225, 226].

Педагог олимлардан У.Ш.Бегимкулов, Ш.Шарипов, О.Мусурмонова, З.Т.Нишонова, Б.Адизов, Қ.Йўлдошев, Ш.Мардонов, Н.Эгамбердиева, Ш.Шодмонова, О.Жамолдинова, В.А.Сластенин ва бошқаларнинг илмий изланишларида мустақиллик, миллий, маънавий-ахлоқий, касбий, бадиий, инновацион тафаккурни ривожлантириш масалаларининг қай даражада ўзига хос жиҳатларини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилганлиги асосланган [60, 219, 220, 141, 47, 98, 124, 227, 223, 88, 188].

Бўлажак ўқитувчиларда касбий билим ҳамда кўникмаларни шакллантириш муаммолари М.А.Захарова [91], П.Б.Зилберман [92], Ф.Г.Зиятдинова [93], Н.А.Муслимов [136, 137], В.Х.Ходжаев [214], Н.Ш.Шодиев [224], Н.М.Эгамбердиева [227], Б.Рахимов [179] ва бошқа шу каби олимларнинг илмий тадқиқотларида турли даражада ўрганилган.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги:** Диссертация тадқиқоти Жиззах давлат педагогика университети илмий тадқиқот ишлари режаларининг «Педагогика фанининг долзарб муаммолари ва таълимни технологиялаштириш» номли мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятга касбий барқарорлигини шакллантиришнинг назарий-амалий тизимини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятга касбий барқарор мослашув характерини очиб берувчи компонентлар мазмунини аниқлаштириш;

бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятга касбий барқарорлигини шакллантиришнинг педагогик имкониятларини кенгайтириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш механизмларини рақамли таълим муҳитида такомиллаштириш;

бўлажак ўқитувчиларда касбий фаолиятга барқарорлигининг ривожланганлик даражасини диагностик методлар ёрдамида баҳолаш ва мониторингини амалга ошириш;

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантириш моделини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантириш жараёни танлаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятга касбий барқарорлигини шакллантиришнинг шакл, метод ва воситалари танланган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишини олиб боришда муаммога оид сиёсий, фалсафий, социологик, психологик, педагогик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш; таълимга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва адабиётларни ўрганиш; олий таълим муассасаларидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, анализ ва синтез, ижтимоий сўровнома, социометрик методлар, педагогик эксперимент натижаларини математик-статистик таҳлил этиш усулларида фойдаланилди.



**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантиришнинг барқарор мослашув характери очиқ берувчи мотивацион, функционал, психологик, ҳиссий компонентлар субъектлар муносабатлари, йўналишлар таснифи, натижалар самарадорлиги омилларига устуворлик бериш орқали аниқлаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантиришга таъсир этувчи омиллар ахборот ва телекоммуникацион таъминотнинг педагогик имкониятлар таъсирини, педагогик вазиятлар, педагогик ҳодисалар реал воқелик асосида кўрсатиш ва таҳлил қилиш орқали кучайтириш ҳамда функционал вазифаларини тизимлаштириш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигининг ривожланганлик даражасини баҳолаш компонентлари субъектив баҳолаш, объектив баҳолаш, мазмунни баҳолаш, баҳолаш воситаси, баҳолаш шкаласи, баҳолаш стереотипини аниқлаштириш асосида жараён мониторинги амалга оширилганлиги такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантириш модели педагогик барқарорликнинг ривожланиш даражасини ташхислаш компонентлари интегратив мувофиқлаштириш орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагиларда ўз аксини топган:

бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятга касбий барқарорлигини шакллантириш даражаси аниқлаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятга касбий барқарорлигини шакллантиришда инновацион технологияларни ўқув жараёнида самарали қўллаш модели ишлаб чиқилган;

педагогик туркум дарсларида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантириш жараёнида инновацион технологияларни қўллашга доир услубий дидактик таъминоти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий тадқиқот ишлари жараёнида фойдаланилган методлар ишончли эканлиги, ишлатилган маълумотлар ҳақиқатдан ҳам ишончли манбалардан олинганлиги, тажриба-синов ишларининг самарадорлиги математик-статистик усуллар ёрдамида амалга оширилганлиги ва амалиётда қўлланилганлиги ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, мазкур иш жараёнида диссертацияда педагогик моделининг илмий асосланганлиги, ўқув фанлари мазмунининг илғор халқаро ва миллий тажриба асосида илмий-назарий бойитилганлиги ҳамда талабаларни педагогик туркум мавзуларида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантиришга асосланган таълим муаммолари (маънавий, психологик, коммуникатив, бадиий-ижодий) комплекс ечимининг самарали усули сифатида очиб берилганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, олий педагогик таълимда ўтилиши жоиз бўлган фанлар ва дастурлар ҳамда улардан фойдаланишда билиш имкониятлари аниқлаштирилганлиги, таълимий-тарбиявий ишларни олиб бориш жараёнига инновацион ёндашувнинг самараси билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак ўқитувчиларда касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантиришнинг барқарор мослашув характерини очиб берувчи

мотивацион, функционал, психологик, ҳиссий компонентлар субъектлар муносабатлари, йўналишлар таснифи, натижалар самарадорлиги омилларига устуворлик бериш орқали аниқлаштириш бўйича маълумотлар ЁА–1-22 рақамли «Фанларни ўқитишда инновацион педагогик технологияларнинг модернизациялашган тизимини ишлаб чиқиш» номли лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 18 майдаги 02-07-1351/04-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарор мослашув характерини очиб берувчи компонентлар мазмунини аниқлаштириш имкони яратилган.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантиришга таъсир этувчи омиллар ахборот ва телекоммуникацион таъминотнинг педагогик имкониятлар таъсирини, педагогик вазиятлар, педагогик ҳодисалар реал воқелик асосида кўрсатиш ва таҳлил қилиш орқали кучайтириш ҳамда функционал вазифаларини тизимлаштириш асосида такомиллаштиришга доир маълумотлар ПЗ-20170923121 рақамли «Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш» номли лойиҳа доирасида белгиланган вазифаларни амалий бажаришда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 18 майдаги 02-07-1351/04-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантиришнинг ташкилий, ахборот ва телекоммуникацион таъминотининг педагогик имкониятларини кенгайтириш ҳамда уларнинг самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштиришга шароит яратилган.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигининг ривожланганлик даражасини баҳолаш компонентлари субъектив баҳолаш, объектив баҳолаш, мазмунни баҳолаш, баҳолаш воситаси, баҳолаш шкаласи, баҳолаш стереотипини аниқлаштириш асосида жараён мониторинги амалга оширилганлиги такомиллаштирилганлиги бўйича тавсиялар ЁА-1-22 рақамли «Фанларни ўқитишда инновацион педагогик технологияларнинг модернизациялашган тизимини ишлаб чиқиш» номли лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 18 майдаги 02-07-1351/04-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигининг ривожланганлик даражасини диагностик методлар ёрдамида баҳолаш ва мониторингини амалга оширишга эришилган.

Бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантириш модели педагогик барқарорликнинг ривожланиш даражасини ташхислаш компонентлари интегрatív мувофиқлаштириш орқали такомиллаштиришга доир маълумотлар ПЗ-20170923121 рақамли «Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш» номли лойиҳа доирасида белгиланган вазифаларни амалий бажаришда фойдаланилган. Жиззах давлат педагогика университети, Чирчиқ давлат педагогика институти, Бухоро давлат университетларида таълим-тарбия жараёнида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 18 майдаги 02-07-1351/04-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантириш моделини такомиллаштиришга имкон яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, 4 та илмий журналлар (7 та хорижий илмий журнал)да, 9 та илмий-назарий конференция ва илмий мақолалар тўпламларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалар, 117 саҳифа матн, 10 та расм ва 14 та жадвалдан иборат.

# **I БОБ. БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИГА БАРҚАРОРЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. § Ўқитувчилик касбида барқарорликни шакллантириш муаммосининг мавжуд ҳолати**

Ўзбекистонда ёшлар тарбияси энг асосий вазифа сифатида эътироф этилган. Бугунги кунда бўлажак ўқитувчиларни педагогик фаолиятга касбий барқарорлигини амалга ошириш жараёни талабаларни келгуси фаолиятга тайёрлашдаги қийинчиликларни енгиб ўтиш учун уларда самимий танқид қила олиш малакасини шакллантириш ва шу билан бир қаторда касбга оид интизом, келажакка бўлган ишонч ва унга эришиш, мардлик ва олижаноблик туйғуларини шакллантириш асносида миллий юксалишга эришишида қонун устуворлигини эътироф этиш малакасини шакллантиришда шахс манфаатларини таъминлаш, эркинлик ва фаровонликка эришиб бориш йўлларни англаш, юксак маънавият каби тушунчаларнинг мазмун – моҳиятини ёшларга етказиш асносида ижтимоий жамиятда ва касбда барқарорлик фазилатларини шакллантириш тадбиқ этиб борилади [20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28 ,29].

Педагогика олий таълимида бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантиришда кўплаб таълимий ва тарбиявий ишларни олиб боришда биз Абу Наср Форобий, А.Авлоний, А.Навоий [40, 46, 55] асарига мурожаат қилдик. Ундаги тарбиявий воситалардан кенг фойдаланиш орқали касбий барқарорликни шакллантириш масаласига алоҳида урғу берилди. Масалан, бўлажак ўқитувчиларга тушунчалар устида ишлаш, амалий машғулотларни бажариш, нутқ бойлигини ошириш, мимик ва пантомимик ҳаракатлардан ўз вақтида фойдалана олиш, болалар билан ишлаш, ўқув ва педагогик амалиёт жараёнларида мактаб ҳаётига мослаштириб бориш кабилар.

Талабаларни касбда барқарор фаолият олиб боришга йўналтириш масаласи анча мураккаб ва кўп қирралидир.

«Барқарорлик-ташқи таъсирда тизимнинг ҳозирги ҳолатини сақлаб туриш қобилияти. Агар ҳозирги ҳолат сақланиб қолмаса, унда бундай ҳолат беқарор деб аталади ва турли соҳаларда қуйидаги маъноларни билдиради:

- Макроиктисодиётда барқарорлик деганда ресурслардан фойдаланиш ва инсоният жамияти ривожланиши ўртасидаги узоқ муддатли мувозанат тушунилади.

- Метеорологияда ҳаво барқарорлиги ҳаво оқимларининг вертикал ҳаракатини билдиради.

- Механикада барқарорлик – бу структуранинг ташқи кучлар таъсирида мувозанатнинг берилган шаклини сақлаб туриш хусусияти.

- Муҳандислик соҳасида барқарорлик дизайн ва иш параметрларининг қийматларини белгиланган чегараларда ушлаб туриш учун техник тизимларнинг мулки сифатида аниқланади» [248].

Фалсафада эса барқарорлик доимийлик, бир ҳолатда қолиш; бунинг акси – ўзгариши тушунилади [208].

Психологик барқарорлик – шахснинг хусусияти бўлиб, қатъийлик, мувозанатлилик, қаршилик кўрсатиш каби таркибий қисмлардан ташкил топган. Шахснинг психологик барқарорлиги ҳаётини қийинчиликларга, ноқулай шароитларга қарши тура олиш, турли синовларда саломатлиги ва иш қобилиятини сақлаш имконини беради [113].

Социологияда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Глобал Шартномаси ижтимоий барқарорликка қуйидагича таъриф беради: «Ижтимоий одамларга ижобий ва салбий таъсирини аниқлаш ва бошқаришдир» [249].

Юқоридаги келтирилган таърифлардан янада чуқурроқ барқарорлик тадбиркорлик фаолиятининг маънони англаб олиш учун барқарорлик тушунчасининг синоним ва антонимлари ўрганилди.

Синонимлари:

Апломб (хулқ-атворда, нутқда ўзига ортиқча ишонч), хавфсизлик, нуқсонсизлик, зарарни йўқотиш, ғалаба қозониш, портлашга қаршилик, тебранишга чидамлик, омон қолиш, синов, мустаҳкамлик, доимийлик, кредитга лаёқатлилик, куч, кўп барқарорлик, ишончлилик, ўзгармаслик, даҳлсизлик, қатъийлик.

Антонимлари:

ўзгарувчанлик, инжиқлик, тебраниш, маневрлик, турғунсизлик, беқарорлик, кўчма, кўчиб юриш.

Г.Ж.Сариев «... тизимнинг тақдири бутунлай барқарорлик хусусияти сифатида белгиланадиган хусусиятлар тўпламига боғлиқ» деб атайди [104].

П.К.Анохин ўз-ўзини ташкил қилиш қобилиятини бутун тизим барқарорлигининг асосий омили деб билади. В.Р.Ешби таъкидлаганидек, «фаолият, мувофиқлаштирилмаса, тизимни йўқ қилишга интилади» деган фикрни илгари сурган. И.П.Павлов тирик организмни «ўзини қўллаб-қувватлайдиган, ўзини тўғрилайдиган, ўзини такомиллаштирадиган» тизим сифатида тавсифлайди.

В.Р.Эшби чидамликни омон қолиш қобилияти деб ҳисоблайди, буни у тизимнинг ўзига хос хусусиятларини белгиланган чегараларда сақлаш қобилияти деб билади. Барқарорлик муаммоси П.Г.Белов, Ю.В.Емелянов, В.И.Данилов-Данилян, К.С.Лосев, А.В.Илижхев, Э.В.Тарасов асарларида келтирилган. Тизимнинг барқарорлиги деганда муаллифлар «унинг эгилувчанлик ва қаршилик туфайли турли бузилишлар шароитида нормал ишлаш қобилиятини билдиришини таъкидлайдилар» [104].



Барқарорлик – узок муддатли безовта қилувчи омилларнинг кенг доирасидаги қаршиликларнинг умумийлиги ва омон қолиш шароитида, тизимнинг оқилона тузилиши ҳамда мақсадли қарама-қаршилик шароитида ишлаш қобилиятидир.

Барқарорлик ва ўзгармаслик – бу ўзгарувчанликнинг йўқлиги эмас, аксинча, улар ўзгарувчанликка асосланади (И.И.Шмалгаузен). Бу қарама-қарши туюлиши мумкин, аммо барқарорлик доимийлик ва динамиканинг комбинациясини ўз ичига олиши керак.

«Биринчи марта шахснинг «касбий барқарорлиги» концепцияси 1965 йилда К.К.Платонов томонидан киритилган ва у буни касбий йўналишнинг интенсивлиги, самарадорлиги ва барқарорлиги намоён бўладиган шахсий хусусият сифатида тушунган. Касбий барқарорликни яхлит тушуниш учун К.К.Платонов профессионалнинг учта моделини таклиф қилди:

1) маълум бир фаолият билан шуғулланиш учун зарур бўлган талабларни аниқ белгилайдиган ҳужжатлар, кўрсатмалар, қоидалар асосида тузилган норматив модел (саломатлик ҳолати, темперамент, ахлоқий фазилатлар ва бошқалар);

2) мутахассисларнинг назарий қоидалари ва амалий тажрибасини ўз ичига олган, касбни яхши биладиган экспертларнинг баҳоларига асосланган эксперт модели;

3) эмпирик модел – «бу аслида маълум бир шароитда мавжуд бўлган оддий ўртача профессионал модели». Олимнинг фикрича, агар шахс юқоридаги моделга мос бўлса, унда касбий барқарорлик мавжуд бўлади. Касбий барқарорликни шакллантириш муаммоси бўйича бир қатор олимлар иш олиб боришган» [104].

Мактаб ўқувчиларини педагогика мутахассислигига йўналтириш ва танлаш О.Абдуқуддусов, В.А.Сластенин, В.В.Давыдов,. А.Жалолов, О.Р.Жамолдинова [41, 188, 76, 86, 88] ва бошқалар; диагностика ва педагогик

қобилиятларни шакллантириш О.В.Стукалова, Н.В.Кузмина [190, 112] ва бошқалар; педагогик интеграциянинг назарий, концептуал ва технологик асослари Н.А.Муслимов томонидан кўриб чиқилган.

Ўқитувчиларни касбий фаолиятга мослаштириш ва кадрлар алмашинувининг олдини олиш А.А.Акрамов [50], Н.Н.Азизходжаева [49], И.А.Клюшникова [103, 104], меҳнат психологияси ва ўқитувчининг шахсияти масалалари А.А.Акрамов [50], Г.М.Андреева [54], К.Н.Апушкина [56], С.Я.Батышев [59], А.А.Бизяева [62] ва бошқалар; педагогик маҳоратни ошириш муаммолари А.В.Беляев [61], Б.З.Вульффов [68], З.К.Каргиева [100, 101], Н.В.Кузмина [112], А.Холиқов [211, 213] ва бошқалар томонидан ўрганилган.

К.К.Платоновнинг фикрича:

1. Режанинг мослиги. Бунда биологик, анатомик, физиологик, рухий хусусиятларга эътибор қаратилади. Жисмоний нуқсонлар; кучли нутқ нуқсонлари; аниқ интроверсия, характернинг аниқ акцентуацияси, ҳиссий беқарорлик кабилар [77].

2. Педагогик фаолиятга тайёрлик режаси. Инсоннинг таълим-тарбия жараёнида психологик ва педагогик билими [77].

3. Педагогик фаолиятга киритиш режаси. Таълим-тарбия жараёнида бевосита бошқа одамлар билан серҳаракат мулоқот ва суҳбат қилишни, яъни перцептуал-рефлексив, эмоционал-иродали, шунингдек, коммуникатив ва ташкилий кўникмаларга асосланган педагогик мулоқот, педагогик техниканинг касбий маҳоратини ривожлантиришни ўз ичига олади [77].

Инсоннинг касбий етуклиги босқичлари А.А.Деркачнинг бир қатор асарларида ўз ифодасини топган [77].

Бўлажак ўқитувчининг махсус техник тайёргарлиги муаммоси билан Гусынин Виктор Николаевич шуғулланган [250].

И.Н.Димуранинг «Ёш ўқитувчиларнинг касбий чидамлилигини шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик шарт-шароитлари» (қишлоқ мактаблари материаллари асосида) илмий ишланмасида, касбий-илмий мослашувчанлик фанлараро концепция доирасида аниқланади, бу унинг ҳақиқий ва эҳтимоллик давомийлиги ўлчовини ифодалайди. Муаллиф, функционал аҳамиятга эга бўлган тамойилларга кўра, касбий барқарорликка таъсир қилувчи учта омил блокинни ажратиб кўрсатди [82].

Биринчиси, ўқитувчининг жинси, ёши, ижтимоий келиб чиқиши каби хусусиятларини ўзида жипслаштирган шахсий-демографик жараён [82].

Иккинчиси, шахсий ва профессионал, шу жумладан, иш тажрибаси, ўқитувчи шахсининг позицияси, педагогик маҳорат даражаси [82].

Учинчиси, шахсий ва атроф-муҳит, бу ерда шахснинг турмуш тарзи, уларнинг кадрият йўналишлари, ўқитувчилар таркибидаги иқлим каби омиллар жойлаштирилган [82].

И.Н.Димуранинг фикрича, бундай тақсимот турли синфлар, қатламлар, ижтимоий гуруҳларга ўтиш билан боғлиқ касбий фаолиятдаги ўзгаришларни кўриб чиқишга имкон беради. Яъни шахс ижтимоий ва касбий жиҳатдан барқарор бўлиб, унинг социоген эҳтиёжларини қондира оладиган даражада [82].

Е.А.Климовнинг касблар таснифи: «инсон-тирик табиат», «одам-технология», «инсон», «одам-белги тизими», «инсон-бадий образ». Бундан ташқари, касбий фаолиятнинг асосий мақсадлари хусусиятларига мувофиқ, касблар ва мутахассисликлар синфларга бўлинади: гностик (тан олиш, аниқлаш), трансформатив (жараён, хизмат) ва кашфиёт (ихтиро, ўйлаб топиш) [105].

Усцелемова Наталья Александровна «Бўлажак жисмоний маданият бакалаврларининг касбий ва педагогик барқарорлигини шакллантириш» муаммоси билан шуғулланган [206].

Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини касбий тайёрлаш жараёнида шахсни шакллантириш масалалари муаммоси билан К.Н.Апушкина [56], О.Ю.Маслова [121], олий таълимда талабаларни тайёрлаш вазифаси сифатида касбий барқарорликни шакллантириш масаласи билан О.С.Овсянникова шуғулланган [158].

Г.А.Нагорная ўқитувчи фаолияти барқарорлигининг асосий омили сифатида: билим, қобилият, малака, фазилатлар, шахсий фазилатларни кўрсатади [104].

Шу билан бир қаторда бўлажак ўқитувчининг ҳиссий барқарорлигини ривожлантириш технологияси муаммолари билан А.А.Деркач, Р.Х.Джураев, М.И.Дьяченко, Л.А.Кандыбович, С.Л.Кандыбович, Л.В.Куликов, Е.П.Крупник [77, 78, 84, 113, 114].

Ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш, касбий фаолиятга тайёрлаш масалалари бўйича Д.А.Мустафоева, Д.О.Химматалиев ва бошқалар шуғулланишган.

Юқоридаги адабиётларни ўқиш, таҳлил қилиш жараёнлари бугунги кунда бу масала ечимига қуйидагича ёндашиш мақсадга мувофиқ деган фикрни билдиришга туртки бўлди.

- бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини ва ўз-ўзини ривожлантириш зарурлигини англашга йўналтириш;
- бўлажак ўқитувчиларнинг касбий педагогик барқарорлигини босқичма-босқич ривожлантириш технологиясини татбиқ этиш;
- бўлажак ўқитувчининг касбий барқарорлиги шакллантиришда ташхислашни амалга ошириш;
- таълим тизимида ижобий ва ижодий муҳитни яратиш;
- ўқитиш жараёнига инновацион ёндашувни амалга ошириш;
- бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга киритишни амалга ошириб бориш.

Бўлажак ўқитувчининг касбий барқарорлигини шакллантиришнинг асосий таркибий қисмлари сифатида қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- мотивацион;
- когнитив;
- перцептив.

Мотивацион компонент таълим жараёнида касбий барқарорликни шакллантириш вазифасини бажаради.

Когнитив компонент касбий барқарорликни шакллантиришда онгли ёндашув, тафаккурнинг илмий асослиги билан боғлиқлиги.

Перцептив компонент касбий барқарорликнинг муҳим жиҳатларини идрок этиш механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда таълим муассасаларига ўқитувчи мутахассисларни тайёрлашга йўналтирилган институт ва университетлар фаолият олиб бормоқда. Уларнинг битирувчилари таълим муассасаларига мослашиши ва унга кўникиши керак бўлади. Шунинг учун ҳам бўлажак ўқитувчиларга «мослашиш» тушунчасининг асоси ва мазмунини билиб олишлари учун бу тушунча устида иш олиб борилган. Маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, А.Г.Мороз [134] фикрича, «мослашиш» атамаси биринчи марта 1865 йилда немис физиологи Ауберт томонидан илмий лексикага ҳиссиётларнинг (ташқи кўриш, эшитиш ва бошқалар) мос келадиган ташқи стимулларнинг таъсирига мослашиш ҳодисасини тавсифлаш учун киритилган. Сўнгги латинча «адаптатио» мослашиш деган маънони англатади ва «адапто»нинг замонавий версияси – мен мослашаман [243] деган маънони беради.

Замонавий биологияда биологик луғат (Онлайн/Адаптация) мослашиш органларнинг тузилиши ва функцияларини тирик организмларнинг мавжуд бўлиш шароитларига мослашиши деб талқин этилади [244].

Бўлажак ўқитувчиларни касбга мослаштиришда С.Х.Жалилова, Ф.И.Ҳайдаров, Н.И.Ҳалиловалар қуйидаги тушунчаларни «Касб психологияси» китобида келтирган. Булар:

*Касбий шаклланиш* – бу шахснинг касб танлови босқичидаги касбий таълимга тайёргарлиги, шунингдек, касбий фаолият жараёнидаги ривожланишидир [87].

*Касбий шаклланиш босқичлари.* Касбий шаклланиш – гетрохрон жараён ҳисобланиб, айрим ҳолатларда камайиш ва сакраш мақомига эга. Индивид шахснинг шахсий ва касбий тараққий этиш омилларининг ўзаро алоқаларига оид тушунмовчилик ва инқирозлар юз беради. Бу индивидуал тўла-тўқис жараёни ижтимоий ҳолат ва асосий фаолиятга доир босқичларга бўлиш мумкин. Уларга касбий тайёргарчилик, касбий адаптация, бирламчи ва иккиламчи профессионализация ва касбий маҳоратлар хосдир [87].

*Касбий шаклланиш турлари.* Касбий шаклланиш йўли ва тезлиги қатор омиллар билан ифодаланади. Уларга ёш, индивидуал-психологик, касбий технологик ва ижтимоий-иқтисодий омилларни татбиқ этиш мумкин [87].

*Касбий ривожланиш* – бу йўналиш қобилият ва муҳим касбий сифатларнинг бойиши, меҳнат фаолияти ривожини ошириш билан белгиланади [87].

*Касбий шаклланишнинг психологик жиҳати.* Шахснинг касбий ривожланиш ҳамда касбий маҳорат жиҳатдан ўзини топа олиш учун ўз устида иш олиб бориш ва турли муаммоларнинг ечимини топиш учун охиригача курашиш, шарт-шароитлар ҳамда имкониятлар ташкиллаштириш, касбий, шахсий ривожланишдаги деструктив анъаналарни ўзлаштиришда инсонларга психологик мадад ва ёрдам бериш [87].

*Касбий жиҳатдан ўзини англаш.* Киши касбнинг психологик имкониятларини, касбий фаолият моҳияти ва талабларига бўлган

карашларини мустақил идрок эта олиши, шунингдек, маълум ижтимоий-иқтисодий ҳолатда қилинадиган ишдан маъно қидириши [87].

*Касбий жиҳатдан ўзини асрай олиши.* Инсон шахсига қаратилган маҳсулдор касбий фаолиятда доимий ўзлиги устида ишлаши, тайёргарлиги ва касбий имкониятини рўёбга чиқариши, касбий ҳаётини назорат қила олиши, касбий ривожланиш ва лавозими ошишидаги деструктив вазиятларни енгиши билан боғлиқдир [87].

*Профессионализация деструкциялари.* Профессионализация муҳитидаги миқдор ва сифат ўзгаришлар, шахсинг камол топиши ва деформацияси билан кечади.

*Касбий ўзини-ўзи фаоллаштириши.* Шахсинг кучини активлаштириш орқали касбий ривожланишни тезлаштириш ва мукаммаллаштириш, нормадан кўп касбий фаолиятни намоеън қилиш, шу каторда, турли психотехнологияларда иштироқи ва бошқалар [87].

*Касбий ижтимоийлашув.* Касбга киришиш ва уни эгаллашда касбнинг ижтимоийлашуви кўрилади; яъни касбий таъриф босқичида ўзига тааллуқлисини топиш, касбий имкониятини ишлаб чиқиш, касбий идентификацияни ташкил этиш [87].

Эргаш Ғозиевнинг таърифича: «**Ижтимоий мослашув** – индивиднинг ижтимоий муҳитга доимий фаол мослашиш жараёни ва бу жараённинг натижаси. Ижтимоий мослашув узлуксиз хусусиятга эга эканлигига қарамадан, уни, одатда, индивиднинг ўз фаолиятини ва ўзини ўраб турган ижтимоий даврасини тубдан ўзгартириш давлари билан боғлайдилар. Мослашиш жараёнининг ижтимоий муҳитга фаол таъсир этиш кўриниши ва муҳитдаги мақсад ва қадриятларни келишувчанлик билан пассив қабул қилиш кўриниши бўлади. Ижтимоий мослашув шахс ижтимоийлашувининг асосий ижтимоий-психологик омилларидан биридир. Ижтимоий мослашувнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан индивид ўзини ва ўзининг

ижтимоий алоқаларини қанчалик ўхшаш (адекват) англашига боғлиқ. Ўзи тўғрисидаги ижтимоий тасаввурнинг нотўғрилиги ёки етарлича эмаслиги ижтимоий мослашувнинг бузилишига олиб келади, бу ҳолат (воқелик)нинг энг аянчли кўриниши аутизм (индивиднинг атрофдагилар билан мулоқот қилишдан қочиб, ўзининг ички кечинмалари дунёсига фарқ бўлиши)дир. Ижтимоий мослашув муаммоси жаҳон психологиясида психоанализ, аутизм, депривация каби илмий йўналишларда тадқиқ этиб келинади. Бунда асосий эътибор мослашувнинг бузилишига (руҳий соҳадаги бузилишлар, бегоналашиш, апатия, алкоголизм, гиёҳвандлик ва б.) ва уни тузатиш (коррекциялаш)нинг психотерапевтик услубларига, аутотренинг, социотренинг воситаларига йўналтирилади. Муҳитга шахснинг киришиб кетиши унинг хулқи, фаолияти, муомаласи орқали содир бўлса мослашишнинг мукамаллиги вужудга келади. Шахснинг катта ёки кичик гуруҳлар муҳитига мослашиши ишнинг самарадорлигини оширади, таълим-тарбия жараёнини яхшилашга ёрдам беради» [245].

Юқоридаги таърифларни бир-бири билан таққослаб кўрганда шу нарса маълум бўлдики, уларнинг маъно жиҳатдан бир-бирига семантик моҳияти жуда яқин: «мослашиш» (биологияда); ассимиляция, «трансформация» (психологияда); «мослашув» (социологияда). Шундан келиб чиқиб, бу сўзнинг маъносида мослашишни одамнинг ташқи муҳитга мослашиши, одатланиши деб ҳисоблаш мумкин деган хулосага келинди.

Олий таълим тизимида бўлажак мутахассисларни касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш муаммолари долзарб бўлганлиги учун ҳам бир қатор олимлар шу масала билан шуғулланмоқда. Олий таълимда бўлажак ўқитувчиларни касбга тайёрлаш ва ўзларини замонга мослаштириш ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш асносида касбий тайёргарлигини аниқлаш масалалари О.А.Абдулина [42], А.А.Акрамов[50]ларнинг тадқиқотларида ўрганилган. Педагогик маҳорат масалалари Б.А.Абдукаримов [43],



Н.Азизхўжаева [49], Р.Ҳ.Жўраев [79], Б.Р.Жўраева [80], Г.М.Махмутова, Л.М.Митина, А.Г.Морозов, У.Н.Нишоналиев [140], М.Очилов [165], Б.Рахимов [179], Н.Саидахмедов [184], В.А.Сластёнин [188], Ў.Толипов [196], А.А.Холиқов [211, 213], Н.Шодиев [224], О.Ҳайдарова [209], Ф.Р.Юзликаев[228]ларнинг илмий ишларида ёритилган. Ўқитувчининг педагогик маҳорати, ўқитувчининг замонавий инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш имкониятлари шу билан бир қаторда бўлажак ўқитувчиларнинг дунёқарашлари, коммуникатив мулоқот маданиятини янада ривожлантириш масаласининг йўллари ва усуллари тадқиқ этилган. А.А.Бодалев, Е.М.Иванова, Э.Ғозиев, М.Г.Давлетшинлар [241, 242, 75], ўқитувчи шахсини касбий тарбиялашнинг психологик ва психофизиологик жиҳатларини ёритиб берган. В.Адольф, И.Зимняя, А.Карабаева, Н.Кузьмина, Н.Муслимов, Ш.Шариповлар [112, 136, 137], ўқитувчининг касбий компетентлигини шакллантириш муаммосини ўрганган.

«Мутахассис шахсининг касбий етуклиги қуйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин: 1) касб билан боғлиқ маънавий қадрият тизимини тушуниш; 2) тажриба орттириш ва шахсий тажрибани таҳлил қилиш; 3) намунавий мутахассиснинг адекват моделини қабул қилиш ва унга ўхшаш учун ўз устида ишлашга интилиш; 4) олдинга қўйилган мақсадга эришиш учун шахсий куч ва ресурсларни максимал даражада сафарбар этиш; 5) меҳнатдан қониқиш ҳиссининг пайдо бўлиши; 6) ўзини ўзи ривожлантиришга интилиш. 7) шахс хулқида бузилишларнинг мавжуд эмаслиги; 8) шахс организми ва психикасининг функционал имкониятлари ва уларнинг касбий талабларга мувофиқлик даражаси ҳақидаги тасаввурларга эга бўлиш ва бошқалар» [87].

Олиб борилган илмий изланишлар натижасида шу нарса аниқландики, компетентлик, касбий сифат, билимдонлик, шахс шаклланиши ва ривожланиши масалалари кўп ўрганилган. Бироқ бўлажак ўқитувчиларнинг

педагогик фаолиятга касбий барқарорлигини шакллантириш жараёнига ўзгача ёндашув мазмуни, шакл, метод ва воситаларининг имкониятлари етарли даражада ўрганилмаган.

**Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда педагогик касбий барқарорликни биз таълим-тарбия жараёнида фаолият олиб бораётган педагогларнинг ўз касбида юксак маънавий эътиқод билан узок йиллар самарали фаолият олиб бориш жараёни деб изоҳладик.**

### **1.2.§ Педагогик касбий барқарорлигини шакллантиришнинг педагогик-психологик имкониятлари**

Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятга касбий етуқлигини шакллантириш жараёнларида такомиллаштириш йўлларида бири тарихида талабаларнинг психоэмоционал руҳий, психологик аҳволига ва уни амалда қўллашда ўз-ўзини бошқариш истеъдодини ривожлантиришга эътибор қаратиш керак. Талабаларда касбий барқарорликни ташкил этишда психоэмоционал шарт-шароитни бошқариш учун психологик-педагогик ҳолатларни аниқлаштириш ва уларни олий таълим муҳити доирасида тартибга солишни ва назоратни пухта ишлаш лозим [114].

Бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантириш учун кўйидагиларга эътибор берилди.

Психологик барқарорлик, бу мураккаб шахсий хусусият бўлиб, унда «мувозанат, мутаносиблик, чидамлик, барқарорлик, қаршилик» каби хусусиятлар Н.Лебедеванинг фикри бўйича мувозанатни бузадиган ташқи ва ички омилларга қарши туриш орқали таъминланган ҳаракатчан мувозанат ҳолати сифатида талқин қилинади [114].

Америкалик психологлар С.К.Кобаса ва Р.Пусетти чидамликни учта кўрсаткич билан тавсифлайди [107].

– назорат қилиш (қаттиқ одамлар ўз ҳаётларини назорат қилиш туйғусини ҳис қиладилар, экстремал шароитларда хатти-ҳаракатлар чизиғини танлайдилар, улар воқеаларни назорат қилишлари ва уларга таъсир қилишлари мумкинлигига ишонишади);

– фаолиятда иштирок этиш, бошқалар билан ва ўзи билан муносабатлар (бу муносабатлар ўз қадриятлари, мақсадлари ва ҳаётий устуворликларини очиб беради, шунинг учун улар мавжудлигининг маъноси билан боғлиқ);

– ўзгаришларни таҳдид эмас, балки қийинчилик сифатида баҳолаш (барқарор одам ўзининг мослашувчанлигини синаб кўради, қатъиятли ва қаердан ёрдам топишни билади).

Ушбу муаллифларнинг фикрига кўра, психологик жиҳатдан барқарор одам турли хил стрессли таъсирларга қарши туриш учун етарли билимларга эгаллиги билан ажралиб туради.

Шунингдек, В.М.Писаренко, стрессли вазиятларга тушганда ҳиссий барқарорлик ҳолати меҳнат қобилиятининг ошишига олиб келади [171].

Л.М.Аболиннинг фикрига кўра, ҳиссий барқарорлик ўз-ўзини бошқариш тизимида аниқ ҳаракат қила олади [45].

П.Б.Зилберман педагогик фаолиятда мақсадига эришишни таъминлайдиган шахснинг ҳиссий, интеллектуал ва мотивацион ҳаракатлари касбий барқарорликка эришишнинг интеграл хусусияти эканлигини кўрсатиб ўтади [92].

Таълим-тарбия жараёнларида руҳий барқарорликни шакллантириш учун бўлажак ўқитувчиларнинг бу борадаги билимлари ўрганилиб, уларга ишда доимо яхши ният қилиш, уни қуршаб турганларга ёрдам бериш, кишиларнинг дардини тинглаш, юқори ҳиссий барқарорликка эриштириш масаласига жиддий ёндашиш талаб қилади.

«Шахс – шахс» тизими билан боғлиқ ўқитувчилик касби юқори ҳиссий таранглик ва стресс билан ажралиб туради. Педагогик фаолиятдаги ҳиссий таранглик ҳолати меҳнат қобилиятининг пасайиши, фаолият натижаларининг ёмонлашиши, характерга эга бўлмаган хатоларнинг намоён бўлишида акс этади. Педагогик фаолиятнинг турли стресс омилларига психоэмоционал қаршилиқни ўқитувчининг касбий муҳим сифати деб ҳисоблаш мумкин.

Талабаларда касбий барқарорликни шакллантириш жараёнларида психоэмоционал зўриқишнинг олдини олиш ва бартараф этиш йўллари ўргатилиши керак.

Талабаларнинг психоэмоционал барқарорлигининг хусусиятлари Л.М.Аболин [45], М.И.Дяченко [84], П.Б.Зилберман [92], В.М.Писаренко [171] ва бошқаларнинг асарларида аспекти кўриб чиқилган.

Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятга касбий барқарорлигини шакллантириш доимий равишда ечимини кутиб турган масала ҳисобланади. Шунинг учун ҳам педагогик фаолиятда касбий барқарорлик кўникмаларини шакллантириш учун бизнинг назаримизда алоҳида психологик-педагогик шарт-шароитлар ва воситалар муҳим роль ўйнаши мумкин. Ушбу шартларга қуйидагилар киради:

1. Талабаларнинг психофизиологик хусусиятлари, психоэмоционал ҳолати исталмаган ҳодисаларни башорат қилиш ва олдини олиш имконини беради.

2. Бўлажак ўқитувчиларда касбий компетенция даражаси қанчалик юқори бўлса, талабалар учун стрессли вазиятда психоэмоционал ҳолатни, ўз-ўзини бошқариш усуллари танилаш имконияти юқори бўлади.

3. Педагогик муаммо пайдо бўлганда, муаммоли ҳолатларда талабаларнинг келажакдаги касбий фаолиятида муваффақиятга эришишга ёрдам берадиган психоэмоционал ҳолатларда ўз-ўзини бошқара олишида умумий касбий самарадорликнинг тараққий этишга йўналтирилган махсус

ижтимоий-психологик тренинглардан фойдаланиб ташвиқот орқали талабаларни касбий фаолиятга йўналтириш лозим.

Талабаларда касбий барқарорликни шакллантиришда касбга мослашиш ва ишни оқилона ташкил этишни амалга оширишда бўлажак ўқитувчиларнинг типологик хусусиятларини инобатга олишни талаб қилади.

Демак, жуда кўп илмий ишлар касбий тайёргарлик масалаларига бағишланган бўлиб, унда касбий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларига қараб, ўқитишга муваффақиятли ёндашувлар орқали амалга оширилади.

Ҳаракатланиш – инерция диагностикаси, асаб жараёнларининг мувозанати Е.П.Ильиннинг кинематометрик техникаси бўйича амалга оширилди [95].

***Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлиги: тайёргарлик жараёнидаги салоҳият ва баҳолаш мезонлари***

Лазарев Максим Александрович, Стукалова Ольга Вадимовна, Темиров Таймураз Владимирович бўлажак ўқитувчининг касбий барқарорлиги биз учун қадрият муносабатлари, ҳиссий-иродавий жараёнлар ва ҳолатларнинг барқарорлашувининг юқори даражасини акс эттирувчи сифат белгиси бўлиб кўринади [53].

«Барқарорлик» таърифи «стабил» сифатдошидан келиб чиққан бўлиб, С.И.Ожеговнинг «Рус тилининг изоҳли луғати»да берилган бўлиб, унда:

- 1) туриш, маҳкам ушлаб туриш, иккиланмаслик, йиқилиш;
- 2) тебранишларга дучор бўлмаган, доимий, турғун, мустаҳкам деган маъноларни англатиши кўрсатилган [159].

Психологияда етуклик турли ҳаётий ҳолатларда руҳий вазиятнинг барқарорлигини сақлаб қолиш қобилиятига эга кишининг шахсий ресурс тамойили сифатида кўрилади [39].

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш муаммосида шуни таъкидлаш жоизки, кўпчилик тадқиқотчилар касбий

барқарорликни ўқитувчининг касбий фаолиятининг барқарорлиги, самарадорлиги, ишончлилиги каби энг муҳим тоифалар билан солиштирадилар, шу билан бирга, ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъкидлайдилар. Барқарорликнинг характерли белгилари – тизимнинг ўзини-ўзи бошқариш, мослашиш, ўз хусусиятларини сақлаб қолиш ва тизимни мувозанат ҳолатига қайтариш қобилияти саналади. Шунингдек, касбий барқарорликнинг ривожланиш даражаси, умуман, ўқитувчиларнинг касбий маданият даражасини белгилайди [39]. Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда бўлажак ўқитувчининг касбий барқарорлигини шакллантиришда:

- 1) эҳтиёжнинг мавжудлилиги;
- 2) касбий толиқишнинг олдини олиш;
- 3) касбий масъулиятни ҳис қилиш;
- 4) ижодкорликни ривожлантириш;
- 5) касбга ижобий ёндашувни бажариш;
- 6) касбга доир муҳим қарорларни қабул қилиш малакасини ошириб бориш;
- 7) ўз танловининг тўғрилигига ишониш кабилар муҳим роль ўйнайди.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий йўналишини кучайтириш орқали махсус фанлар бўйича касбий барқарорликни шакллантириш мумкин.

Бўлажак ўқитувчининг касбий барқарорлигига таъсир қилувчи омилларни урта асосий гуруҳга бирлаштириш мумкин: ижтимоий-педагогик, психологик-педагогик ва педагогик.

Шу муносабат билан З.К.Каргиева касбий барқарорликни аниқлаш учун бир нечта омилларга тўхталади:

- ўқиш жараёнида когнитив фаолиятнинг амалга оширилганлиги;
- танлаган касбда эркин фаолият юритиш;
- ташкилотчилик фаолиятни амалга ошириб бориш [100].

Бизнинг фикримизча, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини оширадиган омиллар:

- ўзи танлаган касби орқали ўзини ҳурмат қилиш;
- ёшларга таълим-тарбия беришга қизиқиш;
- таълим жараёнларига онгли ёндашув қобилиятини ривожлантириш;
- миллий ва умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда касбга ёндашув.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини тавсифловчи мезонлар орасида И.А.Ключникова тадқиқотида энг аҳамиятлисини ажратиб кўрсатади [103]:

- касбини севиш;
- касбни эъзозлаш;
- педагогик компитенция;
- педагогик маҳорат;
- ўз-ўзини тарбиялаш;
- ҳиссий барқарорлик;
- мақсадни амалга ошириш .

Педагогика олий ўқув юртлари талабаларининг касбий барқарорлигини шакллантириш салоҳиятини белгиловчи муҳим омиллар деганда биз касбий-педагогик тайёргарлик даражаси ва ўзини кадрлашни инобатга олиб иш олиб бордик.

Бундан ташқари, касбий барқарорлик шахснинг фаоллиги, унинг ўзини мақсадли ўзгариш даражасига олиб чиқиш ва ўз фаолият траекториясини куриш, ўзгариш ва қуйидагиларнинг комбинацияси билан белгиланади:

1) ёшларни сифатли таълим ва тарбиялаш учун қулай муҳитни ташкил этишда касбий ва педагогик билим ва маҳсус педагогик етуклик;

2) касбий фаолиятни муваффақиятли амалга оширишга имкон берадиган шахснинг ҳиссий-иродавий ва мотивацион фазилатлари

(қатъиятлилик, ишонч, эҳтиёткорлик, қарор қабул қилиш ва улар учун жавобгарлик, ўзини-ўзи бошқариш қобилияти);

3) ушбу фаолиятга, шунингдек, педагогик мулоқотнинг турли хил турларига қизиқиш ва самарадорликни сақлаш.

Демак, бўлажак ўқитувчиларга барча имкониятни яратадиган тизим бу педагогик фаолиятдир.

Касбий барқарорликнинг мотивацион компоненти Ф.Г.Зиятдинова асарларида ҳам қайд этилган. У касб танлаш мотивлари, бир жойда узок муддатли меҳнат қилишнинг сабаблари ва иш жойини ўзгартириши билан боғлиқ бўлган омилларни кўрсатган [93].

Л.В.Куликов психологик барқарорликни шахсий хусусият сифатида тавсифлаб, унинг учта асосий жиҳатини белгилайди:

- мустаҳкамлик, барқарорлик;
- мувозанат, мутаносиблик;
- қаршилиқ (қаршилиқ) [113].

У барқарорликни «қийинчиликларга дош бериш, умидсизлик ва доимий (етарли даражада юқори) кайфият даражасида ишончни сақлаш қобилияти» деб тушунади. Барқарор бўлиб, инсон ўзини ўзи англаш, ўзини ўзи тасдиқлаш ва ўзини намоён қилиш эҳтиёжларини акс эттирувчи ўз идеаллари ва мақсадларига содиқ қолади. Олим барқарорлик мавжудлигининг кўрсаткичи сифатида барқарор, етарлича юқори кайфиятни қайд этади, бу сезгирлик, ҳаётнинг турли жабҳаларига сезгирлик, кўп қиррали манфаатлар, юксак кадриятлар ва интилишларга эътибор қаратишда ифодаланади [113].

Бироқ муаллифнинг фикрича, барқарорлик ўзгармас хусусият сифатида қаралмаслиги керак. Бу ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз шахсийлигини шакллантириш қобилиятини ўз ичига олади [113].



А.К.Гуз барқарорлик қарама-қарши тенденциялар – магистрал ва тизимли тенденциялар ўртасидаги беқарор мувозанатга асосланганлигини таъкидлайди [72].

Биринчи тенденция – доимий (чизиқли) қолиш учун доимий ҳаракат;

Иккинчиси, ўзгариш, ривожланиш, янги сифат (ночизиқлилик) истагини акс эттиради [72].

Олимнинг фикрича, барқарорлик ва беқарорликка, барқарорлик ва мувозанатга қарши турмаслик керак. Барқарорлик барқарорликнинг турли турлари ва даражалари, тизимни шакллантириш ва тизимни ўзгартириш тенденцияларининг комбинацияси сифатида мавжуд. Барқарор тизим бир томондан барқарорликни, иккинчи томондан, ўзгаришни, беқарорликни мувозанатлаштиради [72].

### **1.3.§ Талабаларнинг педагогик касбда барқарор фаолиятини таъминлашга замонавий ёндашув**

Замонга хос янгича таълимда шахсий, инсонпарварлик тамойилини мустаҳкамлаш педагогик фаолиятга таълим жараёни субъектлари – талабалар ва ўқитувчиларнинг шахсий камолотини такомиллаштириш ва амалга ошириш учун шароит муҳайё қилиш билан боғлиқ янги қиррасини беради. Бундай шароитда касбга бўлган қизиқиш ўқитувчининг ажралмас мотивацион соҳасининг етакчи, тизимли таркибий қисмига айланади, шахсий ўзини-ўзи англаш соҳаси сифатида педагогик фаолиятнинг янги маъносини амалга оширади.

Глобаллашув жараёнида бўлажак ўқитувчиларда таълим шахсни ҳар томонлама тарбиялаш, унда комиллик ва малакали, етук мутахассисга оид жиҳатларни шакллантириш муҳим ўрин тутди. Бугунги шиддатли кечаётган вақтда талабаларни қисқа даврда ва асосли маълумотлар билан қуроллантириш, улар томонидан турли фан жиҳатларини пухта

Ўзлаштиришларига зарур шарт-шароитларни яратишни тақозо этмоқда. Модернизация шароитида таълим жараёнининг барча имкониятларига кўра, шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва унда мустақил, танқидий, ижодий фикрлаш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилиши талаб этилмоқда. Ўзида айнан шу имкониятларни акс эттирган таълим шахсга йўналтирилган таълим деб номланади.

**Бугун республикамызда меҳнат бозорига кириб бораётган йигит-қизларни арзон ишчи кучи сифатида эмас, аксинча, салоҳияти юксак, рақобатдош кадрлар қилиб етиштириш бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсадларимиздан биридир. Шунинг учун ҳам бўлажак ўқитувчиларни талабаларни таълим олиш жараёнидаёқ уларни амалиёт билан боғлаш орқали бандлигини ва касбий барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор ҳамда масъулият билан ёндашиш зарурлиги ва унга эҳтиёж бор.**

Бугунги кунда педагогика олий ўқув юртини битириш арафасида турган ҳар бир мутахассис кўлига диплом олгач, қачон, қаерда ва қандай қулайликлар эвазига меҳнат фаолиятини бошлашини яхши билиши керак.

Шундагина улар ўз келажагига ишончи мустаҳкамланади. Келажакка бўлган ишончи бўлажак ўқитувчиларни педагогик ишончли позицияга эга бўлишига замин яратади.

Ўтган даврларни бугунги кун билан таққослайдиган бўлсак, давлатимиз собиқ СССР даврида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида ҳаракатлари қувонарли эмас эди. Асосан, ёш авлод қишлоқ хўжалиги ишлари билан банд бўлар, барча соҳа вакиллари ҳам тез-тез қишлоқ хўжалигига жалб қилинарди. Чунки давлатимиз хом ашё етказиб берувчи аграр республика саналар эди. Бундай республика аҳолисини ижтимоий фаол, илм-фан ҳамда техника ютуқларини пухта ўзлаштирган, давлат тараққиётини белгилаб берувчи соҳалар бўйича халқаро стандартларга мос кадрлар қилиб тайёрлашга йўл ҳам қўйилмас эди. Бугунги

кунга келиб, юртимиз аграр давлатдан саноати ривожланиб бораётган давлатга айланмоқда. Шунинг учун ҳам замон талабига жавоб бера оладиган педагогик кадрларга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Юртимизда инсон ва унинг манфаатлари олий қадрият даражасига кўтарилиб, бу йўлда олиб борилган туб ислохотлар туфайли беш тамойилга асосланган тараққиётнинг миллий модели барча соҳада туб ўзгаришларни белгилаб берди. Бизнинг давримизга келиб, меҳнатга лаёқатли ёшдаги фуқаролар юртимиз аҳолисининг 62 фоизини ташкил этади. Ҳар йили юз минглаб йигит-қизларнинг меҳнат бозорига кириб келаётганини назарда тутсак, уларни ўз соҳаларининг етук кадри қилиб тайёрлаш учун, аввало, ўзимиз педагогик кадрлар барқарорлигини тўлиқ таъминлаш доимий долзарб масала экани маълум бўлади. Республикамизда мазкур масалага комплекс ёндашув асосида жиддий эътибор қаратилаётганлиги сабабли амалга оширилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсат бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий фаоллигида ўз ифодасини топмоқда. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш борасида тўпланган педагогик тажрибалар, кузатилаётган ижобий анъаналар ва самарали ҳамкорликка асосланган ташаббуслар талабаларнинг эркин фикр юритиши, ўз устида тинимсиз ишлаши, таълимга ижодкорона ёндашувини шакллантиради.

Тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнларида бўлажак ўқитувчиларнинг барқарорлигини шакллантиришда олий таълим мамлакатнинг эртанги тараққиётини белгилаб берадиган, жамият ҳаётининг барча жабҳасини ислоҳ этишда ҳал қилувчи вазифани бажарадиган омил ҳисобланиши тушунтирилди. Талабаларнинг онгига меҳнат бозорида рақобатбардош, юқори малакали кадрларга эҳтиёж катталиги доимий равишда сингдириб борилди. Ўзбекистон Республикасининг бу борадаги сиёсати шундан иборатки, олий таълим тизими сифати ва самарадорлигини

табдан ошириш давлат ижтимоий сиёсатининг асосий негизини ташкил этиши билан характерланиши тушунтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори олий таълим тизимини янги сифат босқичига кўтаришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Қарор олий таълим тизимининг замон талаблари даражасида ривожланишига, соҳанинг юртимизда кечаётган ислохотлар билан ҳамоҳанглигини таъминлашга шарт-шароитларнинг яратилишига хизмат қилади.

Маълумки, бугунги кунда педагогика олий таълим муассасалари ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, талабаларни замон талабларига мос равишда шакллантириш учун аниқ манзилли лойиҳалар, дастурларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Бутунлай замонавий модернизациялашган талаб ва ёндашув асосида олиб борилаётган ишлар мавжуд педагогик ресурс ва имкониятларидан оқилона фойдаланиш бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантириш мақсадини ифодалайди.

Шу сабабли президентимиз қарори билан олий маълумотли кадрларни тайёрлаш ва уларнинг қўнимлилигини таъминлашнинг мақсадли мезонларини шакллантириш, бўлажак ўқитувчиларнинг ўзлари танлаган ихтисослик йўналишларига оид жорий этилаётган дастурларнинг талаб ва эҳтиёжлари, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ҳудудларни комплекс тараққий топтириш истиқболларини инобатга олган ҳолда касбий барқарорликни шакллантириш тизимини янада такомиллаштириш устувор вазифалар сифатида белгиланди.

Педагогика олий таълим тизимига бундай ёндашувлар меҳнат бозорида, педагогик ислохотлар жараёнига мослашувчанлигини ошириб, тизимда самарадорликни юксалтиришнинг муҳим шарти бўлиб хизмат қилади. Бизга маълумки, айрим талабалар педагогика тизимида ўз ўрнини

топа олмай, бутунлай бошқа соҳаларда ишламоқда. Лекин айрим ҳудудларда, узоқ туманлардаги таълим муассасаларида замонавий билим ва касбий кўникмаларга эга ёш йигит-қизларга талаб кун сайин ортиб бормоқда. Давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлар шаҳар ҳудудидан бошқа чекка қишлоқларга бориб ишлаш, бошқа вилоятдан ўзга вилоятнинг педагог кадрларга эҳтиёжи бор чекка ҳудудларига келиб ишлаши учун ўқитувчиларга бир қатор имкониятлар яратилган. Бундай имкониятлар, албатта, касбий барқарорликнинг таъминланишига хизмат қилади.

Профессор-ўқитувчилар, педагог ходимларнинг дунёқарашини, шахсий масъулияти ва ўз касбига бўлган муносабатини тубдан ўзгартирмасдан туриб, олий таълим тизимида ўқиётган талабаларда касбий барқарорликни шакллантиришда қийинчиликларга дуч келинади. Шунинг учун ҳам бундай ишларни амалга ошириш учун педагогик таркиб, илмий доиралар ҳамда олий ўқув юртлари раҳбарияти бутунлай янгича талаблар асосида иш олиб бориши лозим. Албатта, талабаларда касбий барқарорликни шакллантиришда бундай саъй-ҳаракатларнинг вақтида самарали бажарилиши ҳар бир педагог ва бўлажак ўқитувчилардан қатъий педагогик тартиб-интизом ҳамда ишга шахсий масъулият билан ёндашишни талаб қилади.

Таълим жараёнларининг интеграциялашуви ҳозирги вақтда ривожланишнинг асосий омиллари сифатида талабаларнинг касбий барқарорликни шакллантиришдаги фаоллик даражаси эътироф этилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, барча олий таълим муассасаларида бўлгани каби педагогика олий таълим тизимида таҳсил олувчиларнинг касбий барқарорликни шакллантириш камровини оширишни назарда тутди. Педагогика олий таълим тизимида педагогик самарадорликни рағбатлантириш жараёнини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, бўлажак ўқитувчиларда мустақиллик, ижодий ташаббускорлик, педагогик касбий маҳоратни эгаллаш ва педагогик жиҳатдан билим олиш имкониятини

ошириш ҳамда замонавий инновацион педагогик тизимли муносиб таҳлилни яратиш, такомиллаштириш, бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантириш жараёнларида касб эгаларига ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини тушунтириб бориш, бўлажак ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш орқали педагогик касбга бўлган қизиқишларини ошириб бориш масаласига жиддий ёндашув амалга оширилмоқда.

Айни дамда замонавий таълим тизимида ўзгаришлар тез-тез кўзга ташланиб турмоқда. Бундай ўзгаришлар қаторига таълим сифатига қўйилаётган талаблар, ёшларга қаратилаётган эътибор, ўқитиш шаклларининг ўзгаришлари, таълим тизимида янги лавозимларнинг жорий этилишини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Бундай ўзгаришлар бўлажак ўқитувчиларга ўзига хос имкониятлар ва талабларни қўймоқда. Бугунги кунда таълим сиёсатидаги бош масала малакали, ҳар томонлама камол топган инсонни тарбиялаш, бўлажак ўқитувчиларни замонавий талаблар доирасида меҳнат бозорига тайёрлашдир. Таълимнинг касбий жиҳатдан аҳамияти бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги билан аниқланади. Педагогика олий таълим муассасаларида ўқиётган бўлажак ўқитувчилар ўз йўналишларига мос фанларни билишлари билан бир қаторда чет тилларини, ахборот технологияларини мукамал эгаллаб бориш жараёнларида, педагогик мосланувчанликни инобатга олган ҳолда педагогик фаолиятга тайёр бўлиши керак.

Бугунги кунда талабаларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш жараёнига қуйидаги талаблар қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлади: касбий билимларни эгаллашга сифатли-танқидий ёндашув, яъни бўлажак ўқитувчилар талаб қилинган аснода билим, малакага эга бўлиши; бўлажак ўқитувчилар инглиз тилини чуқур билиши; ахборот технологияларига оид малакага эга бўлиши керак. Шу қаторда бўлажак ўқитувчилар ижтимоий-

иқтисодий мавқе жиҳатдан фаол тарзда шаклланган бўлиши зарур, чунки ўқитувчилик касбига босқичма-босқич тайёргарлик кўриши асосида олиб борилади. Иккинчидан, бўлажак ўқитувчилардан янгича дунёқараш, янгича фикр, янгича муносабат ва юксак ахлоқийлик талаб этилади. Учинчидан, бугунги кунда бўлажак ўқитувчилар таълим-тарбия тизимида юз бераётган туб ўзгаришларга эътиборли бўлиши асосида маънавий жиҳатдан ўз-ўзини ривожлантириши талаб қилинмоқда. Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда интегратив ва дифференциал ёндашув, психологик-педагогик назарий ва амалий илмни интеграциялаш, умумкасбий ва ихтисослик билимлар интеграцияси, бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга ошириш асосида касбий фаолиятга тайёргарликни такомиллаштириш моделини яратиш, долзарб масалалардан бири сифатида илмий тадқиқот ишлари олиб борилишини тақозо этади. Республикамиз ижтимоий-иқтисодий, таълим соҳаларининг ривожланиб бориши, олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини мутаносиб, кучли такомиллаштириш, фан-техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларига таянган ҳолда талабаларнинг мутахассис бўлиб етишишларида уларнинг изланувчанлик, ижодкорлик, ижтимоий фаоллик, фикрлаш қобилиятларини юксалтириш, нутқ маданиятини ўстириш, хорижий тилларни пухта эгаллашларида ахборот коммуникацион технологиялар хизматидан мақсадга кўра муттасил фойдаланиш, билим олувчиларнинг мустақил ижобий кўникмаларини шакллантириш айти дамба энг долзарб масалалардан биридир.

Айти вақтда педагогика институтлари ва университетларида таҳсил олаётган бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда куйидагиларга эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Булар:

– бўлажак ўқитувчилар умумтаълим мактабларида ўқиётган даврларидан бошлаб танланиши;

- мақсадли таълим бюджет грантининг тўлақонли йўлга қўйилиши;
- фанларни яхши ўзлаштирмаган талабалар билан ишлаш тизимини тубдан ўзгартириш;
- маърузага кираётган талабар сони 50 нафардан ошмаслик;
- гуруҳларни 20 нафардан кўп бўлмаган тарзда шакллантириш;
- гуруҳларни турли билим даражасидаги талабалар билан шакллантирмаслик;
- баҳолаш тизимини тубдан ислоҳ этиш;
- ихтисосликка дахлдор бўлмаган фанларни ўқув режасидан олиб ташлаш, уларнинг ўрнига педагогик туркумдаги фанларни киритиш орқали ҳамиша фойда берувчи компьютер саводхонлиги, Moodle, ZOOM ва бошқа мобиль иловалардан фойдаланиш каби амалий малака ҳамда техник билимларни бериш;
- профессор ва ўқитувчиларнинг ўқув юкламаларини камайтириб, талабаларни мактабларга олиб бориш ва мослаштириш ишларига кўпроқ жалб қилиш;
- маҳорат дарсларини ўтиш ва уни рақамли таълимга йўналтириш;
- талабаларнинг дарсга келиш давоматини тўлақонли назоратга олиш;
- коррупцияга йўл қўймаслик масалаларига ечим топиш кабилар.

Шуни айтиш мумкинки, ёш авлод вакилларининг касбий ривожланиши замонавий шароитда бошқача кўринишда амалга оширилмоқда. Бўлажак ўқитувчилар ўз касбида барқарор фаолият олиб боришлари учун касбни тушуниш, унинг мақсадлари, воситалари ва усуллари билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам бугунги кунда бўлажак ўқитувчиларда тарбияланиши керак бўлган турли хил касбий қадриятлар тўплами шакллантирилмоқда [61].

Бўлажак ўқитувчиларни педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнларида бу касбнинг жамиятда тутган ўрни ҳақида тизимли тушунтириш ишлари олиб борилди. Бунда талабаларга педагогик фаолиятда вазиятни тўғри баҳолай олмаслик, педагогик жиҳатдан тўғри қарор қабул қила олмаслик,



масъулиятни ўз зиммасига олишни истамаслик эртанги кунда касбда барқарор фаолият олиб боришига тўсқинлик қилиши тушунтириб борилди.

Жамиятда инсон омили туфайли содир бўлаётган бахтсиз ҳодисалар нима сабабдан бўлаётганлиги, бунда тарбия мезонларининг бузилаётганлиги айнан педагогикага боғлиқлиги тушунтирилди. Н.Х.Розовнинг таъкидлашича, барча бахтсиз ҳодисаларнинг 90 %га яқини оддий бепарволик ва, энг ёмони, ўз ишини ёқтирмаслик туфайли содир бўлади [178].


Айтиш мумкинки, ҳозирги дамда бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантиришда таълимнинг асосий мақсади муваффақиятли фаолият юритиш учун зарур бўлган ахлоқий ва касбий фазилатларни илмий асосда шакллантириш ва тасдиқлашдир [91]. Юксак малакали ва юксак интеллектли мутахассисларни етиштириш билан бирга ҳар бир педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари битирувчиларининг одоб фазилатлари, дунёқараши замонавий жамият талабларига жавоб бериши борасида жиддий ёндашувларни амалга ошириш кераклиги борасида фикрлар алмашинуви йўлга қўйилди. Натижада эса бўлажак ўқитувчиларда куйидаги дунёқараш шакллантирилди.

### 1.3.1-жадвал

#### Бўлажак ўқитувчиларнинг ахлоқий фазилатлари ва дунёқарашини шакллантириш

<b>Шаклланган касбий шахс</b>	ўзини ўқитувчилик касбига, касбий-педагогик жамоага мансублигини англаш, ўзини ўқитувчи, касб эгаси сифатида қабул қилиш
<b>Жамоанинг эътирофи</b>	ҳамкасблар, бутун касбий-педагогик ҳамжамият ва, умуман, жамият олдидаги ривожланган ижтимоий ва касбий масъулият ҳисси
<b>Педагогик фаолиятнинг касбий ва ахлоқий асосларини тушуниш</b>	ўқитувчилик касбининг ахлоқий меъёрлари ва қоидаларини ҳисобга олган ҳолда ушбу фаолиятни қуриш ва амалга ошириш

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини тавсифловчи мезонлар орасида И.А.Клюшникова [103] тадқиқотида энг муҳимини ажратиб кўрсатади:



**1.3.1-расм. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини тавсифловчи мезонлар**

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш салоҳиятини белгиловчи муҳим омиллар.

**Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш салоҳиятини белгиловчи муҳим омиллар**



**1.3.2-расм. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш салоҳиятини белгиловчи муҳим омиллар**

- касбий-педагогик йўналиш;
- танлаган касбидан қониқиш;
- касбий-педагогик билимлар тизими;
- касбий-педагогик маҳорат тизими (ташкилий, коммуникатив, амалий);
- ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини тарбиялаш қобилияти;
- эмоционал тартибга солиш қобилияти;
- иродавий сифатларнинг мавжудлиги (мақсадлилиқ, қатъиятлиқ, масъулият, ўзига ишонч).

Педагогика олий ўқув юртлири талабаларининг касбий барқарорлигини шакллантириш салоҳиятини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлиги, бир томондан, уларнинг касбий-педагогик тайёргарлигининг маълум даражасини акс эттирса, иккинчи томондан, эркин, ўзига хос қимматли шахсни шакллантириш жараёнида шахсий кўринишларнинг мустақиллигини акс эттиради. Бундан ташқари, касбий барқарорлик шахснинг фаоллиги, унинг ўзини мақсадли ўзгариш даражасига олиб чиқиш ва ўз фаолият траекториясини қуриш, ўзгартириш ва қуйидагиларнинг комбинацияси билан белгиланади:

1) Россия фуқароларининг келажак авлодини самарали таълим ва тарбиялаш учун қулай муҳитни ташкил этишда касбий ва педагогик билим ҳамда маҳсул педагогик маҳорат;

2) касбий фаолиятни муваффақиятли амалга оширишга имкон берадиган шахснинг ҳиссий-иродавий ва мотивацион фазилатлари (қатъиятлиқ, ишонч, эҳтиёткорлик, қарор қабул қилиш ва улар учун масъулиятни ўз зиммасига олиш, ўзини ўзи бошқариш қобилияти);

3) ушбу фаолиятга, шунингдек, педагогик мулоқотнинг турли хил турларига қизиқиш ва самарадорликни сақлаш [116].

Шу билан бир қаторда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-маънавий барқарорлигини шакллантириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

**Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-маънавий барқарорлигини шакллантириш мезонлари**



**1.3.3-расм. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-маънавий барқарорлигини шакллантириш мезонлари**

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий маънавий барқарорлигининг шаклланганлиги юқори касбий таълим даражасининг ривожланишига олиб келади [216].



**1.3.4- расм. Бўлажак ўқитувчиларнинг юқори касбий таълим даражасини аниқловчи мезонлар**

## I боб бўйича хулосалар

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантиришга қаратилган ёндашув, талабаларнинг қобилиятлари ва шаклланган компетенциялари асосида турли шароитларда педагогик тизимда барқарор фаолиятни амалга оширишни назарда тутди.

1. Бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда талабаларда мотивация, эҳтиёж ва қизиқишни ошириш билан бирга талабаларда касбий педагогик фаолиятда ҳамкорлик тажрибасини орттириш муҳим жиҳат ҳисобланади.

2. Бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг яхлит жараёнида педагогик барқарорликни шакллантиришга имкон берадиган тизимга йўналтирилган услубий модели ҳамда дастурий ва услубий таъминоти ишлаб чиқилса, амалиётда қўлланилгандагина талабаларнинг касбий барқарорликка оид компетенциясини муваффақиятли шакллантириш амалга оширилади.

3. Педагогика олий таълимида бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантиришда кўпгина таълим ва тарбиявий унсурлардан кенг фойдаланиш орқали уларда барқарорликни шакллантириш жараёни амалга оширилади.

4. Бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантириш учун қуйидагиларга эътибор берилди:

Психологик барқарорлик, бу мураккаб шахсий хусусият бўлиб, унда «мувозанат, мутаносиблик, чидамлилик, барқарорлик, қаршилиқ» алоҳида аҳамият касб этади. Касбий хусусиятлар Н.Лебедеванинг фикри бўйича мувозанатни бузадиган ташқи ва ички омилларга қарши туриш орқали таъминланган ҳаракатчан мувозанат ҳолати сифатида талқин қилинади.

5. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантиришда муаммоси касбий тайёргарлик нуқтаи назаридан долзарб бўлиб, бу борада алоҳида психологик-педагогик шарт-шароитлар ва воситалар муҳим роль ўйнаши ёритилди. Бунда:

А) талабаларнинг психофизиологик хусусиятлари, психоэмоционал ҳолати исталмаган ҳодисаларни башорат қилиш ва олдини олиш имконини беради;

Б) бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантиришда ўзини-ўзи бошқариш соҳасидаги психологик ва касбий компетенциясини ошириш мақсадида талабаларни тарбиялаш. Касбий компетенция даражаси қанчалик юқори бўлса, талабалар учун стрессли вазиятда психоэмоционал ҳолатни, ўз-ўзини бошқариш усуллари танлаш имконияти юқори бўлади;

В) педагогик муаммо пайдо бўлганда, муаммовий вазиятларда талабаларнинг келгусидаги касбий фаолиятида муваффақиятга эришишга ёрдамлашадиган психоэмоционал муҳитларда ўз-ўзини бошқара олишида умумий касбий барқарорликни такомиллаштиришга қаратилган махсус ижтимоий-психологик тренинглардан фойдаланиш тартибида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш ёритиб борилади.

6. Педагогика институтлари ва университетларида таҳсил олаётган бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда қуйидагиларга эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди деган хулосага келинди. Булар:

– бўлажак ўқитувчиларни умумтаълим мактабларида ўқиётган даврларидан бошлаб танлаш, мақсадли таълим бюджет грантининг тўлақонли йўлга қўйилиши;

– фанларни яхши ўзлаштирмаган талабалар билан ишлаш тизимини тубдан ўзгартириш;

– гуруҳларни турли билим даражасидаги талабалар билан шакллантирмаслик;

– ихтисосликка даҳлдор бўлмаган фанларни ўқув режасидан олиб ташлаш, уларнинг ўрнига педагогик туркумдаги фанларни киритиш орқали ҳамиша фойда берувчи компьютер саводхонлиги, Moodle, Zoom ва бошқа мобил иловалардан фойдаланиш каби амалий малака ва техник билимларни бериш;

– профессор ва ўқитувчиларнинг ўқув юкларини камайтириб, талабаларни мактабларга олиб бориш ва мослаштириш ишларига кўпроқ жалб қилиш кабилар.

## **II БОБ. БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИДА КАСБИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

### **2.1.§ Касбий барқарорликни шакллантиришнинг педагогик тизими**

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик фаолиятга барқарорлигини шакллантириш учун қуйидаги ишларни тизимли равишда олиб боришни кўзда тутати:

1. Бўлажак ўқитувчиларни таълим-тарбия жараёнига тайёрлаш тизимининг структурасини анализ қилиш асносида таълим тизимини тўлақонли идрок қилишга эришиш.

2. Педагогик тизимнинг энг муҳим белгиларини ажратиш орқали касбий барқарорликка эриштириш масаласига ижодий ёндашувни амалга ошириш.

3. Педагогик тизимнинг бир бутунлигини ифодаловчи дидактик, тарбиявий таркибий қисмларини таҳлил қилиш.

4. Педагогик тизимнинг касбий мослантирувчилик имкониятларини янада такомиллаштириш жараёнини идрок қилиб бориш.

Касбий барқарорликни шакллантиришга тизимли ёндашувнинг асосий қоидалари қуйидагилар ҳисобланади:

– педагогик тизим таълим тизими қисмлари жамланмасидан кўра кенг тушунча.

– педагогик тизим таълим-тарбия қисмларининг бутун табиатини белгилайди.

Педагогик тизим яхлит ҳолда ўрганилиб борилади.

Бўлажак ўқитувчининг касбий барқарорлигини шакллантиришнинг педагогик тизими деганда биз Тизим (система – грекча, система – қисмлардан тузилган, бирлаштирилган) маълум бир бутунликни ҳосил қилувчи, бир-бири билан маълум бир мулоқот ва боғланишларда бўлган



элементлар мажмуаси [170]. «Педагогик тизим» тушунчаси тизим ва педагогикадан иборат таркибий компонентларга асосланади. Шунинг учун бу компонентлар талқинига мурожаат этамиз. Тизим тушунчасининг кўплаб таърифлари бор Л.Фон Берталанфи тизимни «атроф-муҳит ва бир-бирлари билан маълум муносабатларда бўлган қисмлар комплекси» деб қарайди. Кейинчалик тизим таърифига мақсад тушунчаси кириб келади. Масалан, Ф.Э.Темников «тизим – ташкил этилган тўплам» (яъни қандайдир мақсадга бўйсундирилган тўплам)дир деб қарайди. Ундан кейин эса функциялар тизимни ташкил этувчи мезон, охириги натижа сифатида кириб келди. Ва ниҳоят, мақсадни аниқ билдирувчи тизим: «маълум бир вақт оралиғида аниқ бир мақсад доирасида атроф-муҳитдан ажратиб олинган чекли функционал элементлар ва улар орасидаги муносабатлар тўплами» сифатида изоҳланди.

Структура (лот. струстўра – «қурилиш» тизимнинг таркибий қисмлари орасидаги маълум боғланишларни, уларнинг жойлашишини, тизимнинг қурилишини, тузилмасини акс эттиради [170]).

Мураккаб тизимлар структураси барча элементлар ва улар орасидаги боғланишларни ифодаламайди, балки тизимнинг мавзудлиги ва унинг асосий хоссаларини ифодаловчи компонентлари ва улар орасидаги энг муҳим боғланишларни акс эттиради. Шу билан бирга тизим тадқиқотчи ёки билишнинг шу босқичидаги реал ҳолатига қараб турли структуралар орқали ифодаланган бўлиши мумкин. Педагогикани фан сифатида ўрганиш объектини аниқлашга ўтамиз. Маълумки, педагогика давомийлик асосидаги таълим турларидаги таълим тизимларида билимларни татбиқ этиш ва ўзлаштирилиш жараёнларини ўрганади. Ўзбекистон таълим тизими: турли даража ва йўналишдаги узлуксиз ўқув дастурлари ва давлат таълим стандартлари; ташкилий-ҳуқуқий шакллари, турларидан қатъий назар давлат талаблари ва таълим стандартларини амалга оширувчи тармоқлар; таълимнинг бошқарув органлари ва уларга қаршли муассасалар ва ташкилотлар мажмуасидан иборат.

Педагогик тизимларнинг бошқа таърифлари ҳам бор. Кенг маънода номаълум фан бўйича таълим мазмуни, ўқитиш шакллари ва усулларини таснифловчи асосий ҳолатлар (тамойиллар) ўқитиш тизими сифатида олинади. В.П.Беспалко педагогик тизимни қуйидагича аниқлайди: бу «керакли фазилатларга эга шахсни шакллантиришга ташкиллаштирилган, мақсадли ва мўлжалланган педагогик таъсирни амалга ошириш учун зарур бўлган ўзаро алоқадаги восита, метод ва жараёнларнинг маълум бир мажмуаси». И.В.Павлов таъкидлашича, «педагогик тизим мураккаб структурага эга бўлиб, тарбиянинг бош ғоясида ифодаланувчи мақсад; уни амалга оширишни таъминловчи фаолият; унда иштирок этувчи ва уни ташкил этувчи фаолият субъекти; субъект ва қандайдир умумийликни интеграллаштирувчи фаолият ва мулоқотдан келиб чиқувчи муносабатлар; субъект томонидан ўзлаштирилган тизим муҳити, таркибий қисмларнинг яхлит тизимга интеграциясини таъминловчи ва бу тизимни ривожлантирувчи бошқарувни ўз ичига олади». Айрим тадқиқотчилар педагогик тизимни «таълим ва тарбия мақсадларига бўйсунувчи яхлит бирликни ташкил этувчи ўзаро боғлиқ компонентларнинг тартибли тўплами» дея изоҳлайдилар.

Тизим структуравий ва функционал таркибий бўлимлар орқали жамланган. «Педагогик тизимнинг структуравий қисмлари унинг асосий элементлари бўлиб, улар фақат педагогик тизимлар учун хос». Бундай компонентлар олти:

1) мақсад – тизимни яратиш шартини ифодаловчи ҳар қандай таълим тизимининг энг муҳим таркибий қисми;

2) ўқув ахбороти – у ёки бу инсонлар томонидан ўзлаштириш предмети бўлиши зарур бўлган қисми;

3) педагогик сўзлашув воситалари – педагогик тизим мақсадига боғлиқ ҳолда ўқув ахборотини эгаллаш фаолиятини ташкил этишга ёрдам берувчи қисм;

4) билим олувчилар – маълум бир тайёргарлик, таълим ва тарбияга эҳтиёж сезган одамларнинг аниқ бир контингенти;

5) педагоглар – тизим мақсадларига мос келувчи, педагогик таъсир объекти ҳақидаги психологик билимлар билан қуролланган, маълум бир ахборот, мулоқот воситаларига мансуб шахслар;

6) натижа – тизим фаолиятининг якунида таълим олувчиларда шакллантирилган билим, кўникма ва малакалар. Шунинг учун ҳам айнан шу қоидаларни инобатга оладиган бўлсак, ўқитувчининг касбий барқарорлигини шакллантириш борасидаги тизим ўқитувчининг интегратив сифати ҳисобланиб, у ўқитувчи шахсининг яхлитлигини ифодалайди. Бўлажак ўқитувчиларнинг шахсий хислатларининг кўп қирралилиги, касбий сифатларининг турли кўринишда ўз аксини топишига туртки бўлади.

Бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантириб бориш бўлажак ўқитувчи шахсининг ҳар томонлама етук мутахассис сифатида ривожланишини талаб қилади. Шунинг учун ҳам педагогик тизимнинг ҳар бир қисмини алоҳида амалга ошириш унча натижа бермаслигини эътироф этган ҳолда яхлит тизимда ишлаш самарали бўлади. Демак, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш тизими деганда биз аниқ бир мақсадга йўналтирилган тарбия жараёнида қўлланиладиган методлар, тамойиллар, воситалар ва шакллардан фойдаланиб амалга ошириладиган ўзига хос тизимни тушунамиз.

Бундай тизим орқали касбий барқарорликни шакллантириб бориш қуйидаги таркибий қисмларни қамраб олувчи тизим ҳисобланади деган хулосага тўхталдик:

- касбий барқарорликни шакллантиришнинг бўлажак ўқитувчилар фаолиятида муҳимлиги ва долзарблиги;
- бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантиришни мақсадли равишда фаоллаштириш;

– бўлажак ўқитувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини доимий равишда такомиллаштириб боришга йўналтирилган топшириқлар банкини яратиш;

– бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш жараёнини билвосита ва бевосита мактаб амалиёти билан интеграциялаш.

Талабаларда касбий барқарорликни шакллантиришда репродуктив босқичдан продуктив босқичгача узлуксизлиги таъминланиши лозим.

Педагогик тизимнинг ҳар бир таркибий қисми бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантиришни таъминлай олмайди. Чунки талабаларда касбга доир барқарорлик малакаларини шакллантиришда дидактик талабларни бажарсагина қўйилган мақсадга эришиш имконини беради.

Педагогик тизимда умумпедагогик фанларни ўқитиш жараёнида талабаларга касбий зарур билимларни бериш, ўзлаштирилган билимларни амалиётда бир неча бор синаб кўриш ва эгалланган билимларни амалиётда автоматик равишда қўллаш орқали касбий барқарорликка эришиб борилади. Таълим-тарбия жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш педагогик тизимнинг таркибий қисмлари билан ўзаро боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам талабаларни ўқитиш жараёнларида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантиришга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилади.

Педагогик тизимнинг биринчи таркибий қисми, асосан, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъминлашга хизмат қиладиган мотивацион қисми бўлиб, у талабалар фаолиятини ҳар томонлама такомиллаштиришга йўналтирилган бўлади. Бу мотивацион босқичда талабалар ўқув-билув фаолиятини идрок этиб боради.

Педагогик тизимнинг кейинги иккинчи таркибий қисми бу мазмунли-операцион ташкилий қобилиятни ривожлантиришга йўналтирилган. Бу таркибий қисмнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Буларга қуйидагилар киради:

- ўқув жараёнида ихтисослик-малакавий билимларни бериш;
- ўқув жараёнида дидактик методлар орқали таништириш;
- ўқув жараёнида талабаларга дидактик воситаларнинг мазмуни ва вазифаларини ўргатиш;
- касбий барқарорликка оид манбалар билан ишлаш жараёнида соҳага оид дунёқараш такомиллаштирилади.

Педагогик тизимнинг учинчи таркибий қисмида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини психологик омиллар асосида шакллантиришга қаратилган. Бундан кўзланган мақсад шунга қаратилганки, таълим-тарбия жараёнларида юзага келадиган педагогик муаммоларни мустақил равишда, юксак педагогик психологик дид билан еча олиш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган.

Олий таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнида бўлажак ўқитувчида касбга мослашувчанлигини шакллантириш тизимининг тўлиқ функционал структураси С.Й.Ахмадалиевнинг [57] «Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятга мослашишининг илмий-методик асослари» мавзусидаги диссертациясида қуйидагича берилган

### 2.1.1-жадвал

**Олий таълим муассасаларида таълим бериш жараёнида бўлажак ўқитувчида касбга мослашувчанликни шакллантириш тизимининг яхлит функционал тузилмаси**

Тизим компонентлари	Тизим компонентларининг вазифалари	Тизим компонентларини амалга ошириш технологиясининг умумий йўналиши
Ўқитувчи шахсининг яхлит хусусиятларидан бири унинг касбий- этник	Касбий мослашувчанликнинг педагогик фаолият билан узвий алоқадорлиги	Умумкасбга оид фанларни ўргатиш жараёнида ўқитувчи шахси зарур хусусияти тариқасида касбий

мослашувчанлигини муҳимлаштириш.	тушуниб етиш. Касбий мотивацияларини шакллантириш, касбий мослашувчанликка эришиш ва уни ривожлантириб боришга ҳаракат қилиш.	мослашувчанликка эришишга кўрсатмани шакллантирувчи ўқиб-ўрганиш фаолияти мақсадларини белгилаш ва ўқув-педагогик ишларни ташкилаштириш, бўлажак касбий-педагогик фаолиятга талабалар эътиборини жамлаш ва қизиқтриш.
Бўлажак ўқитувчилар учун қийин бўлган ўқув-педагогик топшириқларнинг узвий тайёрлашларини ташкилаштириш	Касбий-педагогик мослашувчанликнинг эмоционал-иродавий таркибини, ҳар хил педагогик вазиятларда мустақил қарор қабул қилишга тайёрлигини, уларни мақсадга асосланган ҳолда бажариш ва улар учун масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёрлигини ривожлантириш	Бўлажак ўқитувчиларда улар келажақда дучор бўлиши мумкин бўлган педагогик вазиятларни қўйиш йўли билан ўқув-педагогик ишларни ташкиллаштириш ва ўтказишга оид кўрсатмаларни ташкил этишни активлаштириш, иродавий кучларини бошқариш юзасидан кўрсатмалар бериш, аста-секин ўқитувчи бошқарувидан талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилишларига шароит яратиш.

Биз томондан таклиф қилинаётган тизим ундан қуйидагилари билан фарқ қилади:

### 2.1.2-жадвал

#### Педагогика йўналишларидаги олий таълим даргоҳларида бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантириш тизимининг умумий функционал тузилмаси

Педагогик тизим компонентлари	Педагогик тизим компонентларининг мақсади	Педагогик тизимни амалга ошириш технологияси
-------------------------------	---	--

<p>1. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбга доир фазилатларининг шаклланганлиги.</p> <p>2. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорликни шакллантиришга қаратилган тизимнинг мақсади.</p> <p>3. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорликни шакллантириш мазмуни.</p>	<p>Талабаларда педагогик фазилатлар шаклланди.</p> <p>Педагогик жараёнда барқарор фаолиятни таъминлашга эришиш.</p> <p>Дидактик талабларни тўлиқ бажариш ва тарбия турларини ўзида шакллантириш.</p>	<p>Талабаларда педагогик фазилатларни шакллантиришда илғор ва новатор ўқитувчилар билан учрашувлар ўтказиб борилди.</p> <p>Педагогик жараёнда барқарор фаолиятни таъминлашга эришиш борасида устозлар тажрибаси ўрганилди ва мактаб билан ҳамкорлик ўрнатилди.</p> <p>Ўқув юктамаларини тўлиқ бажариш, уларни замонавий технологиялар ёрдамида ўзлаштириб боришга эришилди</p>
<p>4. Бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликнинг шаклланганлик натижаси.</p> <p>5. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорликни шакллантириш жараёнини бошқариш.</p> <p>6. Касбий барқарорликни шакллантириш технологияси.</p>	<p>Муаммоли педагогик вазиятларда мустақил қарор қабул қилиш малакасига эгаллиги;</p> <p>Таълим-тарбия жараёнига малакали ўқитувчиларни жалб қилиш орқали бошқарув фаолиятини такомиллаштириш;</p> <p>Замонавий интерфаол методлар ва воситалардан самарали фойдаланиш.</p>	<p>Бўлажак ўқитувчилар фаолиятга тааллуқли бўлган малакага эга бўлишди.</p> <p>Талабалар ўқитувчилар томонидан берилган топшириқларни тўлиқ бажаришди ва тавсияларга амал қилишди</p>

В.П.Беспалко педагогик тизимни қуйидагича аниқлайди: бу «керакли фазилатларга эга шахсни шакллантиришга ташкиллаштирилган, мақсадли ва мўлжалланган педагогик таъсирни амалга ошириш учун зарур бўлган ўзаро алоқадаги восита, метод ва жараёнларнинг маълум бир мажмуаси».

И.В.Павлов таъкидлашича, «педагогик тизим мураккаб структурага эга бўлиб, тарбиянинг бош ғоясида ифодаланувчи мақсад; уни амалга оширишни таъминловчи фаолият; унда иштирок этувчи ва уни ташкил этувчи фаолият субъекти; субъект ва қандайдир умумийликни интеграллаштирувчи фаолият ва мулоқотдан келиб чиқувчи муносабатлар; субъект томонидан ўзлаштирилган тизим муҳити, таркибий қисмларнинг яхлит тизимга интеграциясини таъминловчи ва бу тизимни ривожлантирувчи бошқарувни ўз ичига олади».

Бўлажак ўқитувчининг касбий барқарорлигини шакллантиришда талабаларга амалий ёрдам бериш изчиллик билан бажарилиши кўзда тутилади. Касбий барқарорликнинг шаклланганлиги қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Биринчи босқичда бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантиришга оид манбалар ва уларни талабаларга етказиш.

2. Иккинчи босқичда педагогик фаолиятда касбий барқарорлик тушунчаси талабаларда манбалар асосида билимларининг шаклланиши.

3. Учинчи босқичда бўлажак ўқитувчиларнинг узлуксиз педагогик амалиётга жалб қилиниши.

4. Тўртинчи босқичда бўлажак ўқитувчиларни мактаб фаолияти билан доимий равишда таништириб бориш, илғор ўқитувчилар билан устоз-шогирд тизимини йўлга қўйиш.

5. Бешинчи босқич касбий барқарорлик фаолиятининг шаклланганлиги.

Ҳар бир босқич учун бўлажак ўқитувчиларда шаклланаётган касбий сифатларни қўйилган мақсадга эриштириш учун педагогик масалаларга тўғри ёндашувни амалга ошириб бориш керак. Бу масала ечимига С.Й.Ахмадалиев [57] бўлажак ўқитувчида касбий мослашувчанликни шакллантириш тизимининг педагогик моҳиятига қуйидагича талқин этган:



**Бўлажак ўқитувчида касбий мослашувчанликни шакллантириш  
тизимининг педагогик талқини**

<b>Касбий мослашувчанликни шакллантириш босқичлари</b>	<b>Ҳар қайси босқичдаги педагогик вазифалар</b>	<b>Касбий-педагогик мослашувчанликнинг шаклланганлик даражалари</b>
1. Дастлабки босқичи. Ўқитувчида касбий мослашувчанлиги элементларининг акс этиши.	Ўқитувчининг фронтал, гуруҳий ва мустақил ишларни белгилаш ва ихтисослаштириш давомида қатъий педагогик ҳаракатлар намуналарини ҳавола этиш ҳамда талабаларнинг педагогик масалани жами таркибий қисми, ҳал қилиниши лозим бўлган ҳамма тизимлар берилганида одатий педагогик ҳолатларда мустақил қарор қабул қилишга доир машқ ташқиллаштириш.	<u>Натижасиз ёки</u> <u>самарасиз.</u>  Талабаларнинг ўз ақл- идроклари билан узок вақт мобайнида одатий педагогик хатти- ҳаракатларни қилишлари.
2. Асосий босқич. Ўқитувчининг касбий- педагогик мослашувчанлиги сифатларини эгаллаб олишлари.	Ўқитувчи кўрсатмаси асосида ўзлаштирилган намуналарни бир қанча кўп, фақатгина принциналга оид материалларга кўчириш ва олдин шартларини мустақил тўлдириш кейин ҳаракатланиш лозим бўладиган, мақсади кўзланган, лекин шартлари тўқис бўлмаган ва фақатгина шунга хос ҳолат юзага келадиган пайтларда мустақил қарор қабул қилиш бўйича талабалар машқ бажаришлари.	<u>Самарасиз.</u>  Узок ўхшаш ҳолатларда мустақил қарор қабул қилиш учун талабаларнинг асосий метод ва усуллардан фойдаланган ҳолда қилишлари
3. Олий босқич. Ўқитувчи касбий мослашувчанлигининг	Педагогик ўзаро муносабатларни ташқиллаштириш услублари, метод ва воситалари ҳамда шакллари	<u>Ижодий</u>  Педагогик фаолият

мавжудлиги.	ижодий боришини кўриб чиқиш ва фақатгина мақсади мавжуд одатий бўлмаган педагогик ҳолатларда мустақил қарор қабул қилиш ва уларни амалга ошириш татбиғида талабалар машқ қилишлари.	метод ва усулларини ҳамма вазиятларда ижодий қўллаш.
-------------	---	--

Бўлажак меҳнат таълими педагогларида касбий мослашувчанликни тарбиялашнинг таклиф қилинаётган тизими фаолият назариясининг илғор қоидалари, замонавий дидактик тамойиллари, моҳияти, ўқитиш мақсади, метод, шакллари, воситаларининг бирлиги, тизимли ва шахсий фаолиятли фикрлаш асосий талаблари нуқтаи назаридан фактланган.

Биз олиб борилаётган ишлар қуйидагилар билан фарқланишини кўриш мумкин:

#### 2.1.4-жадвал.

#### Бўлажак ўқитувчида касбий барқарорликни шакллантириш тизимининг педагогик мазмуни

Педагогик фаолиятда касбий барқарорликни шакллантириш босқичлари	Ҳар бир босқичга доир педагогик вазифалар	Талабаларда педагогик фаолиятда касбий барқарорликнинг шаклланганлик миқёслари
Бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантиришга оид манбалар ва уларни талабаларга етказиш	Бўлажак ўқитувчиларга қуйидаги манбалар устида ишлаш вазифаси юклатиб борилди: 1. Умумий педагогика 2. Умумий психология 3. Педагогик маҳорат 4. Педагогик технология 5. Ёш даврлар психологияси	Бўлажак ўқитувчилар манбалар билан ишлаш жараёнларида таълим-тарбияга оид тушунчаларни билиб боришди. Шу билан бир қаторда педагогик билимлар натижасида ўз ҳуқуқи ва эркинлиги, умуминсоний ва миллий қадриятларга ҳурмати шаклланди.

<p>Талабаларда касбий барқарорликка оид тушунчаларни манбалар асосида шакллантириш</p>	<p>Таълимга ижодий ёндашув асосида берилган манбалар талабаларда касбий барқарорликнинг шаклланишига хизмат қилди</p>	<p>Таълимга ижодий ёндашув асосида берилган манбалар билан ишлаган талабалар ўзлари танлаган касбнинг педагогик жозибасини тушуниб боришди.</p>
<p>Бўлажак ўқитувчиларнинг узлуксиз таълим билан педагогик амалиётга жалб қилиниши</p>	<p>Узлуксиз педагогик амалиётнинг мазмуни, уни амалга ошириш босқичлари, ўқувчилар билан ишлаш усуллари, синф раҳбари фаолияти, ҳар бир ўқувчи шахсига оид маълумотларни тўплаш вазифалари юклатилиб борилди.</p>	<p>Узлуксиз педагогик амалиётни ўташ жараёнларида бўлажак ўқитувчилар ўқувчилар билан яқиндан танишиб, ўзларининг педагогик касбга лаёқатини билиб бориш асносида яна нималарга эътибор қаратиши кераклигини билиб ўз устларида ишлашни ўрганиб олишди.</p>
<p>Бўлажак ўқитувчиларни мактаб фаолияти билан доимий равишда таништириб бориш, илғор ўқитувчилар билан устоз-шогирд тизимини йўлга қўйиш</p>	<p>Бўлажак ўқитувчиларни мактаб фаолияти билан доимий равишда таништириш жараёнларида ўқув режа, ўқув дастури, синф раҳбари фаолияти, ота-оналар билан ишлаш тизимини тушуниб етишлари учун етакчи ўқитувчилар билан семинар-тренинглари олиб борилди.</p>	<p>Бўлажак ўқитувчиларни мактаб фаолияти билан доимий равишда таништириш жараёнларида ўқув режа, ўқув дастури, синф раҳбари фаолияти, ота-оналар билан ишлаш тизимини тушуниб олишди. Етакчи ўқитувчилар билан олиб борилган семинар-тренинглари натижасида талабаларда педагогик касбга оид янги қарашлар шаклланди.</p>

Бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорлик фаолиятининг шаклланганлиги	Бўлажак ўқитувчиларда касбда барқарор фаолият олиб бориш учун хоҳишнинг пайдо бўлганлиги	Бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарор фаолият юритишга оид дунёқараш шаклланди
--	--	--

Яратилган шарт-шароитлар бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантиришга амалий ёрдам беради:

1. Биринчидан, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлиги (репродуктив, реконструктив, ижодий) шаклланганлиги даражаси ҳамда касбий сифатларнинг (мотивацион, мазмунли-операцион ва эмоционал-иродавий) юзага келишига ҳар томонлама ёндашувни амалга ошириб бориш.

2. Касбда барқарор фаолият олиб боришга йўналтирилган манбаларнинг мавжудлиги ва таъминланганлиги.

3. Касбда барқарор фаолият олиб бориш учун таълимий-тарбиявий ишларнинг узлуксизлиги таъминланганлиги.

4. Бўлажак ўқитувчиларнинг ўз устида фаол ишлаши.

5. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини моделлаштиришни мақсадли амалга ошириш.

## **2.2.§ Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантиришда мустақил фикрлаш малакасини шакллантириш технологияси**

Бугунги кунда олий педагогик таълим муассасалари бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида касбий барқарорликни шакллантириш ва такомиллаштиришда баъзи баҳс-мунозарали ҳолатлар ҳам кўзга ташланмоқда. «Бугунги кунда олий педагогик таълим муассасалари бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида ҳам туб бурилиш яшашга қаратилган янгиланишлар амалга оширилмоқда. Бироқ аксарият ҳолларда бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашдаги ўзгаришлар назарий билимларга нисбатан

амалий малакаларни шакллантиришга вақтнинг ўсиши билан чекланмоқда. Бир томондан, ҳар қандай даражадаги ва турдаги таълим муассасасининг талаб даражасида фаолият олиб боришига фақат таълим мазмунининг барқарорлиги сақлаб қолинган шароитда, узоқ вақт давомида, унинг элементлари ўртасидаги юзага келган алоқалар ва тизимнинг умумий тузилишини сақлаб қолган ҳолдагина эришиш мумкин бўлади. Иккинчи томондан, таълим тизими ва унинг ҳар бир қисми алоҳида, иш олиб бориш тузилиши, мазмуни ва ташкил этилиши методлари кераклича ўзгарувчан, мослашувчан бўлса, бугунги кун талабларига жавоб бера олса, ўз вазифаларини муваффақиятли бажара олади.

Бизнинг тадқиқот ишимиз нуктаи назаридан иккинчи талаб алоҳида долзарб, лекин айнан мана шу барқарорлик талаблари билан ўзгарувчанлик ўртасида зиддиятли ҳолат келиб чиқмоқда. Янгиланишни кўплаб омиллар ҳисобига амалга ошириш мумкин. Умуман, янги асосларда, педагогик билимларни тизимлаштириш муаммоси баъзан асосий педагогик категориялар ва атамалар, концепциялар ва тизимлар, технологиялар ва методларини тартибга солишга уринишга айланади. Бироқ педагогика фани «ичидаги» амаллар ва методикалар ёрдамида бир ўлчамли деб аталувчи кенгликда педагогик билимларни тизимлаштириш учун асослар излаш билан боғлиқ ўринларни муваффақиятли деб бўлмади» [57].

Олиб борилган тарғиботлар шуни исботлайдики, методологик характердаги ишлар умумий қонуниятларни кидиришга, умумий қўлланиладиган назарияларни яратишга, бир ўлчамли муҳитда педагогик билимларни тизимга солишга қаратилган бўлган. Бироқ бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, шуни қайд қилиш керакки, ягона қотиб қолган, маънан эскирган ғоялардан халос бўлган ҳолда педагогик тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларида умумжаҳон ютуқларидан кенг фойдаланган ҳолда касбий барқарорликни шакллантириш масаласига эътиборни қаратиш керак. Шунинг учун ҳам бўлажак ўқитувчиларнинг

касбий барқарорлигини шакллантиришда мустақил фикрлай олиши мутахассис тайёргарлик даражасининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини талабалик босқичидан шакллантириш керак. Бу эҳтиёжни бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнига қаратилган давр талаби ёки ижтимоий буюртма сифатида ҳам намоёниш қилиш мумкин.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантиришни таркибланиш зарурияти шундан далолатки, у талабаларга педагогик фаолиятни реал воқеликда режалаштириш, инновация орқали рўёбга чиқариш, кутилмаган ва ностандарт муҳитларда тўғри ечимни мустақил топиш, ўзини-ўзи назорат қилиш каби имкониятларни беради.

Бу борадаги фикр-мулоҳазалар Р.З.Гайнутдинов [70], Э.Ғозиев [241], В.С.Илин [94] каби олимлар томонидан билдирилган.

Изоҳли илмий-оммабоп луғатда: «Мустақиллик – ўзгаларнинг ёрдамсиз, кўрсатмаларсиз ва раҳбарлигисиз иш қила оладиган, ўзича фикр юрита оладиган, яшай оладиган» [139] деб изоҳ берилган.

Педагогик энциклопедияда мустақиллик қуйидаги икки сифати билан характерланадиган шахснинг муҳим жиҳати деб акс этилган: биринчидан, шахс эгаллаган билим, кўникма ва малакалар йиғиндиси; иккинчидан, шахснинг объект (предмет, ҳодиса, жараён)ларга таъсир натижалари, шарт-шароитларига муносабати, шунингдек, бошқа шахслар билан алоқалари сифатида эътироф этилган. Педагогикада касбий мустақиллик ҳақида аниқ бирор қатъий фикрга келинмаган деган ғояни С.Й.Ахмадалиев [57] ўз тадқиқот ишида кўрсатиб ўтган.

Илмий изланишлар шуни кўрсатадики, С.Я.Батишев таълим олувчилар ўз касбий мустақиллигини шакллантиришда ишни қилиш кетма-кетлигини режага асосан кўзланган натижага эришиш йўллари ва усуллари изласин, замонавий жиҳозлар билан ишлашда ўз меҳнатини илмий ташкил этсин, ишида учрайдиган қийинчиликларини ўзи ҳал этсин дейди [59].

Г.И.Ажикин «Касбий мустақиллик – бу бўлажак мутахассиснинг ўз касби, ихтисослиги бўйича чуқур ва ҳар томонлама пухта билим, малака, техник тафаккурга эга бўлган ҳолда ўзгарувчан замонавий ишлаб чиқариш шароитларига эркин мослаша олиш, долзарб истиқболли масалаларни олдиндан башорат қилиш, қўйилган талаб ва шарт-шароитларни тўғри баҳолай олиш, уларнинг мақбул ечимини топиш қобилиятидир» [48].

Кўпгина олимлар, жумладан, Н.В.Кузмина [112], К.К.Платонов [175], В.А.Сластёнин [188]лар ҳар қандай инсон ўз фаолиятини эркин фикр остида амалга ошириши кераклигини кўрсатиб беришган. Касбда барқарор фаолият юритишга тайёргарлик назарияси нуқтаи назаридан кўзланганда, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлик фаолиятидаги мустақиллиги унинг касбий-педагогик фаолиятнинг илк босқичида бошланади.

Изланиш жараёнидаги кузатиш ва тажрибаларимиз шуни кўрсатдики, дастлабки ҳолатларда талабаларда педагогик маҳорат бирмунча паст даражада ривожланган. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорликни шакллантиришга йўналтирилган назария ва амалиётида касбий-педагогик эркинликнинг ягона тизими ишлаб чиқилмаган. Демак, бўлажак ўқитувчиларда касбий-педагогик эркинликни шакллантиришга имкон берадиган методикани ишлаб чиқиш зарурияти борлиги сезилиб қолади. Бундай методика бўлажак ўқитувчиларда ҳар томонлама мукамал билим, педагогик фаолият усулларни босқичларга бўлиш, мустақил таълимда интилувчан бўлиши ва касбда барқарор, рақобатбардош кадр бўлишни кўзлаш психологиясини шакллантириш керак.

Касбий мустақил фикр юритишни шакллантириш бўлажак ўқитувчилардан катта педагогик иродавий кучни талаб этади. Бўлажак ўқитувчилар: «Нимани билишим керак?», «Педагогик вазифалар нима ва уларни қандай бажариш керак?», «Педагогик жараёндаги зиддиятларни қандай ҳал қилиш мумкин?» каби саволларга ечим топиши лозим. Шунинг учун ҳам бўлажак ўқитувчилар педагогик фаолиятга жиддий эътибор

қаратишлари лозим. Ҳозирда илмий қарашлар ва илмий исботлар, далиллар шундан далолат бермоқдаки, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъминлашда назарий таҳлил ва уларга таянган ҳолда фикрларни умумлаштириш ҳамда бир яхлит тизимга келтириш бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъминлашда мустақил фикрлаш малакасини шакллантириш технологиясидан фойдаланишда қуйидагиларга эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади:

- фикр тушунчаси билан боғлиқ манбалар устида ишлаш;
- мустақил фикр ва унинг вазифаларини билишга оид ишларни амалга ошириш;
- мустақил фикрлашга оид дидактик ва тарбиявий ишларни амалга ошириш;

Фикр – ( араб. – тафаккур, ғоя, ақл, ўйлаш, ўй, хаёл, мулоҳаза)

1. Бирор нарса, ҳодиса ёки кимса ҳақидаги ўй, хаёл.
2. Бирор нарсага нисбатан муносабатни, уни баҳолашни ифодалайдиган хулоса.
3. Бирор нарса иш юзасидан бериладиган таклиф, маслаҳат.
4. Бирон нарсага эришиш, бирон ишни амалга ошириш ҳақидаги ният[231].

Тафаккур – (араб. Фикр юритиш, ўйлаш, фикрлаш)

1. Объектив воқеликнинг тасаввур, тушунча ва муҳокамадаги фаол инъикос жараёни, инсоннинг фикрлаш қобилияти.
2. Ўйлаш, фикр юритиш, баҳс-мунозара, ўй [232].

Талабаларда мустақил фикрлаш кўникмаларини илмий нуқтаи назардан тўғри ва самарали шакллантириб бориш касбда барқарор фаолият олиб боришга ишончини ошириш ва педагогик фаолияти жараёнларида яратувчилик муҳим саналади. Бизга маълумки, бугунги кунда ёшлар келажагини баркамоллик фазилатлари билан шакллантириб бориш ҳар қачонгидан ҳам долзарб эканлигига ҳамма амин бўлмоқда. Шунинг учун ҳам



педагогика, психология ва технология фанларининг назарий асосларини чуқур эгалламай туриб талабаларда мустақил фикрлашни шакллантириш вазифасини муваффақиятли деб бўлмайди.

Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини такомиллаштириш бўйича мамлакатимизда Ш.Мардонов, З.Нишонова [123, 141] каби олимларнинг илмий -педагогик фаолиятларида кўплаб услубий таъминотлар келтирилган.

Республикаимизда чоп этилаётган педагогик даврий нашрлар («Халқ таълими», «Узлуксиз таълим», «Педагогик таълим», «Мактаб ва ҳаёт» журналлари, «Маърифат» газетаси ва б.)да мустақил фикрлаш ва ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш масаласига кенг эътибор қаратилмоқда. Масалан, З.Нишонovanинг [141] «Мустақил фикрлаш ижодиёт сари қўйилган қадам» мақоласида мустақил фикрлаш ижодий қобилиятни ривожлантириш воситаси сифатида таҳлил этилади. Муаллиф ўқувчиларда ижодий тафаккурни шакллантириш учун уларда дивергент тафаккурни ривожлантириш керак, яъни уларни битта муаммони бир қанча усуллар билан ечишга ўргатиш лозимлигига урғу беради. Мустақил фикрлашнинг бу усули ўқувчиларда креативликни шакллантиришга кўмаклашади. Мустақил ижодий фикрлашни шакллантириш учун ишлаб чиққан машғулотларидан мисоллар келтиради. Бироқ мақоладаги асосий ўзак тушунчалар – «мустақил фикрлаш», «ижодий фикрлаш» ёки муаллифнинг нуқтаи назари бўйича «мустақил ижодий фикрлаш»га аниқ ва тўлиқ таъриф берилмайди. М.Зайнитдинованинг «Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш фаолиятларини ривожлантириш омиллари» мақоласида эса бошланғич синф таҳсил олувчиларида мустақил фикрлашни шакллантиришни уч босқичда олиб бориш зарурлиги кўрсатиб берилган.

Биринчи босқичда таълимнинг биринчи кунларидан бошлаб ўқувчиларни мустақил ҳаракатланишга, ёзув тахтасида тўғри ва ҳаттоки нотўғри бўлса ҳам, эркин ҳаракат қилишга ўргатилади.

Иккинчи босқичда улар билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштириш жараёнига ўтилади. Бунда ўқувчи унга берилган масалада нима маълум ва номаълумлиги ҳақида фикр юритиши; масалани қисқа баён этиб бера олиши, унинг шартини туза олиши, шартини синтез қила билиши ҳамда масаланинг тўлиқ матнини туза олиш малакасини эгаллаши ўта муҳимдир.

Учинчи босқичда эса масаланинг шартини ўзгартириш ва уни ечиш топшириғи юкланиши мумкин. Ўқувчи илгари ўзлаштирган билим, кўникмалари асосида мустақил, ижодий фикрлаган ҳолда масалани еча олиш кўникмаси малака даражасига ўсиб ўтади [73].

Айни дамда нафақат ўқувчиларни, балки талабаларнинг ҳам самарали ўқишини ва мустақил фикрлашга ўргатишни ташкил этиш шарт. Нима учун шарт деган саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин:

Биринчидан, бугунги кунда ахборотлар оқими жуда кенг ва бой. Талабалар мазкур ахборотлардан энг кераклиги ва ўзлари учун фойдали бўлган жиҳатларини кўра олишлари учун мустақил фикрлай олишлари керак.

Иккинчидан, ҳар бир талаба ўзига етиб келаётган ахборотларни мустақил равишда баҳолай олишлари муҳим.

Учинчидан, ҳар бир талаба ахборотларни келгусида аудиторияга етказиб беришлари учун сиёсий жиҳатдан билимдон ҳам бўлишлари талаб этилади.

Тўртинчидан, ҳар бир талаба ахборотларни қунт билан ўрганиб, тўғри хулоса чиқара олиш имкониятига эга бўлишлари керак. Демак, бўлажак ўқитувчиларда мустақил фикрлаш кўникмаларини шаклантирмасдан туриб, нафақат касбий барқарорликни, балки ўқувчиларда ҳам бундай сифатларни таркиб топтириб бўлмайди. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда бўлажак ўқитувчиларда мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантиришда қуйидагиларга эътибор қаратилди. Булар:

– ёшларни қачондан бошлаб мустақил фикрлашга ўргатиш керак деган саволга илмий жиҳатдан асосли жавоб топиш;

– умумтаълим мактабларида ўқувчилар мустақил фикрлашга қайси фанларда, қайси мавзуларда ўргатилади.

Педагогика институтларида талабаларни мустақил фикрлашини такомиллаштириш қандай амалга оширилади.

Биз ўз изланишларимиз доирасида, яъни талабаларнинг касбий фаолиятда барқарорлигини шакллантириш муаммосини ўрганиш жараёнларида, ҳар қандай касбда барқарор фаолият юритиш учун, инсоннинг ўзида мустақил фикр бўлиши керак деган хулосага келинди. Бу жамиятда фақат эркин ва мустақил, танқидий ва ижодий фикрлай оладиган инсонларгина ўзлари танлаган касбларида барқарор фаолият олиб бориш имкониятини ўзларига яратиш олишади. Бундай инсонлар бузғунчи, ёт ғояларга нисбатан бор кучи билан кураша олади.

Бўлажак ўқитувчиларда касбда барқарор фаолият олиб боришини шакллантириш жараёнларида талабаларнинг мустақил фикрлашини такомиллаштириш орқали «педагогик фаолиятда мустақил фикрлашни шакллантириш», «педагогик ҳамкорлик», «кадрият», «педагогик фикр», «эркинлик», «таълимга янгича ёндашув» каби тушунчалар ҳаётда ўз амалий тасдиғини топади ва мустақил фикрлаш кўникмалари шаклланади.

Педагогик фаолиятда демократик ва инсонпарварлик тамойилларига амал қилган ҳолда мустақил фикрга эга бўлган педагогик жамоани яратиш учун унинг ҳар бир аъзоси бу жамоанинг ҳаётида фаол иштирок этиши лозим. Бу эса, ўз навбатида, шу жамоада фаол иштирок эта олиш имконини яратади.

Педагогик фаолиятда жамоанинг ҳар бир аъзосини тўғри тушуниш ва уларни қўллаб-қувватлаш зарур. Бўлажак ўқитувчилар бошқалар билан педагогик ҳамкорлик қилиши учун унинг ўзи мустақил равишда инновацион ташаббусни олға сура олиши ва бунга ўзгаларни ишонтира олиши керак.

Демак, мустақил фикрлай олиш педагогик ҳамкорликнинг асосидир.

Талабаларда мустақил фикрни янада ривожлантиришда «Мустақил фикр» технологиясидан фойдаланиш самара берди.

Тадқиқот муаммосидан келиб чиққан ҳолда мазкур «Мустақил фикр» технологияси кичик гуруҳларда олиб бориладиган амалий, семинар дарсларида ва гуруҳлар ўртасида ташкиллаштирилган мусобақа тадбирларини ўтказишда кўл келди. Бунда талабалар ўзларининг фаолликларини, ҳаётга реал карашларини, фикрларни тинглашни, ташаббускорлик фазилатларини намоён қилишди.

Шуни инобатга олган ҳолда биз мустақил фикр тушунчасига куйидагича изоҳ беришни маъқул деб топдик.

**Мустақил фикр – ўз илмий, маънавий билимларига таянган ҳолда бирор нарса, ҳодиса ёки кимса ҳақида олға сурилаётган масалага ўз муносабатни билдирадиган хулоса.**

Бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш ва барқарорликни таъминлашга қаратилган таълимий-тарбиявий жараёнларда талабалар мустақил фикр билдира олишларига шарт-шароитларни яратиш лозим. Мавзу юзасидан қилинаётган маъруза жараёнларида маърузачи тескари алоқани йўлга қўйиб бориши асносида талабаларнинг фикрларини тинглаб муносабат билдириб боришлари керак. Мисол учун педагогика дарсларида «Ривожлантирувчи таълим технологияси» мавзусида, нима дейсизлар ривожлантирмайдиган таълим борми, деган савол қўйилди. Талабаларнинг фикрлари таҳлил қилиб борилди.

Ўқув дастурлари тушунчаси устида ишлашда, талабалар бу ўқув дастурида нималар акс этиши кераклиги борасида фикр алмашди, ёки бўлмаса, айрим фанларда мавзуларнинг такрорланиши, бакалавр ва магистратурадаги фанларга жиддий ёндашув кераклиги айтиб ўтилди.

Таълим тизимида ўқитувчи шахсига эътибор давлат даражасига кўтарилган масала бўлиб турган бир даврда, ижтимоий тармоқларда унинг

обрўсини ерга урадиган фикрларнинг пайдо бўлишига муносабатнинг билдирилиши, талабаларда мустақил фикрларни пайдо қилди. Талабалар касбий барқарорлик кўникмаларига эга бўлиш жараёнларида мустақил, эркин, ижодий, бунёдкор фикрларни олға суриши ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириб боришига ёрдам беради.

### **2.3.§ Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш модели**

Бугунги кунда таълим тизимининг барча бўғинлари учун ўқитувчиларни малакали тайёрлаш асосий эътибордадир. Таълимнинг барча бўғинларида дарс берадиган ўқитувчилар юқори компетентликка эга бўлиши билан бир қаторда, замонавий педагогик ва коммуникацион технологияларни тўлиқ ўзлаштирган, замонавий билимга эга бўлган ва ўз билимини ёш авлодларга етказиб бера олиш имкониятини ўзига ярата олган бўлиши шарт.

Маълумки, дунёнинг барча мамлакатларида анъанавий таълим тизими билан бир қаторда масофавий таълим шаклида дарс ўтиш зарурияти юзага келди. Айнан шу пайтда замонавий ахборот технологияларини яхши ўзлаштира олмаган ўқитувчилар қийинчиликларга дуч келди. Бу педагогик-психологик жиҳатдан ўқитувчига ноқулайликларни келтириб чиқарди.

Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятга касбий барқарорлигини шакллантиришда касбий барқарорлик моделини яратиш керак. Сарокин [176] ўзининг системалилик ва когнитив ёндашувлар масаласидаги аргументида, назария барча саволларга тўлиқ жавоб бера олмаслигини қайд этиб ўтади. Сарокин тизимда яхлит назариянинг ижтимоий-маданий динамикаси ечимини топиш бу келажак авлод олимлари учун масала деб эътироф этади. Бугунги кундаги когнитология ва тизим назариясининг ҳақиқий синтезини яратиш масаласи, менимча, XXI аср масаласидир деган фикрни билдиради. Демак, бугунги кунда бирон бир илмий масала ечимига тизимли ва когнитив ёндашув долзарблигини

йўқотган эмас. Шунинг учун ҳам бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятга касбий барқарорлигини шакллантиришда тизимли ишларни олиб бориш жараёнларида моделни яратиш масаласи туради.

Бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантириш моделини яратишда педагогик фаолиятнинг қуйидаги моддий таъминотига алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда «Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади» деган ғоя асосида мактаб таълими ривожлантирилмоқда. 2017-2021 йилларда амалга оширилган ислоҳотларнинг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида умумтаълим мактаблари фаолиятини тубдан яхшилаш чоралари кўрилди. 2017 йилдан бошлаб 11 йиллик мактаб таълимига ўтилди. Энди ўқувчилар академик лицей ёки ўзлари қизиққан соҳалар бўйича касб-ҳунар билим юртларига ўқишини ихтиёрийлик асосида давом эттириши мумкин бўлди. Касб-ҳунар билим юртларини бевосита ишлаб чиқариш билан биргаликда олиб бориш белгиланди. Сўнгги уч йилда юртимизда 157 та умумтаълим мактаби янгидан қурилди. Таълим-тарбия ишларини самарали олиб боришда эркак ўқитувчиларнинг алоҳида ўрни ва таъсири борлиги ҳисобга олиниб, кўрилган аниқ чора-тадбирлар натижасида халқ таълими тизимида 2019 йил сентябрига қадар 12 минг 871 нафар эркак ўқитувчи қайтди [166]. Ўтказилаётган ислоҳотларнинг маъно-мазмуни мактабдек дунё иморатлари ичида энг улуғи бўлган таълим-тарбия масканининг янги авлод кадрлар тайёрлашдек эзгу мақсадини рўёбга чиқаришга қаратилган. Умумтаълим мактабларини ривожлантирмасдан туриб ижтимоий тараққиётга эришиш мумкин эмас. Шу боисдан мактаб таълими ўқувчи ёшлар учун келажакда муҳим марраларни забт этишида мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилиши керак.

Ҳамма замонларда ҳам ўқитувчи-устозга нисбатан элу халқнинг эътибори ва эътирофи юқори бўлган. Аммо ўқитувчилик касбида иқтисодий барқарорлик етарли бўлмаса, биринчидан, ушбу касбни танлайдиган ёшлар

камрови камайиб кетади, иккинчидан, ўқитувчилар ўз ишини севиб бажармайди ва ўз устида ишламай қўяди, учинчидан, жамиятнинг эътибори ҳам ўқитувчининг хизмати ва жамиятдаги ўрнига мос бўлмайди. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»да олий таълим муассасалари битирувчилари умумий сонининг қарийб 25 фоизини «Педагогика» мутахассислиги битирувчилари ташкил этиши ва бу мутахассислик энг оммавийлардан бири бўлишига қарамасдан, унинг жозибадорлигининг пастлиги сабабли педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўз касби бўйича меҳнат қилиш мотивацияси паст даражада қолмоқдалиги тизимдаги муаммолардан бири сифатида кўрсатилган. Бир неча йиллардан бери жамиятда ўқитувчиларнинг маънавий пасайиб кетганлигининг ўзига хос сабаблари бор. Уларнинг энг асосийси ўқитувчиларнинг ойлик маоши минимал яшаш шароитига зўрға этиши, оиланинг орзу-ҳаваслари билан боғлиқ эҳтиёжларини қопламаслиги эди. «Халқ таълими тизимида фаолият кўрсатишнинг жозибадорлигини ошириш мақсадида умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш» вазифаси қўйилди [6].

Умумтаълим мактаблари ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор ўзгаришлар қилинди. Булар қуйидагилардан иборат:

**Биринчидан,** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида» 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сонли қарори қабул қилинди ва унга мувофиқ:

а) 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб базавий тариф ставкалари: бошланғич синф ўқитувчилари учун 1,1 бараварга; юқори синф ўқитувчилари учун

ўртача 1,24 бараваргача; директор, унинг ўринбосарлари, ахборот-ресурс маркази (кутубхона) мудирлари ва кутубхоначилари учун 1,1 бараварга оширилди;

б) 2019 йил 1 январдан бошлаб базавий тариф ставкалари: умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг малака тоифасидан келиб чиққан ҳолда олий тоифали ўқитувчилар учун 1,25 бараварга, биринчи тоифали ўқитувчилар учун 1,2 бараварга, иккинчи тоифали ўқитувчилар учун 1,15 бараварга, мутахассис ўқитувчилар учун 1,1 бараварга; давлат умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида олий маълумотли психологлар учун 1,1 бараварга оширилади; директор, унинг ўринбосарлари, мутахассис ўқитувчилар ва ахборот-ресурс маркази (кутубхона) мудирлари ва кутубхоначилари учун 1,1 бараварга оширилиши белгиланди [14].

Яна бир муҳим янгилик бўлди: бошланғич ва юқори синф ўқитувчиларининг маошлари тенглаштирилди. Шу каторда, педагог ходимларни намунавий арзон уй-жойлар, автотранспорт воситалари билан таъминлаш мақсадида узоқ муддатли имтиёзли кредитлар бериш, уларнинг оила аъзоларига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун имтиёзли кредитлар ажратиш тизими йўлга қўйилди [22].

**Иккинчидан,** умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланди. Мазкур жамғарма умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқувчиларга таълим берадиган барча тур ва номдаги умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда мактаб-интернатларда ташкил этилади. Жамғарма Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан умумтаълим муассасаси меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 15%и миқдоридан шакллантирилади. Мақсадли-умумтаълим муассасасида ўқув-тарбия жараёнининг самаралилиги ва сифатлилигини оширишни рағбатлантириш, педагог, психолог ва кутубхона ходимларига ойлик устама белгилаш, умумтаълим муассасалари



ходимларини мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам бериш, педагог ходимларнинг касб маҳорати ва малакасини оширишини рағбатлантиришни кучайтириш. Устамани белгилайдиган ишчи гуруҳ муассаса директорининг буйруғи билан ташкил этилади. Директорнинг ўзи – раҳбар, аъзолари – ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, касаба уюшмаси кўмитаси раиси, педагог ходимлари орасидан ҳамда умумий ўрта таълим муассасаси кузатув кенгаши ва ўқувчиларнинг ота-оналари вакиллари билан иборат бўлади. Ушбу ишчи гуруҳ таркиби ҳар ўқув йили бошлангунга қадар педагогик кенгаш томонидан қайта кўриб чиқилади. Муҳим жиҳати – рағбатлантириладиганлар сони мактаб ходимлари умумий сонининг 50%идан ошмаслиги керак. Базавий тариф ставкаларига устамалар белгилаш тўғрисидаги масала талабгорнинг аризасига ва уларнинг фаолиятини баҳолаш бўйича таҳлилий маълумотларга асосан кўриб чиқилади ва ҳал этилмоқда. Устамалар педагогик фаолиятга доир мезонларга мувофиқ қуйидаги тартибда белгиланади [202].

### 2.3.1 жадвал

#### Педагогик фаолиятнинг устамалари

Педагоглар		Кутубхона ходимлари ва психологлар	
баллар	устама	баллар	устама
65–70 балл	10%	65–75 балл	10%
71–75 балл	15%	76–85 балл	15%
76–80 балл	20%	86–100 балл	20%
81–85 балл	25%		
86–90 балл	30%		

91–95 балл	35%	
96–100 балл	40%	

Устамалар тизими жадвалида кўрсатилганлардан ташқари куйидагилар ҳам тўланади:

юқори натижалар кўрсатган педагогларга 100 фоизлик устама ҳақ – улар рўйхати ишчи гуруҳнинг қарори асосида шакллантирилади ҳамда директор томонидан туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига 1 апрелга қадар тақдим этилади; календар йили давомида жами икки лавозим маошигача миқдорда мукофот пули – умумтаълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини умумтаълим муассасасини ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси ва ўз фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун, шунингдек, республикамызда нишонланадиган байрам саналари муносабати билан *(бир йилда бир неча марта тўланиши мумкин)*;

навбатдаги ўқув йили учун олтин, кумуш ва бронза медаллари бўйича қўшимча 200, 175 ва 150 фоизлик устама ҳақ – халқаро олимпиадалар ғолибларини тайёрлаган ўқитувчилар ва таълим муассасаси директорларига *(асос – халқаро олимпиадаларнинг совриндорлигини тасдиқловчи диплом (сертификат))*;

базавий тариф ставкасининг 2 баробари миқдорида бир марталик мукофот пули – Президент мактабларининг 5-синфига танлов асосида қабул қилинган ўқувчиларнинг бошланғич синф ўқитувчиларига;

умумтаълим муассасалари ходимларига моддий ёрдам – уларнинг муурожаатига кўра ёки умумтаълим муассасаси касаба уюшмаси ташкилотининг ташаббуси бўйича фавқулодда ҳолларда кўрсатилади *(яқин қариндоши вафот этганда, оғир жароҳат олинганда, оғир касалликка чалинганда, табиий офатдан зарар кўрилганда)* [126].

Учинчидан, ўқитувчилар ўзиларининг фанлари бўйича республика ва халқаро олимпиада ғолибларини тайёрласа, уларга нисбатан алоҳида

рағбатлантириш тизими жорий этилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2019 йил 3 майдаги «Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4306 -сон қарори иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этишга йўналтирилганлиги белгилаб берилди. Республика олимпиадаларининг мукофот жамғармаси 1, 2 ва 3-ўринлар учун 100, 85, 70 энг кам иш ҳақи (ЭКИХ)ни ташкил этади, ғолибларнинг ўқитувчиларига эса тегишлича 80, 65, 50 ЭКИХ тўланадиган бўлди. Халқаро ва республика олимпиадалари ғолибларига илгари ҳам пул мукофотлари тўланган. Бироқ ҳужжатда ғолиблар ва уларни тайёрлаган педагогларни рағбатлантиришнинг янги тизими назарда тутилган. Бу қуйидаги жадвалда акс этирилган [162]:

### 2.3.2.жадвал.

#### Олимпиада ғолиблари ва уларни тайёрлаган педагогларни рағбатлантиришнинг янги тизими

Олимпиада формати	Рағбатлантириладиган шахслар тоифаси	Рағбатлантириш тури
Асосий олимпиадалар республика босқичи	Ғолибнинг ўқитувчиси	Бир марталик пул мукофоти
	1-ўрин	50 ЭКИХ
	2-ўрин	35 ЭКИХ
	3-ўрин	30 ЭКИХ
	Таълим муассасаларида ўқитувчи бўлиб фаолият юритаётган ғолиб	Лавозим маошига ҳар ой 100% устама
Халқаро	Ғолиб	Бир марталик пул

олимпиада		мукофоти
	1-ўрин (олтин медал)	500 ЭКИХ
	2-ўрин (кумуш медал)	300 ЭКИХ
	3-ўрин (бронза медал)	200 ЭКИХ
	Ғолибнинг ўқитувчиси	Бир марталик пул мукофоти
	1-ўрин (олтин медал)	450 ЭКИХ
	2-ўрин (кумуш медал)	250 ЭКИХ
	3-ўрин (бронза медал)	150 ЭКИХ
	Ғолибларни тайёрлаган ўқитувчилар ва таълим муассасаси директорлари	Навбатдаги ўқув йили учун директор жамғармасидан қўшимча устама
	олтин медал	200%
	кумуш медал	175%
	бронза медал	150%
	Таълим муассасаларида ўқитувчи бўлиб фаолият юритаётган ғолиб	Лавозим маошига ҳар ой 150% устама

Бундай устама тўлашнинг юқори миқдори барча мактабларда ўқитувчиларнинг ўз устида тинимсиз ишлашига, ўқувчиларни тегишли фанлар бўйича мақсадли тайёрлашга, билим соҳасида ҳақиқий рақобат муҳитини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, халқаро олимпиадаларда ғолиб бўлган ўқувчиларни тайёрлаган ўқитувчиларга давлат

мукофотлари берилаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Мактабгача таълим муассасаси, мактаб ва олий таълим тизимида ишлаётган тарбиячилар, ўқитувчи ва устозлар меҳнатини муносиб қадрлаш, уларнинг иш ҳақини, жамиятдаги ўрнини ошириш бўйича муҳим қадамлар дейиш мумкин. Соҳа ривожига бўлган эътибор мактабларда ўқув-тарбия жараёнларини сифат миқёсида ўзгартиришга, ўқитувчилар салмоғини яхшилашга хизмат қилмоқда [23].

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5538-сон Фармонида халқ таълими муассасаларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, моддий-техник ва ўқув-методик базасини мустаҳкамлаш, нодавлат умумтаълим муассасалари тармоғини янада ривожлантириш, «Замонавий мактаб» давлат дастурини тайёрлаш, ишлаётган нафақахўр ўқитувчиларга пенсияларини тўлиқ миқдорда тўлаш каби масалалар аниқ белгилаб қўйилди [22].

Айтиш лозимки, умумтаълим мактабларида таълим-тарбия жараёнини тўғри ташкил қилишда синф раҳбарларининг ўрни катта. Чунки таълим тарбия билан узвийликда олиб борилади. Бу борада Президент Ш.Мирзиёев куйидагиларни таъкидлайди: «Синф раҳбарларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини муносиб рағбатлантириш чорасини кўряпмиз.

Хусусан, 2020 йил 1 октябрдан бошлаб 242 минг нафар синф раҳбари учун қўшимча тўлов миқдори бир ярим баробар оширилиши белгиланди. Мазкур мақсадлар учун йиллик 400 миллиард сўмдан зиёд қўшимча маблағ йўналтирилиб борилади». 2020 йил 30 сентябрда биринчи марта 14 нафар синф раҳбари давлатимизнинг ордени ва медаллари билан тақдирланди [19].

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 январдаги «Олис ҳудудлардаги бюджет ташкилотларига малакали мутахассисларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, олис ҳудудга бориб ишловчи ходимларга бир марталик

компенсация тўловлари ва ҳар ойлик устамалар миқдори кўрсатиб ўтилган, – дейди И.Сиражев. – Ушбу қарорнинг биринчи бандига кўра, олис ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотларига бошқа ҳудудлардан меҳнат фаолиятини олиб бориш учун келган олий маълумотли мутахассисларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида бир марталик бошланғич ёрдам пули ва уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида ҳар ойлик пул компенсацияси берилади.

Шунингдек, қарорнинг иккинчи бандида олис ва чекка ҳудуд дейилганда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 471-сон қарори билан тасдиқланган умумий ўрта таълим муассасаларида бошқа ҳудудлардан ташриф буюриб фаолият юритаётган педагог ходимларга махсус устама белгиланадиган ҳудудлар тушунилиши, ҳар ойлик компенсация олий маълумотли мутахассис ишга қабул қилинган ойдан бошлаб 36 ой мобайнида тўланиши, ходим ушбу жойдан шахсий турар жойга эга бўлганда, унга хизмат яшаш жойи берилганда ёки у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда пул компенсациясини тўлаш тўхтатилиши белгиланган.

Шу билан бирга, қарорнинг тўртинчи бандига асосан 2021 йил 1 мартдан бошлаб таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларда дарс бериш учун бошқа ҳудудлардан жалб қилинган олий ва биринчи тоифага эга ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига; бир маъмурий-ҳудудий бирликлар доирасида бошқа туман ва шаҳарлардан келиб фаолият юритаётган ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига 50 фоиз; бошқа маъмурий-ҳудудий бирликдан келиб фаолият юритаётган ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига 100 фоиз устамалар тўланади. Бунда таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларда дарс бериш учун бошқа ҳудудда камида бир календар йили фаолият олиб борган олий ва биринчи тоифага эга ўқитувчи-педагоглар жалб қилинади [133].

Бюджет маблағлари – бу халқ маблағларидир. Шунинг учун ушбу ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш зарур.

Мактаб ўқитувчилари ойлик иш ҳақини оширишдан энг асосий мақсад – ўқитувчининг моддий таъминотини яхшилаш орқали ўқитувчилик касби обрўсини ошириш, тизимга юқори малакали кадрларни жалб этиш ва таълим даргоҳларда фарзандларга юқори сифатли таълим берилишини таъминлашдан иборат. Шу билан бирга мактаб таълимини ривожлантириш учун комплекс тадбирларининг бажарилишини таъминлаш, шунингдек, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, фаолияти самарадорлиги ва натижавийлигини баҳолашга қаратилган малака талабларини кучайтириш ва мактабларда ўқитишнинг янги илғор методикаларини жорий этиш муҳим ҳисобланади [203].

Янги Ўзбекистонда мактаб таълимини ривожлантириш ва ўқитувчининг нуфузини ошириш учун уларнинг ижтимоий таъминотини етарли миқдорда таъминлаш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган мазкур ислохотлар ўқитувчиларнинг Янги Ўзбекистон жамиятидаги нуфузи ва мавқеини янада оширишга хизмат қилади. Уларнинг ўз касбига меҳри ва садоқатини мустаҳкамлаб, ишлаётган таълим даргоҳида профессионал фаолият билан шуғулланиб, жамият ардоғида бўлишга шароит яратади. Ўқитувчилар фаолиятига ҳуқуқий, моддий ва маънавий кафолатнинг берилиши эса инсон ресурсини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатади. Ўқитувчиларнинг ўз устларида ишлаб, ўқувчиларга янги ва замонавий билимларни беришга, келажакда етук кадрларнинг шаклланишига пойдевор яратилади [237].

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мақсадли кўрсаткичларида жамиятда ўқитувчининг мақомини оширишнинг учта йўналиши белгилаб берилди [6].

Демак, юқоридаги таҳлиллар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, бўлажак ўқитувчиларни педагогик фаолиятга жалб этишнинг муҳим омилларидан бири касбий барқарорликнинг моддий асосининг мустаҳкамлигидир. Педагогика олий таълим муассасасини тугатган ўқитувчи, жамиятда ўқитувчининг мавқеи, унинг ойлик маоши камлигини кўриб, бошқа касбга ўтиб кетиш мумкин. Касбий барқарорлик туфайли бўлажак ўқитувчиларда ўз касбига нисбатан мотивация кучаяди. Меҳнатига алоҳида рағбат шаклланади. Бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантириш моделида моддий асос ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

### 2.3.3. Жадвал.

#### Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясидаги ўқитувчи мақомини оширишнинг йўналишлари

<b>II. Жамиятда ўқитувчининг мақомини ошириш</b>						
<b>Кўрсаткич номи</b>	<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>2019</b>	<b>2020</b>	<b>2021</b>	<b>2025</b>	<b>2030 йилда</b>
Халқ таълими тизи-мида фаолият юрита-ётган соҳа ходимла-рини давлат ва тармоқ мукофотлари билан тақдирлаш.	Мукофотлана-диганлар сони	800	900	1 000	1 500	2 000
Умумий таълим соҳасидаги ўртача ойлик иш ҳақининг бошқа соҳалардаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан улуши.	Коэффициент (ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан)	0,8	1,1	1,2	1,4	1,5



Халқ таълими тизимидаги ходимлар учун арзон уй-жойларни сотиб олиш бўйича ипотека кредити ва автотранспорт воситасини сотиб олиш ҳамда бошқа мақсадларда бериладиган имтиёзли истеъмол кредитлари.	Фоизда (жами ходимлар сонига нисбатан)	0,5 %	1,5 %	3,5 %	7,5%	10%
--	--	-------	-------	-------	------	-----

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, дидактик моделлаштириш бўйича Россиянинг бир қатор етакчи олимлари томонидан илмий ишлар амалга оширилган. М.А.Глагузова, Е.А.Гилманов, И.Э.Видт, В.И.Леднев, Л.В.Маркова, Н.Ф.Талзина ва бошқалар.

Ушбу илмий ишлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, олимлар ўқитувчи фаолияти модели тўғрисида турли хил фикрларни олға сурган. Илмий тадқиқот ишимизнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда бўлажак ўқитувчининг касбда барқарор фаолият юритиш модели давлат таълим стандарти талабларига тўлақонли жавоб берадиган ва педагогика институтларида олиб борилган таълим-тарбия жараёнида амалга оширилиши зарур бўлган стандарт сифатида эътироф этилиши билан таърифланади.

Бугунги кунда жамиятнинг жадал суръатлар билан ривожланиши унинг аъзолари фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Шуни инобатга олган ҳолда бугунги кун талабаларини эртанги кунда ўзлари танлаган педагогик касбда барқарор фаолият юритишлари учун унинг тайёргарлигига қўйилаётган талаб ва вазифаларни чуқур таҳлил қилиш керак. Педагогика

институтида касбий барқарорлигини шакллантириш жараёнининг моделини ишлаб чиқишда талабаларни ўзлари танлаган мутахассислиги бўйича билим, кўникма ва малакаларга эга бўлаётганлигига эътибор қаратдик.

Шу соҳа олимларининг ишларини кузата туриб педагогик фаолиятга тайёргарлик кўришда жиддий ёндашувнинг муҳимлигини ва бу борада талабаларда фаолликни кучайтириш лозимлигини белгилаб олдик. Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятга тайёргарлиги қуйидагилар билан изоҳланади. Булар:

Замонавий ёндашувлар:

1. Тизимли.
2. Вазиятли.
3. Рефлексив.
4. Шахсга йўналтирилган.
5. Миллий –худудий.
6. Инновацион.
7. Мотивацион.
8. Корпоратив.
9. Блок-модулли.
10. Натижаларни бошқариш.

Педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнлари:

1. «Умумий педагогика», «Умумий психология», «Технология» фанлари.
2. Экскурсия; маъруза, амалий машғулотлар (семинар, семинар-тренинг).
3. Педагогик фанлар.
4. Педагогик амалиёт.
5. Мустақил таълим.
6. Курс иши.
7. Битирув малакавий иш.

Истиқболли режалар:

1. Талабаларнинг педагогик фаолиятга қизиқиши ва интилишларини кўллаб-қувватловчи рефлексив таълим муҳитини шакллантириш.

2. Ҳамкорлик педагогикаси асосида талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш мазмунини аниқлаштириш.

3. Талабаларда педагогик фаолиятни муваффақиятли ташкил этиш қобилиятини ривожлантириш.

4. Талабалар ўз устида ишлашини ривожлантириш ва такомиллаштириш, педагогик маҳоратни узлуксиз ривожлантириб боришга ҳаракатини таркиб топтириш.

Тадқиқот ишимизнинг асосий мақсади, педагогик жараёнда касбий барқарор фаолият олиб бориш даражаси. Шунинг учун ҳам касбий барқарорликни моделлаштиришда жараён шартлари, уни амалга ошириш босқичлари, дидактик воситалар, усуллар ва шакллар аниқлаб олинди.


Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантирувчи асосий таркибий қисм – бу педагогик жараёнда барқарор фаолият олиб бориш имкониятига эга бўлган ўқитувчиларни шакллантиришдир.

Бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантиришнинг асосий босқичлари:

1. Диагностик – ташкилий ва фаолиятни бошқариш.

2. Рефлексив – баҳоловчи дастлабки даврий якуний касбий машғулотлар натижалари педагогик фаолиятга касбий барқарорликни шакллантириш.

Бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантиришнинг модели тизимли таҳлил натижасида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш кўрсаткичлари. Бунда билим, кўникма, малака ва касбий муҳим шахсий фазилатларни шакллантириш орқали қуйидагилар ажратиб ёритилди. Булар:



**2.3.1-расм. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш модели**

- моделнинг бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантиришда якуний мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги принципи;
- назария ва амалиётнинг бирлиги принципи;
- бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантириш жараёнида ҳосил бўладиган асосий кўникма ва малакаларни педагогик фаолиятга амалий йўналтириш ва қайта ишлаш принципи.

Бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантириш моделининг самараси яратилган шарт-шароитлар, ташкилий, психологик, педагогик ва методикаси белгилаб олинди. Иш жараёнида танлаб олинган педагогика институтларининг ютуқлари ва камчиликлари эътиборга олинди. Мисол учун кадрлар тайёрлашда:

Узлуксиз педагогик амалиёт билан боғлиқ ишлардаги камчиликлар. Булар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Мактабгача таълим ташкилотларида педагогик амалиётга келган ёш педагоглар билан ишлай оладиган методистларнинг йўқлиги.
2. Умумтаълим мактабларида бўлажак ўқитувчиларни касбга мослаштириш малакасининг йўқлиги.
3. Ўрта махсус таълим тизимида амалиётнинг суэтлиги.
4. Педагогика институтларида пастки бўғинлар билан ишлаш амалиётидаги камчиликлар.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлиги моделини ишлаб чиқишда қуйидагиларга эътибор қаратилди. Булар:

- талабалар таҳсил олаётган йўналиш хусусиятлари;
- педагогик-психологик адабиётлар;
- эмпирик билим ва унинг шакллари (кузатиш – билиш объектининг муҳим хоссалари ва муносабатларини аниқлаш мақсадида атайлаб амалга ошириладиган изчил идрок этишдир).

Моделни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

– талабаларнинг касбга барқарорлигини ривожлантириш учун яратилган муҳит;

– талабаларнинг касбга барқарорлигини шакллантириш босқичларни аниқлаш;

– талабаларнинг касбга барқарорлигини шакллантиришнинг психологик жиҳатларига урғу бериш;

– талабаларнинг касбга барқарорлигини шакллантиришнинг ташкилий-тарбиявий томондан режа асосида олиб бориш;

– талабаларнинг касбга барқарорлигини шакллантиришнинг дидактик имкониятларини аниқлаштириб асослаш кабилар.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш моделини самарали амалга ошириш шартлари белгиланди.

Бу шартларни амалга оширишда тизимли фаолият йўлга қўйилди.

Бунда, асосан, ташкилий-психологик, педагогик-методик шартлар амалга оширилиши белгилаб олинди.

Ташкилийда – педагогик синфлар, академик лицейлар, педагогик коллежлар ва техникумлар фаолияти. (Жиззах давлат педагогика университети, Чирчиқ давлат педагогика институти, Бухоро давлат университетида олиб борилаётган ишлар каби ).

Психологикда – психологик шароитларнинг таъсири:

– бўлажак ўқитувчиларда фаол ҳаётий зарурий кўникмаларни шакллантириш;

– мотивацион – қадрий муносабатларни касбий педагогик фаолиятга шакллантириш;

– бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарор фаолиятга нисбатан муносабатини шакллантириш.

Бу ишларни амалга ошириш учун, биринчидан, психологик ижобий муҳитни яратиш; иккинчидан, ҳар бир бўлажак ўқитувчига мотивация бериш; учинчидан, педагогик фаолиятнинг истиқболини кўрсата олиш керак.

**Бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни тизимли  
шакллантиришнинг етакчи компонентлари.**

Бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни тизимли шакллантиришнинг етакчи компонентлари		
<p align="center">Предметли- фаолиятлилик компонент (педагогик фаолиятга ижодий интилиш, ўқувчилар билан ишлашга ҳохишнинг борлиги, болаларни севиш, педагогик фаолиятдаги тўсиқларни енгиш, педагогик ютуқларга интилиш)</p>	<p align="center">Шахслилик компоненти (педагогик вазиятларга онгли ёндашув орқали муносабат билдириш, ўқувчиларни педагогик қўллаб- қувватлаш, эмоцияни бошқара олиш)</p>	<p align="center">Ижтимоий- коммуникативлик компоненти (ўқувчилар билан мулоқотдаги фаоллик, ўқувчиларни тушуниш, муомала маданиятига риоя қилиш малакасининг ривожланганлиги)</p>

Бугунги кунга келиб, замонавий жамият таълим-тарбия тизимисиз ривожлана олмаслиги исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатга айланди. Таълим тизимидаги янгиликлар, истикболли режалар ижтимоий ва давлат буюртмаларисиз амалга ошмайди. Танланган моделнинг мазмунини ёритиш учун, биринчи навбатда, «ижтимоий тушунча» нимани англатишини билиб олиш мақсадга мувофиқдир.

«Ижтимоий буюртма» атама сифатида дастлаб таълим жараёнини ташкил этишга бевосита таъсир кўрсатадиган ижтимоий ҳодисаларнинг маълум бир синфи тарзида талқин қилинган. «Ижтимоий буюртма» тушунчаси учун жамловчи хусусият «эҳтиёж» бўлаги – фаолиятнинг ички стимули, яъни инсон шахси, ижтимоий гуруҳ, умуман, жамият тараққий этиши учун зарур бўлган предметга бўлган эҳтиёж. Демак, ижтимоий буюртма бу бутун жамият ёки унинг бир қисми учун долзарб бўлган ижтимоий эҳтиёждир. Ижтимоий буюртма билан давлат буюртмасини бир-

бирига адаштирмаслик керак. Таълим тизимидаги давлат буюртмаси – бу давлат эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган ва давлат бюджети ёки бюджетдан ташқари молиялаштириш манбаларидан тўланадиган ишларни бажариш (хизмат кўрсатиш) бўйича давлат ташкилотининг маълум бир «вазифаси».

Ижтимоий буюртма – бу давлат билан биргаликда таълим соҳасини ресурслар билан таъминлайдиганлар ота-оналар, иш берувчилар, жамоат ташкилотлари томонидан келиб тушадиган сўров.

Таълим соҳасидаги давлат буюртмаси, ижтимоий буюртмадан фарқли ўлароқ, ҳар доим меъёрий ҳужжатлар шаклида амалга оширилади ва шу сабабли ижро учун мажбурийдир.

Шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда замонавий иш берувчи олий таълим битирувчиларига ўзининг бир қатор талабларини қўймоқда. Масалан, «битирувчининг билими», «касбий қобилияти», «педагогик маҳорати», «касбий тайёрлиги», «касбий компитенцияси» кабиларни.

Ҳозирги замонавий услубга эга бўлган ўқитувчи ўзини бутунлай янгитдан ўзгартирган, ижодкорлик қобилиятларини тўла-тўқис акс эттира олган, юксак маънавият онгига эга бўлган ва шахсий педагогик концепциясини яратган бўлиши керак. Бундай услубни бўлажак ўқитувчиларга тушунтиришда олий тоифали ўқитувчисидан юксак даражадаги билим ва педагогик маҳорат орқали намоён этилади. Буни амалга ошириш учун олий таълим ўқитувчиси талабаларга:

«Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун моҳиятини етказиб бериши;  
педагогик фаолиятнинг мазмунини англаб тушунтиришда замонавий талабларни бажариши;

таълим моҳиятига замонавий ёндашуви;

таълим ва тарбия қонуниятларини ҳамда уларнинг моҳиятини етказиш;

таълим жараёнига руҳан психологик тайёрлаш;

диққатни тақсимлаш малакасини ошириш;



таълим моҳиятини англашга ўргатиш;  
хотира машқини доимо бажаришга одатлантириш;  
ҳис-туйғуларни ўз вақтида жиловлашга, бошқаришга ўргатиб бориши;  
иродасини чиниқтириб бориши каби машқларни ўргатиб бориши  
долзарб ҳисобланади.

Шу билан бирга мотивациянинг ўрнини тўлалигича ёритиб бериш ҳам  
аҳамиятли ҳисобланади.

Мотивация – мотивация (лот. мовере) – ҳаракатни уйғотмоқ; руҳий-  
физиологик режанинг динамик жараёни, инсон ҳаракатини назорат қилиш,  
мақсад сари етакловчи восита, ташкиллаштириш, фаоллик ва бардошлилик  
каби маъноларни билдиради. Мотивация ҳис-туйғуга, ишонч эса ақлга  
боғлиқ мантиқдир. Мотивация инсонга танлаш имкониятини бериб, уни  
бирор юмушга асло мажбурламайди. У бу ишни ўз ички кечинмаларидан  
келиб чиқиб фаол амалга оширади.

Педагогик соҳа самарали фаолият юритиш имконияти, биринчи  
навбатда, олий таълимда ташкил этилиши шарт. Бунда:

талабаларга педагогик соҳага оид билимларни беришда олий  
таълимнинг ички инфратузилмаси жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб  
бериши керак. Ахборот-ресурс марказида дарсликларнинг янги авлоди,  
талабаларга доимий равишда тақдимот шаклида тавсия қилиниб бориши;

профессор-ўқитувчилар ва бўлажак ўқитувчилар тўла-тўқис фаолият  
олиб боришлари учун ўқув хоналари, ахборот-ресурс марказлари, спорт  
заллари, маданият заллари ёзда мавсумга мос, куз қиш ойларида эса иссиқ  
ҳолда бўлиши керак.

ҳар бир ўқув хонаси замонавий ахборот ва телекоммуникацион  
воситалар билан жиҳозланган бўлиши;

ўқитувчиларни доимий равишда моддий жиҳатдан рағбатлантириш  
тизими яхши йўлга қўйилган бўлиши ва такомиллаштирилиб борилиши;

ҳар ўқув йилининг сўнгида 13-маош ҳақининг тўланиши;

Ўқитувчиларнинг соғлиғини мунтазам бошқариш ва уларнинг ўз вақтида муолажа олишлари учун зарурий чораларни кўриши, мағблағлар билан таъминланиши педагогик фаолиятга ижобий натижа олиб келади.

профессор-ўқитувчилар фаолиятига аралашмаслик, уларни эркин фаолият юритишга имкон бериш, ортиқча текширишлар, қоғозбозликдан, қотган қолипдан чиқишига имкон беришда видеокузатув орқали хулоса чиқариш;

талабаларга ўзлари хоҳишларига оид соҳаларида барқарор фаолият юритишига имконият яратиш мезонлари қуйидаги чизмада акс эттирилди.


Таълим-тарбия жараёнларида бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорлик кўникмаларини олий таълим муассасасидан бошлаб олиб бориш керак. Шу билан бирга бўлажак ўқитувчиларга мотивация улашадиган тизимнинг борлигидан оқилона фойдаланиш орқали касбга муҳаббат ва касбда самарали фаолият юритиш имкониятининг яратилишида педагогик ва психологик билимлар муҳим.

Бўлажак ўқитувчилар олий таълимни битириш арафасида қуйидаги сифат ва фазилатларга эга бўлишлиги аниқланди (2.3.2-расм).

Таълим тизимида ишлашга ўзини руҳан тайёрлаш босқичи: бунда бўлажак ўқитувчилар ёшларга билим бериш ва уларни баркамол шахс қилиб тарбиялашда ўзи масъул эканлигини ҳис қилиш. Педагогик тизимда замонавий шароитда замонавий ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар доирасида фаолият юрита олишга ишониш:

1) маънавий етуклик сифатлари: бўлажак ўқитувчилар доимий равишда ўз билимини ошириб бориши натижасида баркамол шахсга хос бўлган сифатларни ўзида мужассамлаштириб боришга эришиш (инсонпарварлик, маънавий етукликка эришиш, адолатлилик, ички ва ташқи маданиятлилик, педагогик талабчанлик ва ҳ.к.);

2) касбий сирларини эгаллашга доир сифатлар: бўлажак ўқитувчилар таълимий-тарбиявий билимларни яхши ўзлаштирган бўлиши билан бир каторда улардан самарали фойдаланиш имкониятига ҳам эгаллиги;



**2.3.2-расм. Касбий барқарорликни шакллантириш омиллари.**

3) ўқув-меъёрий ҳужжатлар билан ишларга оид сифатлари: бўлажак ўқитувчилар давлат таълим стандарти, ўқув режа, фан дастури, дарслик, ўқув қўлланма, услубий қўлланма ва монографиялар билан ишлашни билиши;

4) ахборот ва телекоммуникацион воситалар билан ишлашга оид сифатлари: бўлажак ўқитувчилар касбий барқарорлик фазилатига эга бўлиши учун улар таълим ва тарбия жараёнида қўлланиладиган воситалар билан ишлай олишлиги;

5) тилларни билишга оид сифати: бўлажак ўқитувчилар ўз ҳамкасбларининг олдида яхши мавқега эга бўлиши ва чет эл адабиётларини оригиналида ўқиб янгиликлардан хабардор бўлиши;

6) бошқарувга оид сифатлари: педагогик назоратга оид билимлари, таълимий-тарбиявий жараёни бошқариши;

7) илмий фаолият сифати: илмий тадқиқот ишларни тушуниши, мақола ва тезисларни тайёрлаши, дарслик, ўқув қўлланма, услубий қўлланмаларни тайёрлашга йўналтириш.

Биз томондан олиб борилган изланишлар шуни кўрсатдики, педагогика институтларида талабаларга билим беришга катта эътибор қаратилган бўлса-да, уларни эртанги кунда касбий педагогик фаолиятларида барқарор фаолият олиб бориш малакаларини шакллантиришга етарли даражада эътибор берилмаган. Бунинг асосий сабабларидан бири аксарият профессор-ўқитувчилар мактабларда ишламаганидир. Шунинг учун ҳам улар таълим жараёнларида мавзуга оид билимларни, маълумотларини бериш билан чегараланиб қолишади. Талабаларга касбда барқарор фаолият олиб боришга оид ишларни амалга оширмайдилар.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди:

- талабаларга аудиторияни бошқариш маҳорати ўргатиб борилди;
- талабаларга эшитиш ва тинглай олиш мунтазам равишда ўргатилди ва амалиётда синаб борилди;
- талабаларнинг касбга оид дунёқараши шакллантирилди;
- талабаларга сўз ва иш бирлиги ўргатилди;

– талабаларга касбда барқарор фаолият олиб бориш учун маълумотлар билан ишлаш малакаси шакллантириб борилди;

– ўзгаларнинг ҳис-туйғулари ва ностандарт вазиятларни ҳисобга олишни ўргатиш орқали кўзланган мақсадга эришилди.

## **II боб бўйича хулоса**

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик фаолиятга барқарорлигини шакллантириш учун қуйидаги ишларнинг тизимли равишда олиб борилиши инобатга олинди. Булар:

1. Бўлажак ўқитувчиларни таълим-тарбия жараёнига тайёрлаш тизимининг структурасини анализ қилиш асносида таълим тизимини тўлақонли идрок қилишга эришиш.

2. Педагогик тизимнинг энг муҳим белгиларини ажратиш орқали касбий барқарорликка эришиш масаласига ижодий ёндашувни амалга ошириш.

3. Педагогик тизимнинг бир бутунлигини ифодаловчи дидактик, тарбиявий таркибий қисмларини таҳлил қилиш.

4. Педагогик тизимнинг касбий мослантирувчилик имкониятларини янада такомиллаштириш жараёнини идрок қилиб бориш.

Касбий барқарорликни шакллантиришга тизимли ёндашувнинг асосий қоидалари қуйидагилар эканлиги ёритилди:

1. Педагогик тизим таълим тизими қисмлари йиғиндисидан кўра кенгрок тушунча.

2. Педагогик тизим таълим-тарбия қисмларининг яхлит ўзига хос табиатини асослайди.

3. Педагогик тизим бир бутунлик ҳолда ўрганилади.

Бундай тизим орқали касбий барқарорликни шакллантириб бориш қуйидаги таркибий қисмларни қамраб олувчи тизим ҳисобланади, деган хулосага келинди:

касбий барқарорликни шакллантириш бўлажак ўқитувчилар фаолиятида муҳимлиги ва долзарблиги;

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантиришни мақсадли равишда фаоллаштириш;

бўлажак ўқитувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини доиморивожлантириб боришга қаратилган топшириқлар банкни ташкил қилиш;

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш жараёнини билвосита ва бевосита мактаб амалиёти билан узвийлаштириш.

Бўлажак ўқитувчининг касбий барқарорлигини шакллантиришда талабаларга амалий ёрдам бериш изчиллик билан бажарилиши инобатга олинди. Касбий барқарорликнинг шаклланганлиги қуйидаги босқичларда амалга ошириб борилди:

1. Биринчи босқичда бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантиришга оид манбалар ва уларни талабаларга етказиш.

2. Иккинчи босқичда педагогик фаолиятда касбий барқарорлик тушунчаси талабаларда манбалар асосида билимларининг шаклланиши.

3. Учинчи босқичда бўлажак ўқитувчиларнинг узлуксиз педагогик амалиётга жалб қилиниши.

4. Тўртинчи босқичда бўлажак ўқитувчиларни мактаб фаолияти билан доимий равишда таништириб бориш, илғор ўқитувчилар билан устоз-шогирд тизимини йўлга қўйиш.

5. Бешинчи босқич касбий барқарорлик фаолиятининг шаклланганлиги.

Бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантиришнинг асосий босқичлари:

1. Диагностик – ташкилий ва фаолиятни бошқариш.

2. Рефлексив – баҳоловчи дастлабки даврий – якуний, касбий машғулотлар натижалари педагогик фаолиятга касбий барқарорликни шакллантириш.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлиги модели ишлаб  
чиқилди.

## **III БОБ. БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА КАСБИЙ БАРҚАРОРЛИГИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ**

### **3.1. § Тажриба-синов ишларини ташкил этиш**

Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятга касбий барқарорлигини самарали ташкил этиш ва шакллантиришга йўналтирилган технологияни амалга ошириш учун таълимга оид расмий адабиётларда қайд этилган мезонлар доирасида ишни олиб бордик. Танланган мавзу доирасида мақсадни амалга оширишда мақбул вариантлар танланиб, бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятга касбий барқарорлигини шакллантириш мумкинлиги асосланди.

Шунга таянган ҳолда, диссертацияда ёритилиши кўзда тутилган педагогик муаммонинг ечимини топишга ёрдам берадиган педагогик технология танлаб олинди.

Тажриба-синов жараёнларида:

- талабаларнинг педагогик фаолиятда касбий барқарорликка оид билимлари;
  - талабаларнинг педагогик фаолиятда касбий барқарорликка оид илмий қарашлар билан танишлиги;
  - талабаларнинг педагогик фаолиятда касбий барқарор фаолият юритишига доир, маърифий қадриятларга ҳос билим, кўникма ва малакалари;
- бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантиришга асосланган технологиянинг самарадорлиги.

Тажриба-синов иши уч босқичда амалга оширилди:

Биринчи – таъкидловчи босқич (2018-2019 йиллар)да диссертация муаммоси доирасида қуйидагилар амалга оширилди:

- биринчи навбатда тадқиқот йўналиши аниқлаштирилди;
- муаммо назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилди;



– педагогик йўналишдаги олий таълим тизимида «Умумий педагогика» курсини ўқитиш жараёнларида педагогик фаолиятда касбий барқарорликни шакллантиришда қўланиладиган инновацион технологиядан фойдаланиш масалалари таҳлил қилинди;

– Тажриба-синов ишини ўтказиш жойи ва унинг воситалари, шароитлар ўрганилди;

– тажриба-синовни муаффақиятли олиб бориш учун манбалар тайёрланди;

Бу босқичда ечими кутилаётган масала ва унга тегишли бўлган ҳолатлар саволлар асосида сўровномалар ўтказилди, натижа ўрганилди ва қуйидагилар аниқланди:

– узлуксиз педагогик амалиёт бошида 60% талабалар ўқитувчи бўлиш истаги борлигини билдиришди;

– ўқитувчи бўлишни умуман истамаганлар 10% ташкил қилди;

(14-иловага қаранг)

– олий педагогик таълим муассасаларидаги биринчи курс талабаларининг 80% касбий барқарорлик ҳақида батафсил маълумотга эга эмас;

– олий педагогик таълим муассасаларида иккинчи курс талабаларининг 74% касбий барқарорлик ҳақида батафсил маълумотга ва фалсафий-педагогик ҳамда педагогиканинг анъанавий мероси тўғрисидаги тасаввурларга эга эмас;

– олий педагогик таълим муассасаларида учинчи курс талабаларининг 60% касбий барқарорлик ҳақида батафсил маълумотга ва бу борадаги илғор педагогик ғоялар тўғрисидаги тасаввурларга эга эмас.

Шундан далолатки, олий педагогик таълим муассасаларида талабаларининг кўпгина қисми касбий барқарорлик ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмас ва фалсафий-педагогик ҳамда педагогика анъанавий мероси ҳақидаги билимлари талабдан пастлиги аниқланди.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, шу даражадаги билим педагогик фаолиятда рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш имконини бермайди.

Иккинчи асосий – шакллантирувчи босқич (2019-2020 йиллар)да олиб борилган ишлар мазмуни бўлажак ўқитувчиларнинг узлуксиз педагогик амалиётида синаб кўрилди:

- тажриба-синов ишилари режа асосида олиб борилди;
- тажриба-синов ишлари жараёнида лозим деб топилган айрим ишларга тузатилиб, бойитилиб борилди;
- тажриба-синов ишида аниқлаштириш мақсадида олиб борилган назоратлар доимий равишда таҳлил қилинди, зарур деб топилганда айрим тузатишлар киритилиб борилди.
- талабалар билан ишлашда инновацион технологияни қўллаш кўзланган натижага эришишнинг энг оптимал варианты эканлиги аниқлаштирилиб борилди;
- доимий равишда талабаларни мавзуга оид манбалар билан қурооллантирилиб борилди;
- талабаларнинг касбда барқарор фаолият олиб боришларига замин яратадиган манбалар илмий таҳлил қилиниб борилди, муҳокама қилинди, диссертация улардан фойдаланилди, расмийлаштирилди.

Тажриба-синов ишининг иккинчи – таъкидловчи босқичида, бўлажак ўқитувчиларни касбга тайёрлашда кўзда тутилган машғулотлар мазмунига барқарорликка оид сифатлар тўғрисидаги манбалардан барча фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда:

- бўлажак ўқитувчиларда педагогик фаолиятда касбий барқарорликни шакллантиришнинг энг мақбул йўллари ва воситаларини танлаш имконияти мавжудлиги;
- замонавий инновацион технологиялари воситасида касбда барқарор фаолият юритиш истагини руёбга чиқариш имконияти ошириб борилди;

– педагогик фаолиятда касбий барқарорликни шакллантириш технологиясининг самарадорлиги аниқланди;

– касбий барқарорликни шакллантиришда ахборот коммуникацион технологияларнинг роли катталиги эътироф этилди ва ундан кенг фойдаланишга доир тавсиялар ишлаб чиқилди;

– бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантиришда фойдаланишга қаратилган барча маълумотлар, методлар, тамойиллар, воситалар талабаларнинг ҳар томонлама камолга етишига ўз ҳиссасини қўша олиш имконияти мавжудлиги аниқлаштирилди.

Учинчи – якуний босқич (2020-2021 йиллар)да бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантиришга оид илмий дунёқарашнинг шаклланганлиги аниқланди ва мазкур ишлар амалга оширилди:

– узлуксиз педагогик амалиёт бошида 60 % талабалар ўқитувчи бўлиш истаги борлигини билдиришган бўлса, педагогик амалиёт якунида 84 % ўқитувчи бўлиш истагини билдиришди;

– узлуксиз педагогик амалиёт бошида, ўқитувчи бўлишни умуман истамаганлар 10 % ни ташкил қилган бўлса, узлуксиз педагогик амалиёт якунида бу кўрсаткич 2 % ни ташкил қилди. (15-иловага қаранг)

– тажриба-синов ишларида кузатилган камчиликлар тузатилиб борилди;

– таълим ва тарбияни биргаликда олиб бориш тамойилига асосланиб, унинг ҳамоҳанглиги, ривожланиш даражаси аниқланди;

– илмий-услубий жиҳатдан аниқ бир хулосага келинди ва расмийлаштирилди ҳамда тадқиқот натижалари қўйилган мақсад, вазифалар билан мос келиши изланишлар жараёнида кузатилиб борилди ва эътироф этилди;

– олиб борилган тажриба-синов жараёнида фойдаланилган маълумотлар математик - статистик методларидан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинди, баҳоланди. Ишончлилиги ўз исботини топди. Фойдаланилган

инновацион технологиядан амалиётда фойдаланиш учун услубий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятда касбий барқарорлигини шакллантириш жараёни 2018-2021 йилларни ўз ичига камраб олди. Бу жараёнда Жиззах давлат педагогика университети, Чирчиқ давлат педагогика институти ва Бухоро давлат университетининг бўлажак ўқитувчилари ўртасида тажриба-синов ишлари олиб борилди. Бу жараёнга жами бўлиб 450 нафар талаба жалб қилинди.

Тажриба гуруҳларида олиб борилган машғулотлар, табиийки, инновацион ёндашув асосида, назорат гуруҳларида эса анъанавий тарзда ўтказилди (3.1.1. – жадвал).

### 3.1.1 -жадвал.

#### Тажриба-синов ишларида иштирок этган олий таълим муассасасининг ўқитувчи ва талабалари

Олий таълим муассасаларининг номи	2018-2019		2019-2020		2020-2021		ЖАМИ	
	Талабалар сони	Ўқитувчилар сони	Талаба-лар сони	Ўқитув-чилар сони	Талабалар сони	Ўқитувчилар сони	Талабалар сони	Ўқитувчилар сони
Жиззах давлат педагогика университети	50	1	50	1	50	2	150	4
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти	50	1	50	1	50	2	150	4

Бухоро давлат университети	50	1	50	1	50	2	150	4
ЖАМИ	150	3	150	3	150	6	450	12

Бўлажак ўқитувчиларда касбга доир барқарорлик сифатларини шакллантириш масаласи инновацион технологиядан фойдаланган ҳолда педагогика олий таълим университети ва институтларининг тегишли кафедралари профессор-ўқитувчилари ёрдамида ташкиллаштирилиб борилди.

Бўлажак ўқитувчиларни педагогик фаолиятга касбий барқарорлигини шакллантиришда педагогикада шунга мос келадиган илмий ишлар ўрганилиб чиқилди. Ўрганиш жараёнида мотив, билиш, бошқариш каби ўзаро боғлиқ компонентлар олиб борилаётган илмий ишнинг мазмунини бойитишга хизмат қилди. Тадқиқот мазмуни ва хусусияти тажриба-синов ишининг самарадор кечишида, яъни касбий педагогик барқарорлик сифатларининг намоён бўлишида таклиф қилинаётган технология ва моделнинг ютуқли томонлари, самараси ўрганилди.

### **3.2.8 Педагогик фаолиятда касбий барқарорликни шакллантиришнинг самарадорлик даражаси**

Тажриба-синов ишини олиб борида маълум бир мақсад ва вазифалар белгиланди. Уларни амалга ошириш учун бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятга касбий барқарорлигини шакллантиришга оид билимлар билан қай даражада қуроланганлиги ўрганилиб чиқилди. Олинган маълумотларга таянган ҳолда талабаларнинг бу борадаги билимини, дунёқарашини аниқлаш керак деган хулосага келинган эди. Шунинг учун ҳам тажриба-синов ишларни амалга оширишда бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятда касбий барқарор ишлаши учун уларда қанақанги

сифатларни таркиб топтириш керак деган савол доирасида изланишлар олиб борилди. Талабаларда барқарорлик сифатларини таркиб топтириш учун бир қатор методик адабиётларга мурожаат қилинди. Инновацион технологиялар воситасида ишни амалга ошириш механизмини таълим-тарбия жараёнида қўллашни амалга ошириш йўли танлаб олинди.

Олиб борилаётган тадқиқот жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг касбда барқарор ишлаши учун уларга керакли даражада билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлиги ўрганилди.

Олиб борилган тадқиқот жараёнларида иштирок этган гуруҳларни иккига бўлиб, тажриба ва назорат гуруҳлари деб номланди. Тажриба гуруҳи иштирокчилари ўзларида барқарорлик сифатларини шакллантиришнинг замонавий методлари ва воситалари таъсири доирасида таълим ва тарбия процессининг фаол иштирокчиларига айлантириб боришди.

Назорат ва тажриба гуруҳларида олиб борилаётган ўқув тарбиявий ишлар натижалари касбда барқарор фаолият олиб боришлари учун зарур бўлган билимлар мажмуи ўрганилиб борилди. Талабалар томонидан касбда барқарор фаолият юритишга мўлжалланган материаллар қай даражада уларнинг онгида акс этаётганлиги таҳлил этиб борилди. Бир вақтнинг ўзида ҳар иккала гуруҳнинг билимлари текширилди ва тушунтириш ишлари ўтказилиб келинди. Тажриба майдонида иштирок этган ўқитувчи-экспертлар билдирган фикрлар инобатга олинди ва кўрсатилган баъзи бир фикрлар биргаликда ўз ечимини топиб борди.

Бўлажак ўқитувчилар томонидан ўзлаштириб борилаётган билимлар, уларда касбга доир барқарорлик сифатларини намоён этишларига замин яратди. Талабаларда касбий барқарорликнинг шаклланганлиги юзага келган ижтимоий ва педагогик муаммоларни мустақил равишда креатив ёндашган ҳолда ечишлари орқали аниқланиб борилди. Юзага келган муаммоларни илмий жиҳатдан асослаши, уларда шаклланган интеллектуал дунёқараш орқали аниқланди. Талабалар ўртага ташланган масала, муаммо ечимига

Ўзларидаги мавжуд билимларни амалиётда қўллаш тамойилларига асосланган ҳолда онгли ёндашиб, давлат таълим стандартлари талаблари доирасида дидактик қобилиятларини намойиш этиб келишди.

Бўлажак ўқитувчилар, педагогик фаолиятда касбий барқарорлик кўникмаларига эга бўлишлари учун қайд қилинган натижаларни улар томонидан амалга оширилган дидактик ва тарбиявий ишларнинг натижалари таҳлил қилинди ҳамда ўзлаштириш баҳоланиб борилди.

Тажриба-синов гуруҳларида олиб борилган тадқиқот иш ва унда қўлланилган методлар ва технологияларнинг натижалари қуйидаги жадвалда ўз аксини топди:

### 3.2.1.- жадвал

#### А.Қодирий номидаги ЖДПУ Бошланғич таълим факультети бўйича олиб борилган тажриба-синов ишлари натижалари

Т/р	Сифат кўрсаткичи	Назорат гуруҳи		Тажриба гуруҳи		Изоҳ
	Баллар ҳисобида	Баҳолар сони	% ҳисобида	Баҳолар сони	% ҳисобида	
1	$85 < K \leq 100$	4	16	8	32	
2	$71 < K \leq 85$	8	32	12	48	
3	$55 < K \leq 71$	11	44	5	20	
4	$0 < K \leq 55$	2	8	-	-	
5	Жами	25	100	25	100	
6	Ўзлаш–тириш	92		100		
7	Сифат кўрсаткич	48		80		

**Тошкент вилояти Чирчиқ педагогика институти Педагогика-психология факультети бўйича олиб борилган тажриба-синов ишлари натижалари**

Т/р	Сифат кўрсаткичи	Назорат гуруҳи		Тажриба гуруҳи		Изоҳ
	Баллар ҳисобида	Баҳолар сони	% ҳисобида	Баҳолар сони	% ҳисобида	
1	$85 < K \leq 100$	3	12	8	32	
2	$71 < K \leq 85$	9	36	10	40	
3	$55 < K \leq 75$	10	40	7	28	
4	$0 < K \leq 55$	3	12	-	-	
5	Жами	25	100	25	100	
6	Ўзлаш–тириш	88		100		
7	Сифат кўрсаткич	48		72		



**Бухоро давлат университети бошланғич таълим ва спорт  
тарбиявий иш йўналиши бўйича олиб борилган тажриба-синов ишлари  
натижалари**


Т/р	Сифат кўрсаткичи	Назорат гуруҳи		Тажриба гуруҳи		Изоҳ
	Баллар ҳисобида	Баҳолар сони	% ҳисобида	Баҳолар сони	% ҳисобида	
1	$85 < K \leq 100$	5	20	5	20	
2	$71 < K \leq 85$	7	28	12	48	
3	$55 < K \leq 75$	12	48	8	32	
4	$0 < K \leq 55$	1	4	-	-	
5	Жами	25	100	25	100	
6	Ўзлаштириш	96		100		
7	Сифат кўрсаткич	48		68		

Юқоридаги жадвалларда акс этган рақамлар геометрик кўринишга олиб келинганлиги маълумотларни яққол кўрсатиш имкониятини яратди. Бу эса ўз навбатида ишнинг кўргазмалилик тамойилига асосланганлигидан далолат беради. Буни амалга оширишда биз «Моноблок 27» русумли компьютердан фойдаландик. Қуйидаги (3.2.1 жадвал, 3.2.2 жадвал, ва 3.2.3

жадвал) жадвалларда рақамларда акс этган маълумотлардан хабардор бўлишингиз мумкин.

Бўлажак ўқитучиларда касбий барқарорлик кўнималакаларини таълим-тарбия жараёнида инновацион ёндашув амалга оширилаётган иш натижаларини таҳлил қилиб бориш учун махсус тест ва анкета саволлари ишлаб чиқилди (5-илова).


Ушбу назорат усуллари, воститаларидан кенг ва самарали фойдаланиб, борилди ҳамда талабаларнинг борқарорликка оид кўникмалари педагогик амалиётда бир неча бор синалди. Олинган натижаларни тўлақонли ва ишонарли тарзда таҳлил қилиш учун рақамли технология воситасида биз «Microsoft Excel» электрон жадвалининг диаграмма кўринишидан фойдаландик. Тадқиқот даврида олинган натижалар 3.2.1 ва 3.2.2-3.2.3 расмларда ўз аксини топди.



**3.2.1-расм. А.Қодирий номидаги ЖДПУ Бошланғич таълим факультети бўйича олиб борилган тажриба-синов ишлари натижалари**



**3.2.2-расм. Тошкент вилояти Чирчиқ педагогика институти Педагогика-психология факультети бўйича олиб борилган тажриба-синов ишлари натижалари**



**3.2.3 –расм. Бухоро давлат университети бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш йўналиши бўйича олиб борилган тажриба-синов ишлари натижалари**

3.2.1 ва 3.2.2 ҳамда 3.2.3 расмлар таҳлил қилиб, ўрганиб чиқилганда олиб борилган тажриба-синов жараёнларининг дастлабки – шаклланувчи (2018-2019 йй) босқичида амалга оширилган ишлар шундан далолат берган эдики, дастлабки йилларда талабаларнинг касбий барқарорликка оид билимлари анча паст кўрсаткичга эга бўлган. Шундан келиб чиқан ҳолда айтиш мумкинки, тадқиқот мавзуси долзарблигини кўрсатди. Муаммони ечишда таълим-тарбия жараёнинг инновацион технологияларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш инновацион қарашлар орқали бажарилди (1-2-3-4-иловага қаранг).

2019-2020 йиллар давомида олиб борилган таъкидловчи тажриба-синов ишлари талабаларда педагогик фаолиятда касбий барқарорлик бўйича олиб борилган тушунтириш ишлари ўз натижасини бера бошлади. Яъни талабалар бу борада билимларини намоён қила бошлади.

Бу, албатта, юртимизда олиб борилаётган таълим соҳасидаги ислохотлар билан боғлиқ бўлиб, ҳар бир соҳанинг бўлажак мутухассислари келгусида яхши ишлаши, яхши имкониятга эга бўлиши, қолаверса, ўз соҳасининг етук устаси бўлиб етишиши учун яратилган шарт-шароитлар ва берилган имкониятларнинг натижаси сифатида қараш мумкин. Бироқ бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятда касбий барқарорлигини шакллантиришга йўналтирилган педагогик технологиянинг мавжуд эмаслиги тўлақонли фаолият олиб бориш имконини бермайди.

Тажриба-синов ишларининг якуний босқичида (2020-2021 йиллар) бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш жараёни олдинги босқичларга қараганда анча самарали бўлганлиги билан изоҳланади. Изоҳ шундан иборатки, «Таълим тўғрисида»ги Қонунда белгиланган вазифаларни амалиётга тадбиқ этиш ва математик-статистик ҳисоблар натижаси тажриба гуруҳларидаги ўртача кўрсаткичнинг юқори қўлланилган педагогик технология ва методнинг самарали эканлигини тасдиқлайди.

«Педагогик илмий-тадқиқот ишлари бошқа соҳаги илмий-тадқиқот ишларига нисбатан ўзига хос бўлиб, унда қўлланилган воситаларнинг самарадорлиги муайян бир гуруҳ объектларининг (талабалар гуруҳи, ўқувчилар гуруҳи ва ҳ.к) ёки турлича гуруҳлар объектларининг маълум бир вақт ичида олинган ютуқларини баҳолаш асосида эришилади. Маълумки, математик статистиканинг асосий предмети статистик фаразлар деб аталувчи фаразларнинг ҳаққонийлиги тажрибалар, кузатишлар натижасида олинган маълумотлар асосида эришишдан иборатдир» [85].

Бундай текшириш аниқ мезонлар асосида ташкиллаштирилади. Бу мезонлар педагогик илмий-тадқиқот ишланмаларига хос ёки унга оидмаслилигига қараб икки гуруҳга бўлинади. Боғлиқ танланмалар учун Макнамара, ишоралар ва Вилконсон мезонлари, боғлиқ бўлмаган тамойиллар учун медиана, Вилконсон-Манн-Уитни, Хи-квадрат ва Колмогоров-Смирнов мезонлари танланади [85].

Илмий тадқиқотнинг қай даражада самарадор эканлигини текшириш ва баҳолаш учун  $\chi^2$  - квадрат мезонидан фойдаланилди. Бунда асос сифатида қуйидагиларга эътибор берилди:

Талабаларда касбий барқарорликни шаклантириш учун назорат ва тажриба гуруҳлари танлаб олинди;

Тажриба жараёнининг объектлари бир неча ўлчов категориялари асосида ўлчаш ишлари аниқлаштирилиб борилди.

Олиб борилаётган тажриба – синов ишларининг самарадорлигини аниқлаштириш

$$\chi^2 = \frac{1}{N_1 N_2} \sum_{j=1}^K \frac{(N_{1j} N_{2j} - N_{1j} N_{2j})^2}{N_{1j} + N_{2j}}$$

(3.2.1) формула ёрдамида амалга оширилди [85].

Бунда  $N_1$  – биринчи гуруҳ ҳисобланиб, назорат гуруҳини ва унинг ҳажми талабалар сонини билдиради.

$N_2$  – иккинчи гуруҳ ҳисобланиб, тажриба гуруҳи ва ҳажми, талабалар сони билдиради;

$K$  – ҳар бир талабанинг билими аниқ мезонлар доирасида амалга оширилиб боришини англатади. Бу  $K$  х 4 тўрт балли («қониқарсиз», «қониқарли», «яхши», «аъло») тизим орқали баҳоланган;

Ўтказилган педагогик тадқиқотларимизда тавсия этилаётган методиканинг самарадорлиги тажриба ва назорат гуруҳларидаги қатнашаётган ўқувчилар томонидан тажриба-синов ишларининг тажриба якунида кўрсатилган кўрсаткичларни ўзаро таҳлил қилиш ва қиёслаш асосида якуний хулосага келинди. Тадқиқот натижаларини таҳлил қилишга оид аксарият математик-статистик методларидан фойдаланилганда таҳлил натижалари айнан тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўқувчиларнинг тажриба якунида ўзлаштириш сифат кўрсаткичлари ўртасидаги ўзгариш натижасига кўра эришилган самарадорликка баҳо берилди.

Тажриба-синов ишларини математик-статистик таҳлил қилиш кўйидагича мезонлар асосида таҳлил қилинди:

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўқувчиларнинг ўртача ўзлаштириш сифат кўрсаткичлари ўрта арифметик усулидан фойдаланиб нисбий ва ўртача айирма коэффициентлари таққосланди;

тажриба гуруҳларидаги ўзгарувчанликнинг вариация кўрсаткичлари аниқлаштирилди ва шу асосида хулоса чиқарилди;

тажриба ва назорат гуруҳларининг танланма тақсимотлар полигони чизилди ва бош тўпламлар ўрта қийматини тенглиги ҳақидаги гипотезани “Хи квадрат” усулининг “Пирсон” критерияси тақсимоти мезонлари асосида текширилди ва хулоса қилинди;

Педагогик тажриба-синов жараёнида олиб борилган математик-статистик ҳисоблаш натижаларидан умумий хулосалар чиқарилди.


Кўйида 3.2.1 - 3.2.2 - 3.2.3 жадвалдаги кўрсаткич натижалари асосида тажриба гуруҳларининг ( жами: 75 нафар ўқувчилар) ҳамда назорат

гурӯхлари (жами: 75 нафар ўқувчилар) учун вариация кўрсаткичларини таҳлил қиламиз:

3.2.4-жадвал

Гуруҳлар	Тажрибада қатнашган қилинган талабалар сони	Ўзлаштириш баҳолари			
		«5»	«4»	«3»	«2»
Назорат гуруҳи	75	12 (16%)	24 (32%)	33 (44%)	6 (8%)
Тажриба гуруҳи	75	20 (26.7%)	35 (46.7%)	20 (26.7%)	0 (0%)

3.2.1-3.2.3 жадвал натижалари асосида тажриба ва назорат гуруҳларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари



3.2.4-расм. 3.2.1-3.2.3 жадвал натижалари асосида тажриба ва назорат гуруҳларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари

3.2.4-жадвалда келтирилган ўзлаштириш кўрсаткич натижаларидан кўриниб турибдики, назорат гуруҳларида “Қоникрасиз” ўзлаштирган ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи 6.3% (6 нафар)ни ташкил қилса, тажриба гуруҳларидаги “Қоникрасиз” ўзлаштирган талабалар эса йўқ эканлиги тажрибаларимиздан маълум бўлмоқда. Бундан ташқари, ушбу 3.2.4-жадвалдаги таҳлил натижаларига кўра тажриба гуруҳларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари назорат гуруҳлари ўзлаштириш кўрсаткичларидан юқори(самарадор) эканлиги кўриниб турибди.

Энди, 3.2.4-жадвалдаги кўрсаткичлари асосида тажриба ва назорат гуруҳларининг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларини ўрта арифметик усулидан фойдаланиб, нисбий ва ўртача айирма коэффициентларини ҳисоблаймиз ва уларни таққослаймиз.

$$\bar{X}_{t.s} = \frac{1}{n_{t.s}} \sum_{i=1}^4 n_i \cdot x_i = \frac{1}{75} (5 \cdot 20 + 4 \cdot 35 + 3 \cdot 20 + 2 \cdot 0) \approx 4$$

$$\bar{Y}_{n.g} = \frac{1}{n_{n.g}} \sum_{j=1}^4 n_j \cdot y_j = \frac{1}{75} (5 \cdot 12 + 4 \cdot 24 + 3 \cdot 33 + 2 \cdot 6) \approx 3,56$$

Ушбу натижаларга кўра, тажриба ва назорат гуруҳларининг ўртача айирма коэффициенти қуйидагича бўлади:

$$L = \bar{X}_{t.s} - \bar{Y}_{n.g} = 4 - 3,56 = 0,44$$

тажриба ва назорат гуруҳларининг нисбий ўзлаштириш коэффициенти эса қуйидагича бўлади:

$$K = \frac{\bar{X}_{t.s}}{\bar{Y}_{n.g}} = \frac{4}{3,56} \approx 1,12$$

$\chi^2_{таж} > \chi^2_{наз}$  ( $4 > 3,56$ ) каби қийматга эга бўлганлигини инобатга олган ҳолда уни самарали усул деб ҳисоблаш мумкин.



Юқорида келтирилган математик ҳисоблашларимиздан кўриниб турибдики, тажриба гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан деган хулосани қилиш мумкин.

Юқоридаги ҳисоблаш натижаларидан кўриндики, тажриба ҳамда назорат гуруҳларининг тажрибадан кейинги самарадорлик кўрсаткичларининг математик-статистик ҳисоблаш натижалари тажриба гуруҳларининг ўзлаштириш самарадорлик кўрсаткичлари назорат гуруҳлари кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада юқори эканлигига ишонч билдиради.

Энди, юқорида таъкидлаганимиздек, тажриба гуруҳларининг ўзлаштириш 3.2.4- жадвал натижаларидаги кўрсаткичлар асосида қўйилган гипотезани текшираемиз. Бунинг учун биз,  $H_0$  гипотеза сифатида тажриба ва назорат гуруҳларидаги тажриба натижаларининг ўзлаштириш баҳолари бўйича кутилаётган натижаларда ҳеч қандай ўзгариш бўлмаган деб, унга муқобил бўлган  $H_1$  гипотезада эса бир хил эмас деб олинди. Яъни,  $H_0$  – гипотеза тажрибадан сўнг ўқувчиларнинг биз тавсия қилаётган методика бўйича ўтказилган натижаларда сифат ва самарадорлик кўрсаткичларида сезиларди ўзгариш бўлмайди.

$H_1$  – гипотеза эса тажриба гуруҳларида сезиларли ўзгаришлар кузатилади. Бунинг учун биз, Хи квадрат усулидаги шартга эътибор қаратсак, агар аниқланган  $\chi^2_{l,s}$  эмпирик қиймат  $\chi^2$  статистика жадвалидан  $\chi^2_{1-\alpha}((k-1);(l-1))$  га мос бўлган критик қийматдан кичик бўлса, яъни  $\chi^2_{l,s} > \chi^2_{кр}$  бўлса, у ҳолда  $H_1$  гипотеза қабул қилинади, бу ерда  $\alpha$  -қийматдорлик даражаси.

Ҳар учала олий педагогик таълим муассасаларида ўтказилган тажриба-синов ишининг самарадорлиги таҳлил қилинган ва амалиётга жорий этилганлиги учун ҳам ушбу инновацион ёндашувни самарадор дейишга статистик асос бўла олади.

### III боб бўйича хулоса

Тажриба-синов жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятда самарали иш олиб боришлари кўп жиҳатдан уларнинг касбий барқарорлигига боғлиқ бўлади. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Давлат таълим стандартларида белгилаб берилган мезонларга амал қилиш орқали бўлажак ўқитувчиларни таълим муассасаларига тайёрлаш амалга оширилиб борилди. Бу жараёнда асосан:

- тажриба-синов жараёнида талабаларнинг билимлари назорат қилинди;
- қайд этилган камчиликлар устида ишланди ва улар босқичма-босқич бартараф этилди;
- замонавий педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш шартлиги қайд этилди;
- бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятга касбий барқарорлигини шакллантириш мумкинлиги илмий-услубий жиҳатдан асосланди.

Тажриба-синов жараёни қуйидаги босқичларда ўтказилди:

Биринчи – таъкидловчи босқич (2018-2019 йиллар)да:

- тадқиқот олиб бориш йўналиши белгиланди;
- қўйилган вазифа назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилди;
- умумий педагогикани ўқитиш жараёнида касбий барқарорлик борасидаги билимлар таҳлил этилди;
- тажриба-синов ишини ўтказишда керак бўладиган воситалар мавжудлиги аниқлштирилди;
- тажриба-синов иши ўтказиш учун зарур бўлган материаллар тайёрланди;
- режалаштирилган олий педагогик таълим муассасаларидаги ўқитувчилар тажриба-синов ишини ўтказишга тайёрланди.

Иккинчи асосий – шакллантирувчи босқич (2019-2020 йиллар)да:

- режага таянган ҳолда иш давом эттирилди;
- тажриба-синов жараёнида камчиликлар бартараф этилди;
- олиб борилаётган тадқиқот ишининг амалиётга жорий этилиши методик жиҳатдан асосланди;

- тажриба-синов жараёнида билим натижалари доимий равишда таҳлил қилинди.

- кўзга ташланган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилиб борилди;
- талабаларнинг барқарорликка оид ўзлаштириш даражаси назорат қилинди;

- тажриба-синов иши натижалари илмий жиҳатдан бир неча бор ўрганилди, таҳлил қилиниб борилди.

Учинчи – якуний босқич (2020-2021 йиллар)да:

- тажриба-синов жараёнида олиб борилган ишлар ўз вақтида таҳлил қилиб борилди, лозим деб топилганда тўғриланди ва иш кейинги режага ўтказиб борилди;

- таълим-тарбиянинг ҳамоҳанглиги натижасида қўйилган иш мазмуни бойитилди;

- бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятга касбий барқарорлигига оид дунёқарашнинг кенгайгани, бойигани асосланди;

- илмий-услубий жиҳатдан барқарорлик билимларининг ҳосил бўлганлигига оид аниқ хулосага келинди;

- тадқиқот давомида йиғилган барча маълумотларни математик-статистик методларга таянган ҳолда баҳоланиб, унинг ишончилиги исботланди.

## УМУМИЙ ХУЛОСА

1. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорликни шакллантириш бозор муносабатлари шароитида қийин, мураккаб, фаолият турида бардошли, чидамли бўлишга ёрдам беради.

2. Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик барқарорлигини шакллантириш, уни изчил ривожлантириб бориш кучли рақобат муҳитида ўз ўрнида барқарор фаолият юритишига ёрдам беради.

3. Педагогика олий таълимида бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантиришда кўплаб таълимий ва тарбиявий воситалардан кенг фойдаланиш орқали уларда барқарорликни шакллантириш жараёни амалга оширилди.

4. Бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантириш жараёнларида педагогик омиллар билан бир қаторда барқарорликни шакллантиришнинг психологик механизмларига таянилди.

5. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш муаммоси касбий тайёргарлик нуқтаи назаридан долзарлиги асосланиб, унинг психологик-педагогик шарт-шароитлар ва воситалари аниқлаштирилди.

6. Бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда, талабалikka умумтаълим мактабларида ўқиётган даврларидан бошлаб танлаш, фанларни яхши ўзлаштирмаган талабалар билан ишлаш тизимини тубдан ўзгартириш, гуруҳларни турли билим даражасидаги талабалар билан шакллантирмаслик, ихтисосликка даҳлдор бўлмаган фанларни ўқув режасидан олиб ташлаш, профессор ва ўқитувчиларнинг ўқув юкламаларини камайтириб, талабаларни мактабларга олиб бориш ва мослаштириш ишларига кўпроқ жалб қилиш механизми такомиллаштирилди.

7. Бўлажак ўқитувчиларни касбий-педагогик фаолиятга барқарорлигини шакллантириш тизимли равишда олиб борилиши натижасида таълим мазмуни тўлақонли идрок этилиши таъминланади.

8. Бўлажак ўқитувчининг касбий барқарорлигини шакллантиришда талабаларга амалий ёрдам бериш изчиллик билан бажарилиши инобатга олинди ва у беш босқичда (манбалар билан ишлаш, билимларни ҳосил қилиш, узлуксиз педагогик амалиётга жалб қилиш, устоз-шогирд тизимини йўлга қўйиш, касбий барқарорлик малакасини ҳосил қилиш) амалга оширилди.

9. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш модели ишлаб чиқилди.

10. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантиришнинг мустақил фикр технологияси ишлаб чиқилди ва унга муаллифлик таърифи келтирилди.

11. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш жараёнида олиб борилган тажриба-синов жараёнидаги математик-статистик таҳлил самарадорлигини кўрсатди.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 40.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни. 2016 йил 14 сентябрь. <https://lex.uz/ru/docs/3026246>.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Т.: 2020 йил 23 сентябрь. <https://lex.uz/docs/5013007>.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5538-сон Фармони [//https://lex.uz/docs/3893445](https://lex.uz/docs/3893445).
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгилашни сари рисола. –Т.: 2017. – Б. 70-71.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармони. ҚНММВ: 06/19/5712/3034-сон., 29.04.2019 й.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 08.10.2019 йилдаги ПФ-5847-сон Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида [//https://lex.uz/docs/4545884](https://lex.uz/docs/4545884).
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 29.10.2020 йилдаги ПФ-6097-сон Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида [//https://lex.uz/docs/5073447](https://lex.uz/docs/5073447).
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 06.11.2020 йилдаги ПФ-6108-сон Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-

тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида.  
[//https://lex.uz/docs/5085999](https://lex.uz/docs/5085999).

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида. [//https://lex.uz/docs/5841063](https://lex.uz/docs/5841063).

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 20.04.2017 й. ПҚ – 2909 «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида». Халқ сўзи. 2017 й. 21.04.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбир тўғрисида» ПҚ-3138-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/3356443>.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 05.06.2018 йилдаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар» тўғрисида. [//https://lex.uz/docs/3765586](https://lex.uz/docs/3765586).

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сонли қарори. [//https://lex.uz/ru/docs/3864155](https://lex.uz/ru/docs/3864155).

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 11.07.2019 йилдаги ПҚ-4391-сон Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида. [//https://lex.uz/docs/4415478](https://lex.uz/docs/4415478).

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 06.11.2020 йилдаги ПҚ-4884-сон Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. [//https://lex.uz/docs/5085887](https://lex.uz/docs/5085887).

17. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига илова. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мақсадли кўрсаткичлари. //https://lex.uz/docs/4312785.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил Олий мажлисга йўллаган мурожаатномаси. //https://www.google.com.

19. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. //https://uza.uz/zu/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-ituv-30-09-2020.

20. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 104-105.

21. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент.: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – Б. 488.

22. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2019. – Б. 354

23. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. 4-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2020. – Б. 365.

24. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. (Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси.) 2017 йил 14 январь. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 104.

25. Мирзиёев Ш.М. БМТ Бош Ассамблеясининг 2017 йил 19 сентябрдаги 72-сессиясида сўзлаган нутқи. – АҚШ.: 2017.



26. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 48.
27. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2016. – Б. 56.
28. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент.: Маънавият, 2008. – Б. 176.
29. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – 8-жилд. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 528.
30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 25-сонли қарори. //Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорлари тўплами. – Т.: 2006. №2. – Б. 10 -11.
31. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2016-2017 ўқув йилидаги асосий кўрсаткичлари. // – Т.: 2008.
32. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами., 2017 й. 14-сон, 213-модда, 22-сон, 406-модда.
33. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997. – Б. 64.
34. Incheondeclaration/Educatingo 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea. <http://unesdoc.unesco.org>)

## **Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар**

35. Машарипова У. Коммуникативная компетентность в развитии личности учителя // Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития: XII-международ. конф. – Санкт-Петербург.: ЛГУ. 2014. – С. 148-149.

36. Тўлаганова Г.К. Тарбияси қийин ўсмирлар. Монография. – Т.: 2005.

37. Халиков А.А. Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳоратини ривожлантириш. // Монография. Иқтисод Молия. – Тошкент.: – 2015. – Б. 435.

38. Ясюкова, Л.А. Социально-психологическая готовность студентов к профессиональной деятельности / Л.А.Ясюкова // Высшая школа на современном этапе: материалы междунар. науч.-практ. конф.: в 2-х т. – М.: Ярославль. 2005. – Т. 1. – С. 53 – Б. 60.

39. Стукалова О.В. Культурно-творческое развитие и профессиональное становление будущих специалистов в сфере культуры и искусства: моногр. – М.: Изд-во ИХО РАО, 2011. – С. 280.

## **Фойдаланилган бошқа адабиётлар**

40. Абу Наср Форобий, Фозил одамлар шахри. – Т.: Халқ мероси, 1993. – Б. 224.

41. Абдукуддусов О. Касб таълими ўқитувчиларни тайёрлашга интегратив ёндашув. – Т.: Фан, 2005. – Б. 160.

42. Абдуллина Л.Н. Управление развитием готовности к педагогическому творчеству учителей средней общеобразовательной школы: дис. ... канд. пед. наук / Л.Н.Абдуллина. – Магнитогорск.: 2005. – Б. 172.

43. Абдукаримов Б.А., Абдыров А.М., Баубекова Г.Д. Профессиональная педагогика: Учебное пособие. – Астана.: КазАТУ.: 2009. – Б. 309.

44. Абдуқодиров А.А. Таълимда инновацион технологиялар. – Тошкент.: Истеъдод, 2008. – Б. 180.

45. Аболин Л.М. Эмоциональная устойчивость и пути ее повышения // Вопросы психологии. – 1989. – № 4. – С. 141-149.
46. Авлоний А. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ., Ўқитувчи нашриёти. Т.: 1993. – Б. 125.
47. Адизов Б.Р. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари: Пед.фан. док ... дисс. – Бухоро.: 2002. – Б. 276. Б.100.
48. Ажикин Г.И. Самостоятельная работа учащихся профтехучилищ в процессе производственного обучения: Профпедагогика. – М.: Высшая школа, 1987. – С. 176.
49. Азизходжаева Н.Н. Вопросы подготовки учителя в системе непрерывного педагогического образования. – Ташкент.: ТГПИ, 1995. – С. 64.
50. Акрамов А.А. Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари асосида бўлажак ўқитувчиларда фуқаролик позициясини ривожлантиришнинг ташкилий-методик асосларини такомиллаштириш: Пед.ф.н. ... дис. – Т.: ТДПУ, 2016.
51. Аксенова, Г.И. Формирование субъектной позиции учителя в процессе профессиональной подготовки: дис. д-ра пед. наук.: 13.00.08 / Г.И.Аксенова. М.: 1998. – С. 448.
52. Аксиньева М.А. Организация педагогической поддержки студентов в среднем профессиональном образовательном учреждении. Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. канд. пед. н. Ростов-на Дону, 2006.
53. Алексеева Л.Л., Стукалова О.В. Критерии оценки эффективности внедрения педагогической системы непрерывного художественного образования // Гуманитарное пространство. Международный альманах. – 2017. – Т.: 6, №3. – С. 341-350.
54. Андреева Г.М. Социальное познание: проблемы и перспективы. М.: 1999. 7. 2015. –Б. 27-30.
55. А.Навоий. Маҳбубул-кулуб. Асарлар. Ўн беш томлик. 13-том. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти., 1998. – Б. 318.

56. Апушкина К.Н. Развитие творческого мышления студента вуза физической культуры в образовательном процессе: автореф. дис. ... канд. пед. наук / К.Н.Апушкина. – Челябинск.: 2014. – С. 23.

57. Ахмадалиев Сидикжон Йигиталиевич. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларини касбий-педагогик фаолиятга мослашишининг илмий-методик асослари. 13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (меҳнат таълими) Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. Тошкент.: 2008. – С. 51-, 54-55.

58. Ахмедов Т.А., Норқўзиева М.А. Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятда касбий барқарор бўлишига эришиш омиллари. //А.Қодирий номидаги ЖДПИ Тафаккур зиёси илмий журнали. Ж., 2022. – Б. 16-20.

59. Батышев С.Я. Трудовая подготовка школьников. – М.: Педагогика, 1981. – С. 128.

60. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти: Пед. фан. док. ...дисс. – Т.: 2007. – Б. 305.

61. Беляев А.В. Воспитание студентов в вузе / А.В.Беляев // Педагогика. – 2014. – № 5. – С. 54-62.

62. Бизяева А.А Психология думающего учителя: педагогическая рефлексия. – М.: СПб, 2010. – С. 190.

63. Борозинец Н.М. Некоторые аспекты развития профессиональной устойчивости педагогов // Н.М.Борозинец // Вестник Майкопского государственного технологического университета. – 2014. – № 4. – С. 83-87.

64. Буюк сиймолар, алломалар (Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир ва донишмандлар), 1-китоб, Т.: 1995. – Б. 34 .

65. Василя Каримова. Саломатлик психологияси. – Т.: 2005. – Б. 298.

66. Варина А.Б. Психологопедагогические условия формирования профессиональной устойчивости будущего практического психолога в условиях обучения в вузе [Электронный ресурс] // А.Б.Варина // Современная

наука: актуальные проблемы теории и практики. – 2014. – № 3-4. – Режим доступа: <http://www.nauteh-journal.ru/index.php> (дата обращения 15.10.2016).

67. Волков С.Б. Влияние фактора профессиональной устойчивости на процесс профессиональной реориентации бывших военнослужащих / С.Б.Волков, Т.А.Григорьева // Альманах мировой науки. – 2015. – № 2-2 (2) – С. 103-107.

68. Вульф В.Б., Харькин Н.В. Педагогика рефлексии: Взгляд на профессиональную подготовку учителя. М.: Магистр, 1995. – С. 112.

69. Выготский Л.С. Педагогическая психология // Хрестоматия по возрастной и педагогической психологии. М.: 1980. – С. 49-53.

70. Гайнутдинов Р.З. Психология личности учителя узбекской национальной школы и её формирование в системе непрерывного образования // Дисс. ... докт. псих. наук. – Санкт-Петербург.: 1992. – С. 354.

71. Галимзянова И.И. Воспитание как социокультурный феномен // И.И.Галимзянова // Вестник Казань. технол. ун-та. – 2006. – № 5. – С. 203-207.

72. Гузь В.В. Формирование профессионально-личностной устойчивости учителя: дис. канд. пед. наук // В.В.Гузь. – М.: 2007. – С. 196.

73. Эргашова Г. Ўқувчиларда мустақил фикрлашни шакллантириш усуллари <https://syberlleninka.ru/article/n/o'quvchilarda-mustaqil-fikrlashni-shakllantirish-usullari>.

74. Гурниковская Р.Ю. Информационно-образовательная среда общенаучной подготовки студентов гуманитарных специальностей: автореф. дис. ... канд. пед. наук / Р.Ю.Гурниковская. – Ростов-на Дону, 2006. – С. 24.

75. Давлетшин М.Г. Умумий психология – Т.: ТДПУ. 2002. – Б. 346.

76. Давыдов В.В. Проблемы развивающего обучения. //Результаты экспериментальных исследований. – Москва-Директ-Медиа Паблишинг. – 2008. – С. 613.

77. Деркач А.А. Психология развития профессионала: учеб. пособие/А.А.Деркач., В.Г.Зазыкин., А.К.Маркова. М.: РАГС,2000. – С. 124.

78. Джураев Р.Х. Личностно-ориентированные технологии в образовании // Мактаб ва ҳаёт. № 7. 2015. – Б. 27-30.

79. Джураев Р.Х. Совместная работа школы, семьи и педагогов внешкольного образования в профориентации детей // Узлуксиз таълим // – Тошкент.: Шарк, 2016 №6. – Б. 31-35.

80. Джураева Б.Р. Формирование педагогической культуры у будущих учителей в процессе профессиональной подготовки при изучении дисциплин педагогического цикла: Автореф. Дис. ... кан. пед. наук. – Ташкент: 2002. – Б. 22.

81. Джураев Р.Х. Организационно-педагогические основы интенсификации системы профессиональной подготовки в учебных заведениях профессионального образования: Автореферат диссертации доктора педагогических наук. – Т.: 1995. – С. 43.

82. Димура И.Н. Социально-педагогические условия формирования профессиональной устойчивости молодых учителей (на материале сельской школы) [Текст]: автореф. дис. ... канд. пед. наук: 13.00.01 / И. Н. Димура. – Л., 1990. – С. 18.

83. Димура И.Н. Профессиональная устойчивость молодого учителя как показатель сформированности его позиций // И.Н.Димура //Руководство профессиональным становлением молодого учителя. – М.: 1985. – С. 84-92.

84. Дьяченко М.И., Кандыбович Л.А., Кандыбович С.Л. Психология высшей школы. Москва.: 1981 -383 с.

85. Евмененко Е.В. Самообразовательная деятельность как фактор развития профессиональной устойчивости специалиста // Е.В.Евмененко, Н.М.Борозинец //Вестник Майкопского государственного технологического университета. – 2014. – № 4. – С. 87-91.

86. Жалолов А. Касб қандай танланади? – Янги аср авлоди.: 2010. – Б. 68.

87. Жалилова С.Х., Ҳайдаров Ф.И., Ҳалилова Н.И. Касб психологияси. Т.: 2010. – Б. 105.

88. Жамолдинова О.Р. Ёшлар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари амал қилишининг педагогик механизмларини такомиллаштириш: Автореф... пед. фан. док. – Т.: 2015. – Б. 86.
89. Журавлева Е.А. Формирование профессиональной устойчивости социального педагога в условиях обучения в вузе: дис. канд. пед. наук / Е.А.Журавлева. – М.: 2004. – С. 190.
90. Жўраев Н. Ўзбекистонда янгиланишлар концепциясининг яратилиши, эволюцияси ва амалиётда қўлланилиши: Сиёсий. фан. док. дис... Автореф. – Т.: 2001. – Б. 54.
91. Захарова М.А. Профессиональное воспитание педагога-творца / М.А.Захарова, И.А.Карпачева // Известия Волгоград. гос. пед. ун-та. – 2015. – № 2. – С. 54.
92. Зилберман П.Б. Эмоциональная устойчивость оператора // Очерки психологии труда оператора. – М.: Наука, 1974. – С. 138-172.
93. Зиятдинова Ф.Г. Социальное положение и престиж учительства: проблемы, пути решения. М.: 1992. – С. 222.
94. Илин В.С. Формирование личности школьника (целостный аспект), –М.: Педагогика, 1984. – С. 144.
95. Илин Е.П. Дифференциальная психофизиология. – СПб.: Питер, 2001. – С. 464.
96. Исаева И.Ю. Формирование готовности студентов педагогического вуза к управлению досуговой деятельностью подростков: дис. ... канд. пед. наук / И.Ю.Исаева. – Магнитогорск.: 2006. – С. 178.
97. Ишмеева А.С. К вопросу о специфике формирования профессиональной устойчивости сотрудника органов внутренних дел в образовательном процессе / А.С.Ишмеева, С.Ю.Ковтунова // Наука и образование: тенденции и перспективы. – 2015. – № 1 (2). – С. 15-17.

98. Йўлдошев Қ. Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари: Пед. фан. докт... дисс. – Т.: 1997. – Б. 256.

99. Кашлев С.С. Интерактивные методы обучения педагогике. – Минск.: Высшая школа, 2014. – Б. 176.

100. Каргиева З.К. Профессиональная устойчивость учителей и определяющие ее факторы //Вопросы преемственности воспитания и формирования учебной деятельности в системе “школа-вуз”: сб. науч. тр. – Орджоникидзе, 1984. –С. 59-65.

101. Каргиева З.К. Формирование профессиональной устойчивости студентов университета: автореф. дис. канд. пед. наук / З.К. Каргиева. – Ленинград.: 1990. – С. 25.

102. Катаев И.В. Развитие профессиональной устойчивости у курсантов ОАБИИ / И.В.Катаев, Д.С.Завирохин // Физическая культура в системе личностного и индивидуального развития: сб. науч. трудов. – Омск.: 2014. –С. 168-174.

103. Ключникова И.А. Формирование профессиональной устойчивости студентов к педагогической деятельности (на материале подготовки специалиста с квалификацией “Учитель безопасности жизнедеятельности”): дис. ...канд. пед. наук /И.А.Ключникова. – Ставрополь.: 2005. – С. 201.

104. Ключникова И.А. Профессиональная устойчивость учителя безопасности жизни деятельности.  
[https://superinf.ru/view\\_helpstud.php?id=1346](https://superinf.ru/view_helpstud.php?id=1346).

105. Климов Е.А., Развивающийся человек в мире профессий, Обнинск.: 1993 г.

106. Кореннова О.Ю Развитие профессиональной устойчивости у студентов медицинского вуза: проблемы и пути решения /О.Ю.Кореннова, Е.В.Лопанова // Омский научный вестник.: – 2014. - № 2 (126). – С. 146-150.



107. Kobasa S.C. Stressful life events, personality and health: an inquiry into hardiness // Journal of personality and social psychology. 1979. No. 37. P. 1-11.

108. Крюкова Н.Ю. Предпосылки формирования профессиональной устойчивости будущих педагогов в условиях воспитывающей среды вуза / Н.Ю.Крюкова // Педагогические технологии совершенствования образования в спортивных вузах: материалы всеросс. науч.-практ. конф. – М.: ЦСПиМ, 2016. – С. 84-90.

109. Кудрин А.А. Формирование профессиональной устойчивости студентов высших учебных заведений в свете новых стандартов образования/ А.А.Кудрин // Молодой ученый.: – 2014. – № 18.1 (77.1). – С. 51-54.

110. Курлянд З.Н. Формирование и развитие профессиональной устойчивости учителя: автореф. дис ... д-ра пед. наук /З.Н.Курлянд. – М.: 1993. – С. 30.

111. Курышев В.М. Формирование профессиональной устойчивости будущих специалистов по социальной работе с осужденными /В.М.Курышев // Глобальный научный потенциал. – 2014. – № 1 (34). – С. 25-26.

112. Кузьмина Н.В. Способности, одаренность, талант учителя. – Л.: Знание, 1985. – С. 68.

113. Ключевский В. Психологическая устойчивость личности. <https://stom.tilimen.org/programma-kuletura-rossii>.

114. Крупник Е.П., Лебедева Е.Н. Психологическая устойчивость личностных конструктов в период взрослости // Психологический журнал. – 2000. – Т.: 21 - № 6. – С. 12-23.

115. Кушвактов Ньмат Хусанович. Талабаларни миллий-маънавий кадриятларни ўрганишга тайёрлашнинг педагогик ва компьютерли асослари. 13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Жиззах.: 2006. – Б. 150.

116. Лазарев А.М, Стукалова О.В., Темиров Т.В. Профессиональная устойчивость будущих педагогов: потенциал в процессе подготовки и критерии оценки// <https://syberleninka.ru/article/n/профессиональная-устойчивость-будущих-педагогов-потенциал-в-процессе-подготовки-и-критерии-оценки>.
117. Лазарев М.А., Ласкин А.А. Воспитание интереса молодежи к отечественной культуре в условиях глобализации // Государственная служба и кадры. – 2016. – № 1. – С. 109-113.
118. Ляудис В.Я. Инновационное обучение и наука. М.: 1992. – С. 51.
119. Леонтьев А.А. Деятельностный ум (Деятельность. Знак. Личность). – Москва.: Смысл, 2001. – С. 324.
120. Лернер И.Я. Формирование и развитие профессионалов в условиях современного образовательного пространства. – Москва: Издательство Дружбы народов, 2006. – С. 84.
121. Масалова О.Ю Концепция формирования ценностных отношений студентов к физической культуре: дис. д-ра. пед. наук. / О.Ю.Масалова. – М.: 2014. – С. 624.
122. Макаренко А.С. О воспитании. Золотой фонд педагогики. – Москва.: Школьная пресса, 2003. – С. 156.
123. Мардонов Ш.Қ. Педагог кадрларни таълимий қадриятлар асосида тайёрлаш ва малакасини оширишнинг педагогик асослари. // Пед. Фан. Докт. ...дисс. –Тошкент.: – В. 2006.-302.
124. Мардонов Ш.Қ. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. – Т.: Фан, 2006. – Б. 232.
125. Маънавият асосий тушунчалар луғати. Тошкент.: 2009. – Б. 64.
126. Мактаб ходимларига устамалар қандай белгиланади//[https://www.norma.uz/qonunchilikda\\_yangi/maktab\\_hodimlariga\\_u\\_stamalar\\_qanday\\_belgilanadi](https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/maktab_hodimlariga_u_stamalar_qanday_belgilanadi).
127. Мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур// [www.uza.uz](http://www.uza.uz);

128. Махмутов М.И. и др. Педагогические технологии развития мышления учащихся. – Казань.: ТГЖИ, 1993. – С. 79.
129. Махмудов Н.М Ўқитувчи нутқ маданияти. Дарслик. – Тошкент.: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007. – Б. 167.
130. Махмудов Н. Нутқ бойлиги. Умумфилологик тадқиқотлар: муаммолар ва ечимлар. – Жиззах.: 2011. – Б. 22.
131. Махмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Тошкент.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009. –Б. 14-32.
132. Машарипова У. Инновацион таълим шароитида бошланғич синф ўқувчилар нутқ маданиятини шакллантириш методикаси. Дис. пед. фан. док. (PhD). –Тошкент.: 2018. –Б. 84-88.
133. Мелиқулова Б. Бошқа худудлардан жалб қилинган олий ва биринчи тоифали ўқитувчилар 2021 йил 1 мартдан устама ола бошлайди//[https://uza.uz/uz/posts/boshqa-hududlardan-zhalb-qilingan-oliy-va-birinchi-toifali-o'qituvchilar-2021-yil-1-martdan-ustama-ola-boshlaydi\\_234970](https://uza.uz/uz/posts/boshqa-hududlardan-zhalb-qilingan-oliy-va-birinchi-toifali-o'qituvchilar-2021-yil-1-martdan-ustama-ola-boshlaydi_234970).
134. Мороз А.Г. Педагогический коллектив как среда адаптации молодого учителя. – Киев.: КГПИ, – 1985. – С. 22.
135. Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари: Пед. фан. док. ...дисс. – Т.: 1993. – Б. 364.
136. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Пед. Фан. Док. Дис. Авторев. – Тошкент.: ТДПУ, 2007. –Б. 47-58.
137. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. пед. фан. док. дисс. – Тошкент.: 2007. – Б. 315.
138. Мустафоева Д.А. Ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси (PhD). – Т.: 2020. – Б. 169.

139. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат /Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова, А.Жалолова, Қ.Хоназаров умум. тахр. остида. –Т.: Шарқ, 2000. – Б. 320.
140. Нишоналиев У.Н. Формирование личности учителя трудового обучения: проблемы и перспективы. – Ташкент.: Фан, 1990. – С. 85.
141. Нишонова З.Т. Мустақил иждодий фикрлашни шакллантиришнинг Психологик асослари: Псих.фан док. ... дис. – Т.: 2005. – Б. 391.
142. Норқўзиева М.А. Methodology of giving professional knowledge to future teachers.// *Academicia: an international multidisciplinary research journal* <https://saarj.com>. – Б. 1378-1383.
143. Норқўзиева М.А. Ensuring professional stability of future teachers in pedagogical activity.// *European journal of research and reflection in educational sciences* vol. 8 no. 6, 2020 issn 2056-5852.
144. Норқўзиева М.А. The role of educational technology in shaping the professional stability of students. // *International scientific journal theoretical & applied science* (2020). – Б. 352-354.
145. Норқўзиева М.А. Sustainable activity in the teaching profession and its foundations.// *Psychology and education*. 2021 йил. – Б. 133-1345.
146. Норқўзиева М.А. The current state of the problem of the formation of stability in the teaching profession. // *Mental enlightenment scientific-methodological journal* 10-5-2021. – Б. 139-147.
147. Норқўзиева М.А. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш. //А.Қодирий номидаги ЖДПИ Тафаккур зиёси илмий журнали. Жиззах.: 2021. – Б. 24-25.
148. Норқўзиева М.А. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигига таъсир этувчи деформацияларнинг олдини олиш технологияси. //Ажиниёзий номидаги Нукус давлат педагогика институти Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендириў Илмий-услубий журнал. 4/1-2021. – Б. 46-49.

149. Норқўзиева М.А. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъминлашда шарқ мутафаккирлари фаолиятидан фойдаланиш.// Абай Қўнонбоев ва шарқ мутафаккирларининг педагогик карашлари халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Жиззах.: 2020. – Б. 285-288.

150. Норқўзиева М.А. Современный подход к формированию профессиональной устойчивости будущих учителей.// LXX International correspondence scientific and practical conference International Scientific Review of the problems and prospects of modern science and education (Boston. USA.: 2020) – С. 83-84.

151. Норқўзиева М.А. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбга муносабатини ўзгартириш – касбий барқарорликни таъминлаш гарови. //Yoshlarning innovatsion faolligini oshirish, ma'naviyatini yuksaltirish va ilm-fan sohasidagi yutuqlari” mavzusidagi 2-sonli Respublika ilmiy-onlayn konferensiyasi 25-iyul 2020-yil. – Б. 253-256.

152. Норқўзиева М.А. Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратга эга бўлишнинг мазмуни. // Academic Research in Educational Sciences Volume 3 | Issue 2 | 2022. – Б. 800-803.

153. Норқўзиева М.А. Ўқитувчилик касбида барқарорликни шакллантириш назарий асослари. //Таълим тизимида фан, инновация ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш истиқболлари Халқаро илмий-амалий онлайн конференцияси материаллари (2021 йил 20-ноябрь). – Б. 121-124.

154. Норқўзиева М.А. Ўқитувчилик касбида барқарорликни шакллантиришнинг мазмуни. //г.Новосибирск.: Международная конференция академических наук. 2021. – Б. 57-60.

155. М. Норқўзиева Бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил фикрлаш малакасини шакллантириш технологияси //Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: nazariya va amaliyot nomli 13-sonli ilmiy, masofaviy, onlayn konferensiya 2022 йил. – Б. 66-70.

156. Норқўзиева Манзура Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантиришда мустақил фикрлашнинг ўрни //Zamonaviy dunyoda pedagogika va psixologiya: nazariy va amaliy izlanishlar nomli № 11-sonli ilmiy, masofaviy, onlayn konferensiyasi 2022 йил – Б. 18-21.

157. Норқўзиева Манзура Oliy ta'lim muassasasida talabalarning kasbiy barqarorligini shakllantirishning mohiyati //ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент.: 2022. – №1/4/1 – Б. 129-131.

158. Овсянникова О.С. Формирование профессиональной устойчивости как задача подготовки студентов в вузе / О.С.Овсянникова // Азимут научных исследований: педагогика и психология. – 2016. –Т.: 5. – № 3(16). – С. 96-98.

159. Ожегов С. И. Словарь русского языка / под ред. Н.Ю. Шведовой. – М.: 1996. – С. 921.

160. Омонов Н.Т. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Тошкент.: Iqtisod-moliya, 2009. – Б. 240.

161. Олимова Д.Ш. Олий педагогик таълим тизимида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив кўникмаларини шакллантириш: Дис. пед. фан. ном. – Т.: – 2005. – Б. 158.

162. Олимпиада иштирокчилари ва уларнинг ўқитувчиларига пул мукофотлари ва устамалар //https://www.norma.uz/qonunchilikda\_yangi/olimpiada\_ishtirokchilari\_va\_ularning\_o'qituvchilariga\_pul\_mukofotlari\_va\_ustamalari.

163. Ортиқов А. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. – Тошкент.: Доно Ҳамро, 2002. – Б. 76.

164. Ортиқов Н. Миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантириш: Дис. пед. фан. док. – Тошкент.: –2000. – Б. 152-155.

165. Очилов М., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. Сайланма. – Тошкент.: Ўқитувчи, 1997. – Б. 56-62.

166. Очилова Б., Ахмедов Т. Жамият ва инсон: даҳлдорлик ва юксалиш омиллари. –Т.: Ижод-принт, 2020. – Б. 104-105.
167. Педагогик атамалар луғати, Тошкент.: ФА 2 Фан – 2008. – Б. 135.
168. Педагогика: энциклопедия. 2-жилд. /тузувчилар: жамоа. – Тошкент.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. – 2015. – Б. 368.
169. Педагогика: энциклопедия. III жилд. Жамоа // Тошкент.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. – 2017.
170. Petticrew, Mark. Systematic reviews in the social sciences: a practical guide/Mark Petticrew and Helen Roberts. H62.P457 2005 ISBN-10: 1-4051-2111-4 (pbk.: alk. paper)
171. Писаренко В.М. Роль психики в обеспечении эмоциональной устойчивости человека // Психологический журнал. –1986. – Том 7. – № 1. – С. 62-72.
172. Пивовар Т.В. Факторы формирования профессиональной устойчивости педагога /Т.В.Пивовар//Культурогенезные функции образования: развитие инновационных моделей: сб. науч. статей / отв. ред. Т.Н.Семенова. – Чебоксары.: Чуваш. гос. пед. ун-т, 2015. – С. 26-28.
173. Пидкасистый П.И. Организация Учебно-познавательной деятельности студентов. – Москва.: Педагогическое общество России. – 2005. – С. 144.
174. Пирмухамедова М. Педагогик маҳорат асослари. – Тошкент.: 2001. – Б. 123-126.
175. Платонов К.К. Структура и развитие личности. – М.: Наука. 1986. – С. 256.
176. Плотницкий Ю.М. Теоретические и эмпирические модели социальных процессов. – М.: ЛОГОС. 1998. – С. 280.
177. Подласый В.П. Педагогика. Учебник. – Москва.: Высшее образование, 2006. – 235 – С. 238.

178. Профессиональное воспитание – воспитание профессионалов. – [http://www.akvobr.ru/professionalnoe\\_vospitanie\\_vospitanie\\_professionalov.html](http://www.akvobr.ru/professionalnoe_vospitanie_vospitanie_professionalov.html) (дата обращения: 05.08.2019).

179. Раҳимов Б.Х. Бўлажак ўқитувчиларда касбий маданият муносабатларининг шаклланиши: Дис. ... пед. фан. ном. –Тошкент.: 2005. – Б. 161-163.

180. Рахматуллина Л.В. Воспитание нравственной устойчивости у младших школьников в ситуациях морального выбора: дис. ...канд. пед. наук / Л.В.Рахматуллина. – Казань.: 2002. – С. 185.

181. Рашидов Х.Ф. Теоретико-методологические и социально-педагогические основы развития среднего специального, профессионального образования в Узбекистане (на материалах реализации национальной программы по подготовке кадров). Дисс. ... докт. пед. наук. – Ташкент.: 2005. – С. 311.

182. Ржанникова О.В. Формирование профессиональной устойчивости студентов ИФК: дис. ... канд. пед. наук / О.В.Ржанникова. – М.: 1997. – С. 126.

183. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. СПб.: Питер. 2006. – С. 713.

184. Сайидахмедов Н.С. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. – Тошкент.: ЎзМУ қошидаги ОПИ. 2003. – Б. 78-82.

185. Самуйленков Ф. Мастерство, педагогический такт – это авторитет учителя. – Москва.: Просвещение. 1990. – С. 249.

186. Селевко Г.К. Педагогические технологии авторских школ. – Москва.: НИИ школьных технологий. 2005. – С. 192.

187. Семенов И.Н. Психология рефлексии в организации творческого процесса мышления.: Автореф. дис. . док.психол. наук. – Москва.: 1992. – С. 52.



188. Слостенин В.А., Исаев И.Ф., Шиянов Е.Н. Общая педагогика. Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. 2 ч. – Москва.: Гуманит. изд. центр. Владос. 2003. – С. 176.

189. Дроботенко Н.С., Макарова Н.В., Чекалева // <https://syberleninka.ru/article/n/современные-подходы-к-проблемам-профессионального-воспитания-студентов-педагогического-вуза>.

190. Стукалова О.В., Лазарев М.А. Особенности профессионального становления будущих педагогов в образовательной среде высшего учебного заведения//в журнале *Педагогика искусства (электронный журнал)*, 1012 г .№3, С.1-6 D

191. Султонова Г.А. Педагогик маҳорат. – Тошкент.: Низомий номидаги ТДПУ. 2005. – Б. 125-129.

192. Тайлаков Н.И., Акбаров Б., Жамолов А. Ўқувчиларни касб-хунарга самарали йўналтириш орқали умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунарга таълими узвийлигини таъминлаш механизмлари. // *Методик тавсиянома*. –Т.: 2017. – Б. 64.

193. Тарасевич И.В. Формирование интереса к будущей профессиональной деятельности у студентов вуза физической культуры: дис. канд. пед. наук / И.В.Тарасевич. – Челябинск. 2015. – С. 141.

194. Тожибоева Х.М. Ўқувчи ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг педагогик тизими: Пед.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD). ...дисс. автореф. –Т.: 2018. – Б. 42.

195. Толипов Ў.Қ. Олий педагогик таълим тизимида умуммехнат ва касбий кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари. // Пед. Фан. Докт. Дисс. – Тошкент.: 2004. – Б. 314.

196. Толипов Ў.Қ. ва бошқ. Касбий педагогика (маърузалар матни) / Ў.Қ.Толипов, Ш.Ш.Шарипов. – Тошкент.: 2001. – Б. 98.

197. Толипова Ж. Ўқитувчиларнинг компетентлигига қўйиладиган талаблар. *Методик қўлланма*. – Тошкент.: Фан ва технология. 2010. – Б. 125.

198. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Тошкент.: Фан. 2005. – Б. 206.
199. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси.
200. Туленова Г.Ж. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли (Ижтимоий-фалсафий таҳлил): Фал. фан. док. ...дисс. – Т.: 2006. – Б. 45.
201. Умаралиева Мухайё Абдугапаровна. Умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш. пед. фан. док. дисс. – Тошкент.: 2020. – Б. 137.
202. Umumiy oʻrta taʼlim muassasalarining oʻrnak koʻrsatgan xodimlarini ragʻbatlantirishning direktor jamgʻarmasini tashkil etish va uning mablagʻlaridan foydalanish tartibi toʻgʻrisida Nizom // <https://lex.uz/docs/4532496>
203. Umumtaʼlim maktabi oʻqituvchilarining ish haqi miqdorlari endi qanday oʻzgaradi?// <https://kun.uz/77709582?q=%2F77709582>
204. Уразова М.Б. Совершенствование технологии подготовки будущего педагога профессионального образования к проектировочной деятельности. Автореф. Дис. Док. Наук. Т.: 2015. – С. 45.
205. Уразова М.Б. Совершенствование технологии подготовки будущего педагога профессионального образования к проектировочной деятельности. Автореф. Дис. Док. Наук. – Ташкент.: 2016. – С. 80.
206. Усцеломова Наталья Александровна. Формирование профессионально-педагогической устойчивости будущих бакалавров физической культуры тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 13.00.08. кандидат наук. 2019.
207. Фалсафа. Қомусий луғат. 2004. – Б. 469.
208. Философский энциклопедический словарь. 2010. – С. 569.
209. Ҳайдарова О. Бўлажак ўқитувчиларни таълим жараёнига технологик ёндашувга тайёрлаш: пед. Фан. ... дис. – Қарши.: 2004. – Б. 182.
210. Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳамидов Ҳ. Педагогика тарихи. Т.: 2014. – Б. 304.

211. Холиқов А. Педагогик маҳорат. Т.: - 2011. – Б. 418.
212. Хомская Е.Д. Нейропсихология. СПб.: Питер. – 2005. – С. 496.
213. Холиқов А.А. Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ривожлантириш. пед. фан. док. дисс. – Тошкент.: 2020. – Б. 204.
214. Ходжаев В.Х. Umumiy pedagogika. Darslik. – Т.: Sano-standart nashriyoti. 2017. – Б. 416.
215. Хўжаева Н.И., Шоюспова А.У. Психиатрия. Тошкент.: ўқув адабиёти. 1995. – Б. 45.
216. Чельшева Ю.В. Профессиональная устойчивость современного педагога в работе с подростками асоциального поведения / Ю.В.Чельшева // Наука 21 века: вопросы, гипотезы, ответы – 2015. – № 6 (15). – С. 119-124.
217. Чориев Р. Янги педагогик технологиялар – таълим-тарбия сифати ва самарадорлиги омили // Халқ таълими. – Тошкент.: 2004. –№4. – Б. 12-18.
218. Чориев Э.Т. Трудовое воспитание в сельских школах Узбекистана. – Т.: Ўқитувчи. 1998. – С. 200.
219. Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти: Пед. Фан. Док. ...дис. – Т.: 2012. – Б. 307.
220. Шарипов Ш.С., Қўйсенов. О.А. ва бошқалар. Технология фанини ўқитиш ва психологик хизматни ташкил этиш инновацион технологиялардан фойдаланиш. // Ўқитувчилар учун методик қўлланма. –Т.: Муҳаммад полиграф МЧЖ. 2017. – Б. 80.
221. Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти: Пед. Фан. Док. ...дис. – Тошкент.: 2012. – Б. 264.
222. Шарипов Ш.С., Муслимов Н.А., Исмоилова М. Касбий таълим педагогикаси. Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ. 2005. – Б. 58.

223. Шодмонова Ш. Олий ўқув юрти талабаларида мустақиллик тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш (Касб таълими йўналиши мисолида) Пед. Фан. Док. Дисс. – Тошкент. – 2010. – Б. 340.
224. Шодиев Н.Ш. Студентларга ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўргатиш. –Т.: Ўқитувчи. 1987. – Б. 223.
225. Шоумаров Ў.Б. Оила психологияси. Ўқув қўлланма. – Т.: 2000.
226. Шоумаров Ў.Б. 1001 саволга психологнинг 1001 жавоби. – Т.: 2000. – Б. 67 – 89.
227. Эгамбердиева Н.М. Маданий инсонпарварлик ёндашув асосида талабаларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш назарияси ва амалиёти (Педагогика олий таълим муассасалари мисолида): Пед. Фан. Докт. Дисс. – Тошкент.: – 2010. – Б. 332.
228. Юзликаев Ф.Р. Система совершенствования начальной профессиональной адаптации молодых учителей: Дис... канд. Пед. Наук. – Казань.: 1985. – С. 259.
229. Яковлева Ю.В. Педагогическое обеспечение развития эмоциональной устойчивости будущих учителей: дис. ...канд. пед. Наук / Ю.В.Яковлева. Ярослав. гос. пед. ун-т им. К.Д.Ушинского. – Ярославль. 2015. – С. 237.
230. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 2006. – Б. 680.
231. Ўзбек тилининг изоҳли луғати (Ф ҳарфи) – Б. 344.
232. Ўзбек тилининг изоҳли луғати (Т ҳарфи) – Б. 75.
233. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти Тошкент.: – Б. 135. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-b/barqarorlik-va-ozgaruvchanlik-uz/>
234. ЎзМЭ. Т.: 2000. 1-том, – Б. 134.
235. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.: 2000. – Б. 530.
236. Ўзбекистон миллий энциклопедияси Т.: 2001. 2-том, – Б. 261.

237. Qosimov B. O‘qituvchilar nufuzi va mavqeini yuksaltirish Yangi O‘zbekistonda inson resursining shakllanishida hal qiluvi ahamiyatga ega// <https://xs.uz/uzkr/post/oqituvchilar-nufuzi-va-mavqeini-yuksaltirish-yangi-ozbekistonda-inson-resursining-shakllanishida-hal-qiluvi-ahamiyatga-ega>.

238. Курбонов Т. Ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда маданий мероснинг ўрни: Фалс. фан. номз. дис. Автореф. – Т.: 2009.

239. Курбонов Ш., Иноятов У., Сейтхалилов Э., Шарипов Ш., Юзликаева Э. Миллий таълим модели ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури: — Ислом Каримов модели – Ўзбекистон мустақиллигининг юксак ютуғи ва натижаси. – Т.: ТДПУ. 2013. – Б. 182.

240. Қўйсинов О.А. Компетентли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий педагогик ижодкорлигини ривожлантириш технологиялари: пед. Фан. Док. (Doctor of Science) ... дис. автореф. – Тошкент.: 2019. – Б. 70.

241. Ғозиев Э. Психология. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – Б. 224.

242. Ғозиев Э. Олий мактаб психологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – Б. 184.

243. <http://yandex.ru,TSB/Adaptatsion> яндекс.ру, ТСБ / Адаптацион

244. <http://биоворд.народ.ру/A/A046.хтм>

245. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/ijtimoiy-moslashuv-uz/>

246. <https://xs.uz/uzkr/post/oquvchilarni-kasbga-jonaltirish-muammolari-nega-bartaraf-bolmayapti>

247. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/model-uz/>

248. <https://ru.wikipedia>.

249. <https://www.wineinmoderation.eu/ru/o-wim/sotsialnaya-ustoichivost>

250. <https://www.syktyvdincbs.ru/writers/115/>

## ИЛОВАЛАР

### ИЛОВА № 1

#### *Биринчи курс талабалари билан ўтказилган сўровнома*

- Педагогиканинг мазмунини биласизми? Жавоб: ҳа ёки йўқ.
- Ўқитувчи бўлишни ўзингиз танлаганмисиз? Жавоб: ҳа ёки йўқ
- Ўқишга давлат гранти асосда кирганмисиз? Жавоб: ҳа ёки йўқ.
- Мактабда бирон бир ўқитувчига ҳавас қилганмисиз? Жавоб: ҳа ёки йўқ
- Дарснинг маъносини биласизми? Жавоб ҳа ёки йўқ.
- Таълим тушунчасининг маъносини биласизми? Жавоб: ҳа ёки йўқ.
- Таълим қонуниятларидан хабарингиз борми? Жавоб: ҳа ёки йўқ.
- Бу касбда узоқ ишлай оласизми? Жавоб ҳа ёки йўқ.
- Касбий маҳорат нималигини айтиб бера оласизми? Жавоб: ҳа ёки йўқ.
- Болаларни яхши кўрасизми? Жавоб: ҳа ёки йўқ.

### ИЛОВА № 2

#### *2- курс талбалари билан ўтказилган сўровнома*

- Ўқитувчилик касбини ёқтириб қолдингизми? Жавоб: ҳа ёки йўқ.
- Берилган топшириқларни ўз вақтида бажараяпсизми? Жавоб: ҳа ёки йўқ.
- «Биринчи муаллим» асарининг муаллифини биласизми? Жавоб: ҳа ёки йўқ.
- Жадидчиларни санаб бера оласизми? Жавоб: ҳа ёки йўқ.
- Буюк сиймоларнинг таълим-тарбияга оид қарашларини биласизми? Жавоб: ҳа ёки йўқ.
- Бу касбни пухта эгаллаб боришга руҳан тайёрмисиз? Жавоб: ҳа ёки йўқ.
- Ўқитувчи бўлиш истаги ўзгармадимми? Жавоб: ҳа ёки йўқ.
- Ўқитувчининг вазифаларини биласизми? Жавоб: ҳа ёки йўқ.
- «Буюк дидактика» асарининг муаллифини биласизми? Жавоб: ҳа ёки йўқ.

***3 – курс талабалари билан ўтказилган сўровнома***

1. Педагогик маҳорат нималигини биласизми? Жавоб: ҳа ёки йўқ.
2. Педагогик техникани ўз вақтида қўллай оласизми? Жавоб: ҳа ёки йўқ.
3. Ўқув амалиёти сизга ёқдими? Жавоб: ҳа ёки йўқ.
4. Ўқувчилар билан тил топиша олдингизми? Жавоб: ҳа ёки йўқ.
5. Ўқитувчилар фаолиятига бағишланган бадиий фильмлар ёқадими?  
Жавоб: ҳа ёки йўқ.
6. Сиздан яхши ўқитувчи чиқишига ишонасизми? Жавоб: ҳа ёки йўқ.
7. Синф раҳбарининг иш юритиш папкасида нималар бўлишини биласизми? Жавоб: ҳа ёки йўқ.
8. Методикани ўзлаштириб олдингизми? Жавоб: ҳа ёки йўқ.
9. Касб сирларини ўрганишга иштиёқ юқорими? Жавоб: ҳа ёки йўқ.
10. Новатор ўқитувчилар фаолиятини кузатиб борасизми? Жавоб: ҳа ёки йўқ.

***4- курс талабалари билан ўтказилган сўровнома***

1. Педагогик амалиётда қийналмадингизми? Жавоб: ҳа ёки йўқ.
2. Педагогик техникани ўзлаштириб олдингизми? Жавоб: ҳа ёки йўқ.
3. Педагогик маҳоратни эгаллашга иштиёқ борми? Жавоб: ҳа ёки йўқ.
4. Ўқувчиларни бошқара олдингизми? Жавоб: ҳа ёки йўқ.
5. Дидактик асарларни ўқиб борасизми? Жавоб: ҳа ёки йўқ.
6. Таълим мазмунини белгилаб берувчи ҳужжатларни санаб бера оласизми? Жавоб: ҳа ёки йўқ.
7. Бугунги кунда фаолият олиб бораётган педагог олимлардан 10 тасини айтиб бера оласизми? Жавоб: ҳа ёки йўқ.
8. Ўқитувчилик жуда қийин, қийинчиликларни енга оласизми? Жавоб: ҳа ёки йўқ.
9. Энг яхши ўқитувчи бўлиш истаги борми? Жавоб: ҳа ёки йўқ.

10. Ўқитувчилик касбида барқарор, бахтиёр фаолият олиб боришга тайёрмисиз? Жавоб: ҳа ёки йўқ.

#### **ИЛОВА №5**

##### ***Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантиришга йўналтирилган талаблар***

Олий педагогик таълим муассасаларида педагогик жараёни амалга оширишда талабаларнинг ўқув касбий фаолиятларини барқарорлаштириш кўйидагича талаблар остида амалга оширилди:

1. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш жараёнларини лойиҳалаштириш, режага асосан олиб бориш, ташкилаштириш, назоратни амалга ошириш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, ушбу жараён қатнашчиларига таъсири орқали амалга ошириб борилди.

2. Белгиланган вазифага эришиш учун мақсадлар белгиланди.

3. Педагогик жараёнда турғун фаолиятни олдиндан режага мувофиқ олиб бориш, рўёбга чиқариш йўл йўриқларини танлаш, қарор қабул қилиш амалга ошириб борилди.

4. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш жараёнларини самарали амалга ошириш учун педагогик амалиётга энг яхши мутахассислар раҳбар қилиб тайинланди.

5. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш жараёнлари самарадорлигининг динамикасини топиш учун педагогик ходимлар ва талабалар билан биргаликда анкета сўровлари ва мулоҳаза ўтказилди, ахборотлар йиғилди ва анализ қилинди.

#### **ИЛОВА № 6**

##### ***Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантиришдаги жараёнларининг функционал вазифалари***

1. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш учун жамоада зарурий шарт-шароитларни яратиш.

2. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш учун педагогларни шу фаолият мазмунига мослаштириш.



3. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш учун таълим муассасаси билан маҳалла, ота-оналар ва умумтаълим мактабларининг ҳамкорликларини таъминлаш.

4. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш учун таълим-тарбия самарадорлигини таъминлаш, талабаларнинг педагогик маҳоратини доимий равишда ошириб боришлари учун педагогик жамоада масъулият билан ёндашиш амалга ошириб борилди.

5. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантиришда инновацион ёндашувларни ташкил этиш орқали талабаларда касбий барқарорлик кўникмаларининг натижаларидан қониқиш хисси ривожлантирилди.

#### **ИЛОВА № 7**

##### ***Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш жараёнларига тизимли ёндашув***

Талабаларни моддий рағбатлантиришга асос бўладиган билим, кўникма ва малакасини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этувчи педагогик жараёнларни мураккаб педагогик тизим сифатида ҳисоблаб, унга тизимли ёндашувни жорий этиш.

Талабаларни узлуксиз педагогик амалиётга жалб қилиш асносида улар учун нафақат назарий, балки педагогик амалий муаммоларни мувафақиятли ҳал этиш қобилиятларини шакллантириш.

Талабаларга ўз шахсини ривожлантиришга имконият яратадиган педагогик жараёнларда шарт-шароитлар яратиш.

#### **ИЛОВА № 8**

##### ***Замонавий ўқитувчининг касбий сифатларига қўйиладиган талаблар***

Педагогик ходимлар етишиб чиқишига асосланган талаб шартлари бўлажак ўқитувчи моделида акс топмоғи керак. Бу модел бўлажак педагогларнинг касбий-шахсий тайёргарлигига оид талабларни инобатга

олган ҳолда бажарилиши лозим. Ушбу модел учта бир-бирига боғлиқ таркибий қисмдан ташкил топган:

1. Бўлажак ўқитувчининг профессионал касбий сифати;
2. Билим олувчи шахсини доимий равишда такомиллаштириш ҳақидаги билимлар кўлами;
3. Педагогик жараёни яратиш учун муҳим кўникма ва малакалар.

Бу фикр мулоҳазалар ўзаро боғлиқ бўлиб, педагогнинг фаолият олиб боришни ва ўқув жараёнини бошлашга оид ҳаракатини билдиради. Ўқитувчининг касбий сифатлари сирасига: ғоявийлик; эътиқодлилиқ; педагогик фаолиятга интилиш, унга қизиқиш; педагогик вазифаларни ижодий аснода ҳал қилишга доир эҳтиёж; юқори ахлоқий сифатлар билан бойитиш мумкин. Ушбу жумлалар педагогнинг ўзи ва ўқувчиларига ўртасидаги алоқаларда ўз ифодасини топади.

Ушбу моделнинг иккинчи қисмида ўқувчи шахсини ривожлантириш жараёнини ташкил этиш тўғрисидаги билимлар йиғиндисидан ўз аксини топган. Бўлажак ўқитувчи ўқувчи шахсининг ривожланиш қонуниятларини ёдда сақлаши, уни шакллантириш воситалари тушунчаси тариқасида маълумотга эгаллиги, унга тақдим этиладиган илмларнинг ўқувчи шахсини тараққий этишидаги аҳамиятини идрок қилиши шарт.

Моделнинг учинчи қисмида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик малакалари жой эгаллаган. У таълим олувчилар узвийликда ишлашда илмий билимлар жумласида ўзининг серҳаракат ҳаётий назарини ифода қилиши учун қуйидагилардан фойдаланиши жоиз:

- ўқувчи шахси ва унга доир айрим сифатларини комплекс методикалар орқали ўрганиб чиқиш;
- ўқувчи шахси ва улар командасини шакллантиришни лойиҳалаш тариқасида ташкиллаштириш;
- таълим жараёнини режалаш ва амалга тадбиқ этиш;
- ўқув-билув жараёнида ўқувчиларни тарбиялашга ундаш;
- ўқув-тарбия жараёнини назоратни амалга ошириш;

- ўқувчиларнинг ақлий тафаккур қилишлари учун мезонларини танлаб, бу соҳада юқори натижага эришиш;
- ўқувчиларга қатъий, ахлоқий меъёрий талабномани шакллантириш;
- ўқувчилар жамоасида қулай педагогик аурани шакллантириш;
- ўз фаолиятини режалаб амалга тадбиқ этиш.

Таълим соҳасида қилинаётган туб ислохотлар бугунги даврда таълим жараёнини лойиҳалашга янгича қарашни талаб этмоқда.

## **ИЛОВА № 9**

### ***Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини***

#### ***таъминлашнинг педагогик-психологик жиҳатлари***

Ҳозирги кунда таълим тизимининг жами бўғинлари учун педагогларни етиштиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Таълимнинг барча бўғинларида билим бераётган ўқитувчилар юқори компетентликка эгаллиги билан бирга, илғор инновацион педагогик ва коммуникацион технологияларни тўлиқ ўзлаштирган, замонавий тажрибага эга бўлган ва ўз билимини ёш авлодларга етказиш имкониятини ўзида мужассамлаштирган бўлиши даркор. Маълумки, бугунда жаҳоннинг барча мамлакатларида анъанавий таълим тизими билан бирга масофавий таълим шаклида таълим бериш зарурияти мавжуд. Шу даврда замонавий ахборот коммуникацияларини сифатли ўзлаштира олмаган ўқитувчилар муаммоларга дучор бўлади. Бу педагогик-психологик жиҳатдан ўқитувчига ноқулайликларни туғдиради.

Маҳоратларини шакллантиришда бўлажак ўқитувчиларни педагогик фаолиятга тайёрлаш, касбий барқарор, жамиятда етакчи, педагогик дунёқарашни юқори касбий масъулияти ва вазифалари билан педагогик қобилиятлар тўлиқ даражада етказиш ишлари тадбиқ этилади. Бунда ҳар бир ўқитувчи касбини эгалламоқчи бўлган шахсга жамиятда ўзлигини қандай топиши борасида маълумотларга эга бўлиши билан бирга ижтимоий ҳаёт билан узвийликда бўлган педагогик фаолият шакллантирилади. Мисол учун ўқитувчилар фаолиятига доир кўпгина бадийий фильмларни намойиш этиш

орқали бўлажак ўқитувчиларни руҳан касбий барқарорликка эришиш мотивациясини шакллантириш мумкин. («Француз тили дарслари», «Ўлик шоирлар жамияти», «Ўқитувчи ўрнига», «Хурматли Елена Сергеевна», «Абдулла Авлоний» каби фильмлар)

Бугун замонавий қиёфага эга бўлган ўқитувчи ўзини тўлақонли сифат жиҳатидан ўзгартира олган, ижодкорлик қобилиятларини барчасини ўзида мужассамлаштирган, юксак маънавиятга эга ва шахсий педагогик концепциясини яратган бўлиши даркор. Буни бўлажак ўқитувчиларга етказишда олий таълим ўқитувчисидан юксак мавқеъги билим ва педагогик маҳорат керак. Буларни амалга ошириш учун олий таълим ўқитувчиси талабаларга:

«Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун моҳиятини тингловчиларга етказиб бериши;

Педагогик фаолиятнинг мазмунини етказишда замонга хос талабларни инобатга олиши;

Таълим мазмунинга замонга мос ёндашуви;

Таълим ва тарбия қонуниятлари билан ҳамнафас уларнинг мазмунига тушунтириш бериш;

Таълим жараёнига руҳан тайёргарлик кўриш;

Диққатни тақсимлаш малакасини ошириш;

Таълим мазмунини идрок этишга ундаш;

Хотира машқини бажаришга одат тусига айлантириш;

Ҳис-туйғуларни вақтида жиловлашга, бошқаришга ўргатиш;

Иродасини чиниктириш каби машқларни ўргатиб бориши муҳим роль ўйнайди.

Шу билан бир қаторда мотивациянинг ўрнига ҳам алоҳида урғу бериш аҳамиятли ҳисобланади.

Мотивация-(лот. movere)-ҳаракатни уйғотмоқ; руҳий-физиологик режанинг динамик жараёни, инсон ҳаракатини бошқариш, мақсад сари бошловчи восита, ташкиллаштириш, фаоллик ва чидамлилик каби

маъноларни билдиради. Мотивация ҳис-туйғуга, ишонч эса ақлга хосдир. Мотивация шахсга танлаш имкониятини бериб, уни бирор юмушга асло мажбур қилмайди. У бу юмушни ўз ички кечинмаларидан келиб чиққан ҳолда, фаол амалга оширади.

Педагогик тизимда серҳаракат фаолият юритиш имконияти, биринчи навбатда, олий таълимда яратилиши лозим. Бунда:

Талабаларга педагогик соҳага доир билимларни етказишда олий таълимнинг ички инфратузилмаси жаҳон стандарт меъзонларига тўлақонли жавоб бермоғи лозим;

- ахборот ресурс марказида дарсликларнинг янги авлоди, талабаларга мунтазам тақдирот шаклида тавсия этилиши керак.

Профессор – ўқитувчилар ва бўлажак ўқитувчилар тўла-тўқис фаолият юритишлари учун ўқув лаборатория ва аудиториялари, ахборот ресурс марказлари, спорт заллари, маданият заллари ёзда салқингина, куз киш ойларида иссиқ бўлиши керак.

Ҳар бир ўқув хонаси замонавий ахборот ва телекоммуникацион воситалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

Ўқитувчиларни доимий равишда моддий жиҳатдан рағбатлантириш тизими яхши йўлга қўйилган бўлиши ва такомиллаштирилиб бориши шарт.

Ҳар ўқув йилининг охирида 13-маош ҳаққининг тўлаб берилиши, педагогларнинг саломатлигини назорат қилиш ва уларнинг ўз вақтида даволаниши учун керакли чора-тадбирларни кўриши, маблағлар орқали таъминланиши педагогик фаолиятга ижобий таъсир этади.

Профессор-ўқитувчилар фаолиятига аралашмаслик, уларнинг эркин фаолият олиб боришларига имкон бериш, ортиқча текширувлар, қоғозбозликдан қутқариш, қотиб қолган эски қадриятдан чиқишига имкон беришда видео кузатувлардан хулоса чиқариш шарт.

***Бўлажак ўқитувчиларнинг касбга муносабатини ўзгартириш -  
касбий барқарорликни таъминлаш гарови.***

Бугунги кунда жамиятда пайдо бўлаётган муаммоларга мустақил, ностандарт, ўзига хос ечим топа оладиган шу билан бир қаторда умуминсоний қадриятларга тўлиқ амал қиладиган ўқитувчи шахсига эҳтиёж кун сайин ошиб бормоқда.

Ўқитувчи шахсига бўлган эҳтиёж жуда қадимдан то бугунги кунга қадар ўз қийматини йўқотгани йўқ. Бунда нафақат оддий одамлар, файласуфлар, шоирлар, ёзувчилар, саркардалар ва давлат раҳбарлари ўқитувчига ҳурмат билан қараган. Улар ўқитувчини ўзларининг устозлари, пирлари деб билишган. Ўқитувчиларни ҳурмат билан мураббий, устоз, муаллим каби сўзлар билан ардоқлаган. Ота-боболаримиз ўқитувчиларни зиё тарқатувчилар деб билишган ва уларга ўз фарзандларини ишониб топширишган.

Буюк ном билан ардоқланган устозлар мактабга илк бор ўзининг жажжи қадамини босган болажонларнинг қадамини пойқадам деб кўзларига суртишган. Болаларнинг қўлидан ушлаб илк бора ҳарфларни ёзишга ўргатган. Шу билан бир қаторда улар ўзидаги бор билимни болаларга бериш, ўргатиш баробарида уларга илк бора дунёнинг гўзаллигини англашга ўргатган.

Бугунги кунда таълим муассасаларининг ўзгарувчанлиги, таълим муассасалари таркибнинг хилма-хил бўлиб боришини, инновацион жараёнлар ва уларнинг замонавий таълимга таъсирини инобатга олган ҳолда ёшларни таълим муассасаларига тайёрлаш эҳтиёжи юзага келмоқда. Шунининг инобатга олган педагогика олий таълим муассасалари бўлажак ўқитувчининг фаолиятини шакллантиришга янги қараш керак.

Бўлажак ўқитувчилар таълим муассасаларига ишга боргунларига қадар педагогик технологияларни пухта эгаллаши, касбий фаолиятга оид ўзининг ёндашувини белгилаб олиши, ўз фикрига эга бўлиши ва ўз

фикрларини ҳимоя қила олиши, зарур пайтларда ўз фаолиятини тўғри баҳолаши ва қабул қилинган қарорлари учун жавобгарликни ўз бўйнига олишга тайёр бўлиши керак.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъминлашда кўйидаги мезонларга таяниб иш олиб бориш муҳимдир. Булар:

- педагогик кадрларга ҳурмат билан ёндашиш;
- педагогик фаолиятга ижодий ёндашиш;
- услубий билимларни эгаллаш;
- педагогик фикрлаш;
- таълим-тарбия жараёнига инновацион ёндашув.

Бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантириш учун ижтимоий фаолиятнинг шаклларида бири сифатида шахснинг кадрлар йўналиши ва ахлоқий фаолиятининг ўзаро боғлиқлигига эътиборни кучайтириш керак.

Чунки ижтимоий фаолият жараёнида ўқувчиларнинг турмуш шароитини мажмуавий баҳолаш, улар билан ишлаш режасини тузиб чиқиш, ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда ижтимоий ёрдам беришнинг оптимал шакллари аниқлаш ва қўллаш;

оғир турмуш шароитида бўлган болаларга, комплекс ижтимоий ҳимоя қилинишини ташкиллаштириш, ногиронлиги бўлган болаларга шахслар ва гуруҳларга салбий таъсир кўрсатувчи қийинчиликларни англаш ҳамда уларни бартараф этишда кўмаклаша олишни билишлари керак.

Ахлоқий фаолиятда бўлажак ўқитувчининг ахлоққа оид қарашлари шаклланиши баробарида у ахлоқнинг, тарбиянинг йўналишини, мазмунини, ифода шакллари, шахснинг ахлоқий ўзини-ўзи такомиллаштириш воситаларини билиб олади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъминлаш учун, биринчи навбатда, улар мактабда дарс беришга тайёр бўлиши керак.

Иккинчи навбатда, талабада болалар билан ишлаш кўникмаси пайдо бўлмаган, уни шакллантириш ва ривожлантириш керак.

Учинчи навбатда, аксарият талабалар болалар психологиясини билмайди. Болалар психологиясини билмасдан туриб болалар билан мулоқатга кириша олмайди.

Тўртинчи навбатда, коммуникатив мулоқот тизими шаклланмаган.

Талабалар эртанги кунда таълим муассасаларида фаолият юритишлари учун, уларга режалаштирилаётган касбий лицензиялаш тартибини тўлиқ тушунтириш керак бўлади.

Ўқитувчилар фаолиятини лицензиялаш деганда, малакали, билимли, педагогик маҳоратга ва кучли психологик билим кўникмага эга ўқитувчиларни танлаб олишни тушунтириш керак. Бўлажак ўқитувчиларни касбга мослаштириш ва барқарорлигини таъминлашда олий таълимнинг хизмати катта. Шунинг учун олий педагогик таълимда ҳар бир талаба ўзининг келажагини ўйлаб ўз устида тинимсиз меҳнат қилсагина, иш жойини сақлаб қолишга эришади.

## **ИЛОВА № 11**

### ***Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантиришга замонавий ёндашув.***

Бугунги кунга келиб, илмий қарашлар ва илмий исботлар, далиллар шундан далолат бермоқдаки, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъминлашда назарий таҳлил ва уларга таянган ҳолда фикрларни умумлаштириш ҳамда бир яхлит тизимга келтириш бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъминлашда қуйидагиларга эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади. Булар:

– бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлашувини таъминлашда шахс, жамият ва таълим муассасаларида мавжуд талаб ва эҳтиёжларини инобатга олиш;

– бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъминлаш таълим ҳамда ижтимоий муҳитга боғлиқлиги;

– бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъминлаш шахс психологиясидаги бошқарув тизимига ҳам боғлиқ. Шунини эътиборга олган



ҳолда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъминлаш қуйидаги ишларни амалга оширишни ҳам тақозо этади. Булар:

– бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъминлашни амалга оширишда таълим жараёнининг самарадорлиги муҳимлиги билан ажралиб туради;

– бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъминлаш учун таълим жараёнини такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади;

– бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъминлашда рефлексив бошқарувнинг шартлиги;

– бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъминлашда педагогик ҳамда хусусий-методик билим, кўникма ва малакасини шакллантириш етакчи ўринлардан бирида туриши шартлиги;

– бўлажак ўқитувчиларнинг касбий етуқлигини шакллантиришга хизмат қиладиган педагогик шароитларни тўғри аниқлаш;

– бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъминлашда таълим-тарбия жараёнига интегратив қарашнинг муҳим эканлиги кафолат гарови ҳисобланади.

Демак, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъминлаш жараёнига интегратив ёндашувни ҳеч иккиланмасдан олиб кириш талабаларни касбга янада қизиқишларини орттиради.

«Интеграция» - ўқитишнинг мақсад ва омилларини бир бутун қилиб бирлаштириш.

Интегратив функция - бу функция умумтаълим ва касбий таълимни боғловчи звенодир. Бунда таълим мазмунидаги барча ташкил этувчи элементлар мажмуасини - билим, кўникма, малака, меъёр, педагогик тизимларни ўзида мужассамлаштиради.

Интеграциялаш - лотинча «integer» - умумийлик, «integerara» - умумийликни тўлдириш, яратиш, тиклаш демакдир. Таълим мазмунидаги

уйғунликларни таъминлаш муаммолари интеграциялашнинг шуғулланадиган соҳаси ҳисобланади.

У тушунчаларни умумлаштиришни ўргатиш, таълим ва тарбияда билимлар, тушунчалар, кўникмалар ҳамда малакаларни шакллантиришларни умумлаштириб, қонун ёки қоида кўринишига келтиришни амалга оширади.

Интеграциялаш тушунчаси муҳим илмий термин бўлиб, у умумлаштириш, хулосалашларда методологик восита бўлиб ҳисобланади, чунки унинг ёрдамида жараён ва ҳодисалар мазмунлари орасидаги умумий уйғунлик алгоритмлари яратилади.

Педагогик тадқиқотларда тадқиқот объекти ва методологиясига тегишли маълумотлар ўртасидаги алоқадорликларни ўрнатиш (функционал боғланишларни) масалаларини ҳал этишда интеграциялашдан фойдаланилади.

Тадқиқот ишларни бажаришда ва турли фанлардаги таълим мазмунларини умумлаштириш ва тўлдиришда интеграциялаш жараёни доимо қўл келади ва кўзланган мақсадга эришишни кафолатлашга ёрдам беради<sup>1</sup>.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда фанлараро алоқадорлик жараёнида фундаментал, хусусан, педагогик ва хусусий-методик билимларни эгаллашда фанлараро чамбарчас боғлиқликни таъминлаш масаласини анализ этишда уларнинг методологик асослари борасида тўлақонли маълумотларга эга бўлиш керак. Педагогика йўналишидаги олийгоҳлар талабаларни касбий барқарорликка ўргатишда бизнинг фикримизча қуйидагиларга амал қилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари, Таълим вазирликларининг буйруқлари жамиятда ўқитувчиларнинг обрўсини тиклаш ва мавқеини

---

<sup>1</sup> Ж.Ҳасанбоев, Х.Тўракулов, Н.Усманов. Педагогика фанидан изоҳли луғат. Тошкент - 2009 182 – 184 бб

оширишга қаратилган саъйи-ҳаракатлар талабаларга интегратив ёндашув асосида тушунтириб берилса, уларда кўтарилган масаланинг моҳиятини тезда англаб олади.

Педагогика муассасаларида таҳсил олаётган бўлажак ўқитувчилар эртанги даврдаги фаолиятларини ва имкониятларини тўла-тўқис идрок қилиш имкониятига эга бўлишди.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини, билимини, барқарорлигини шакллантириш борасида юқоридаги фикрлар доимо талабаларнинг диққат марказида туриши керак.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъминлашда:

- бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик дунёқарашини таркиб топтириш ҳамда таълим тизимига мақсадли ёндашув, ҳиссини уйғотиш;
- бўлажак ўқитувчиларда интеллектуал салоҳиятни шакллантириш;
- бўлажак ўқитувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантириш;
- бўлажак ўқитувчиларда педагогик фаолиятга нисбатан жавобгарлик ҳиссини ошириш;
- бўлажак ўқитувчиларда касбий билимларни эгаллашга масъуллиқ ҳиссини ошириш;
- бўлажак ўқитувчиларда ўз касбида барқарор фаолият юрита олиш малакасини шакллантириш зарурияти бор.

Бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни таъминлаш-педагогик фаолиятнинг узлуксиз жараёни бўлиб, унда ҳар бир профессор-ўқитувчи талабаларни ўзлари танлаган касбга нисбатан янада меҳрини уйғотиш билан бир қаторда педагогиканинг сир-асрорлари билан яқиндан таништириб бориши муҳим омил ҳисобланади.

## **ИЛОВА № 12**

### ***Ўқитувчи касбида барқарор фаолият ва унинг асослари.***

Ўқитувчилар ўз касбларида барқарор фаолият юритиши бугунги кунда ўз долзарблигини йўқотган эмас. Бўлажак ўқитувчилар ўз касбида барқарор фаолият олиб боришлари учун, давлатимиз барча шарт-

шароитларни яратиб бермоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5264-сонли Қарорлари, 2018 йил 25 январдаги «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5313-сонли Фармони ва бошқа ушбу соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган.

Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан таълим тизимига ўзига хос тарза ёндашув амалга оширилмоқда. Мисол учун, Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йилнинг 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев инновацион ва креатив фикрлайдиган замонавий кадрлар тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари этиб тарбиялаш масалаларида нималарга эътибор қаратиш кераклиги таъкидланди. Президент Ш.М.Мирзиёев йиғилишда улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактабдир» деган фикрини алоҳида таъкидлаб, бу масаланинг моҳиятини ёритиб берди. Бу фикрлардан таълим тарбия жараёнларида кенг ва мақсадли фойдаланиш талабаларда касбий барқарорликни шакллантиришга замин яратади.

Шахсининг «касбий барқарорлиги» тушунчасини биринчи марта 1965 йилда К.К.Платонов киритди. К.К.Платонов касбий барқарорликни тўлақонли тушуниш учун учта моделни таклиф қилди:

1.бўлажак ўқитувчиларда танланган касбининг нақадар муҳим аҳамият касб этишини; Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи мисолида касбга оид барқарорлик кўникмаларини шаклантириш яхши натижа беради.

*Буюк юнон олими Аристотелнинг «Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади»,* деган мулоҳазалари мавжуд. Эътибор қилсангиз, бу ғоялар милoddан аввал тилга олиган. Дарвоқе, инсоният онг орқали ҳаёт кечира бошлаган даврдан буён таълим ва тарбия масаласи доимо муҳим аҳамият касб этмоқда. Бир мулоҳаза қилсак, дунёдаги тараққий этган мамлакатлар қандай қилиб юксак тараққиёт ва турмуш фаровонлигига эришмоқда? Даставвал, илм-фан ва таълимга оид улкан эътибор туфайли эмасми? Шунинг учун ҳам сўнгги пайтларда юртимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, янги Ўзбекистонни яратиш мақсадида барча соҳалар сингари таълим тизимида ҳам изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бу борада ўнлаб муҳим фармон, қарор ва дастурлар қабул қилингани ҳаммага яхши таниш. Мана, куни кеча тасдиқланган «Таълим тўғрисида»ги қонун ушбу соҳа тараққиётида, ҳеч шубҳасиз, янги марраларни очди. Қонунга мувофиқ, таълим олишнинг масофавий, инклюзив шакллари жорий этилди, таълим ташкилотларига хорижий муассасалар билан қўшма факультет ва ўқув марказлари ташкил қилишга руҳсат берилиб, ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Шунингдек, ўқитувчиларга муаллифлик дастури ва таълим бериш услубларини жорий қилиш, замонавий педагогик шакллар, ўқитиш ва тарбия усулларини эркин танлаш ҳуқуқи берилди. Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълимга оид ислоҳотлар орқали **Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс** пойдеворини яратишни ўзимизга олий мақсад қилиб белгиладик. Давлат раҳбарининг фикрлари ҳаётда ўз аксини топиши учун биз педагоглар томонидан қуйидаги ишларни амалга оширишимиз мақсадга мувофиқдир. Булар:

- ёшлар тарбиясига миллий ва умуминсоний кадриятлар доирасида ёнлашувни амалга ошириш;
- ёшларни онгли ҳаёт тарзига одатлантириш;
- дунёдаги ривожланган давлатларнинг юксак тараққиёт ва турмуш фаровонлигини ёшларга кўрсата олиш;
- илм-фан ва таълимга эътиборни янада кучайтириш;
- **Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс** пойдеворини яратиш;
- ёшларни буюк боболарнинг издошлари қилиб тарбиялашни амалга ошириш.

Бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантириш жараёнларида юқорида қайд этилган масалаларни уларнинг онги ва қалбига сингдириш масаласи етакчилик қилади. Бунинг учун, биринчи навбатда, миллий ва умуминсоний кадриятлар доирасида нима ишлар қилиниши кераклигини белгилаб олишимиз шарт. Фалсафа қомусий луғатда кадрият тушунчасига қуйидаги таъриф келтирилган. «Кадрият – воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маърифий мазмунини ёритиш учун ишлатиладиган фалсафий-социологик ва аксеологик тушунча». Жамият, инсон ва инсониятга хос аҳамиятли бўлган жамийки нарсаси, ҳодисаси ва воқеалари: эркинлик, эзгулик, тенглик, тинчлик, ҳақиқат, маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар, обида-ёдгорлик, гўзаллик ахлоқий хислат ҳамда фазилатлар, анъана, урф-одат, удум ва бошқалар ҳисобланди.

Бизнинг фикримизча, бўлажак ўқитувчиларда мустаҳкам касбий барқарорликни шакллантиришда талаба шахсининг психологик барқарорлиги муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам талабаларнинг фаолияти ва хулқ-атворининг барқарорлиги уларнинг ўзига бўлган ишончини таъминлайди.

Бунинг учун бўлажак ўқитувчилар билиши зарур:

- жамоанинг маънавий бирлигидаги барқарорликнинг аҳамиятини;

- касбий позициясини ўзгартирмасликни;
- маънавий тадбирларни амалга ошириш натижасида жамоанинг ҳаракатчанлиги-иқтисодий, ташкилий ва ижтимоий жипслигининг таъминланишини;
- ижобий мотивациялар миқдор (маҳсулдорлик), сифат (мукамаллик), жиҳатларидаги барқарорликни;
- ўқитувчилик касбида ўзини-ўзи бошқариш тизимининг йўлга қўйилганлигини;
- ўқитувчилик касбининг барқарорлигига салбий таъсир этувчи омилларни ўрганиб бориш йўлга қўйилганлигини;
- ўқитувчи фаолиятига мос келмайдиган ортиқча юкламаларнинг бартараф этилишини;
- ўқитувчиларни тайёрлашда инновацион технологияларнинг такомиллаштирилиши зарурлигини;
- бўлажак ўқитувчи ўзи танлаган касбининг шарафли эканлигини;
- бўлажак ўқитувчиларга қўйилаётган талабларни;
- касбий фаолият ва касбий барқарорлик муаммосига интегратив ёндашувни;
- ўқитувчилик фаолиятига таъсир этувчи ҳиссий, ҳиссий-иродавий, ахлоқий, ақлий билим даражаларининг мукамал бўлишини эртанги кунда касбда барқарор фаолият юритишга асос бўла олади.

Бугунги кунда бўлажак ўқитувчиларни касбда барқарор фаолият юритишга тайёрлашда қуйидаги тавсияларга амал қилиш яхши натижалар беради.

Педагогика олий таълим тизимида болаларни мактабдан бошлаб тайёрлаш ва танлаб олиш механизмини такомиллаштириш зарур. Чунки, мактабда ўқиётган болалар педагог касбининг ташқи томонини билишсада, унинг ички жиҳатларини билмаганликлари боис ҳам тўлақонли тушунчага эга эмас.

### *Ўқитувчининг касбий турғунлиги*

Ўқитувчининг касбий турғунлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ўқитувчининг касб танлашида ўз танловининг тўғрилигига ва асослигига ишонган ҳолда узоқ вақт давомида фаолият кўрсатишидир деб талқин қилинади. Меҳнат жамоасини тадқиқ қилишда касбий турғунлик кадрларнинг аниқ ва бир маромда потенциал оқувчанлигига асосан аниқланади.

Ўқитувчи кадрларнинг потенциал оқувчанлигида – ишини ёки ўз касбини ўзгартиришни хоҳловчи педагогларнинг миқдорий ва сифат даражаси таркиби ҳисобга олинади. Бунда таълим муассасасида ёки бирор лавозимда узоқ вақт меҳнат қилган ходимларнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичи ҳисобга олинади. Касбий турғунликнинг аҳамияти ўқитувчиларнинг меҳнат фаолиятини аниқ бир қолипга солиб ўрганишда муҳим роль ўйнаётган экан, унинг қуйидаги жиҳатларига эътибор қилиниши лозим:

- ўқитувчида иш жойини ёки касбини ўзгартириш истагининг мавжудлиги ва ифодаланганлик даражаси;
- ўқитувчининг ўз касбини ўзгартиришига туртки бўлган сабаблар ёки шарт-шароитлар;
- бошқа бирор касбни танлаб, унда ишлаш истаги туртки бўлган ходисалар ёки воқеалар;
- ўқитувчининг бир жойда узоқ вақт педагогик фаолият олиб боришининг асосий мотивлари ва сабаблари;
- янги касбни танлаб, унда муваффақиятли фаолият олиб боришга туртки бўлган мотивлар ва сабаблар. Ўқитувчилик касбини ўзгартиришни истамаган ҳолда, педагогнинг ўз иш жойини тез-тез ўзгартириш ҳолатлари алоҳида таҳлил қилинади.

Ўқитувчининг касбий турғунлиги кўпинча «таълим муассасасига боғланиб қолганлик» ибораси билан изоҳланади. Ўз касбига нисбатан



меҳр-муҳаббати туфайли таълим муассасасига боғланиб қолиш-бу ўқитувчилар жамоаси билан бирлашиб кетиш туйғуси, таълим муассасасига даҳлдорлик, жавобгарлик ҳисси, таълим муассасасини кадрдон уйи сифатида қабул қилганлиги учундир. Интеллектуал даражада таълим муассасасига боғланиб қолиш ўқитувчилар жамоасининг кадриятларини, унинг истиқбол режаларини ривожлантириш ғояларини онгли равишда қабул қилиш, таълим муассасаси маъмуриятининг обрў-эътибори, ютуқ ва камчиликларини ўзиники деб билиш, жамиятимиз томонидан таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларни таълим муассасаси ҳаётига татбиқ этиш, таълим муассасаларида замонавий талаблар даражасида интеграцион янгиликларни, ахборот технологияларини жорий этишга интилиш, соғлом турмуш тарзини яратишга уринишда, болаларга меҳр қўйиб улар билан ишлаш истагида ва бошқаларда намоён бўлади. Таълим муассасасига қизиқиш билан боғланиб қолишлик ишга киришувчанликни, меҳнат фаоллигини оширишни, ўз касбига садоқатли бўлишни, қизиқишни талаб этади. Айниқса, фаоллик-бу ўқитувчининг атроф-муҳит билан ҳаётий муҳим алоқаларини ижодий йўналтириш ёки ўзгартиришни амалга оширувчи хусусий динамикаси дир.

Ўқитувчининг фаоллиги унинг субъективлиги ифодаси сифатида икки йўналишда олиб борилади: меъерий ҳолатларни юзага келтирувчи жамиятимиз талабларига тез мослашувчанлиги (адаптивлик), ҳар қандай салбий, зиддиятли ҳолатлардан чиқишда, қийинчиликларни мустақил равишда ўзи енгишида, ўз тажрибасига ва билимларига таянган ҳолда янгиликлар ярата олиш имкониятини берувчи креативлигида намоён бўлади.

## **ИЛОВА № 14**

### **Амалиётга чиққан талаба билан олиб борилган анкета**

#### **сўровномаси**

#### **( педагогик амалиётнинг бошланишида)**

Ҳурматли талабалар, бу анкета талабаларнинг педагогик амалиётини самарали ўтказиш ва педагогик касбга бўлган қизиқишини яна ортишига қаратилган. Ўзингизга маъқул бўлган вариантлардан бирини танланг.

Олдиндан катта раҳмат!

1. Йўналишингизни ёзинг.....
2. Курсингизни ёзинг.....
3. Педагогик амалиётга боришни хоҳлайсизми? Ҳа ёки йўқ жавобни танланг.
4. Сиз ўқитувчи бўлишни орзу қилганмидингиз? Ҳа ёки йўқ жавобни танланг.
5. Ўқувчилар билан ишлашдан қўрқмаяпсизми? Ҳа ёки йўқ жавобни танланг.
6. Ўқувчилар билан тил топиша олишга ишонасизми? Ҳа ёки йўқ жавобни танланг.
7. Педагогик амалиёт керак деб ўйлайсизми? Ҳа ёки йўқ жавобни танланг.
8. Дарсда болаларни бошқара оласизми? Ҳа ёки йўқ жавобни танланг.
9. Ўқитувчи бўлиб ишлаб кетишга ишонасизми? Ҳа ёки йўқ жавобни танланг.
10. Сизда ўқитувчи бўлиш истаги борми? Ҳа ёки йўқ жавобни танланг.
11. Фанларни яхши ўзлаштирганмисиз? Ҳа ёки йўқ жавобни танланг.
12. Педагогик касбда барқарорлик нималигини биласизми? Ҳа ёки йўқ жавобни танланг.
13. Педагогика институтига ўқишга кирганингиздан хурсандмисиз? Ҳа ёки йўқ жавобни танланг.

**ИЛОВА № 15**

**Амалиётга чиққан талаба билан олиб борилган анкета**

**сўровномаси**

**( педагогик амалиётнинг якунида)**

Ҳурматли талабалар, бу анкета талабаларнинг педагогик амалиётини самарали ўтказиш ва педагогик касбга қизиқишини янада ортишига қаратилган. Ўзингизга маъқул бўлган вариантлардан бирини танланг.

Олдиндан катта раҳмат!

1. Йўналишингизни ёзинг.....
2. Курсингизни ёзинг.....
3. Педагогик амалиёт сизга ёқдими? Ҳа ёки йўқ жавобни танланг.
4. Ўқитувчи бўлишга қизиқишингиз? Ҳа ёки йўқ жавобни танланг.
5. Ўқитувчилар фаолиятига қониқдингизми? Ҳа ёки йўқ жавобни танланг.
6. Ўқувчилар билан тил топиша олдингизми? Ҳа ёки йўқ жавобни танланг.
7. Билимларингиз етарлилигини сездингизми? Ҳа ёки йўқ жавобни танланг.
8. Дарсда болаларни бошқара олдингизми? Ҳа ёки йўқ жавобни танланг.
9. Ўқувчиларнинг сизга бўлган муносабати ёқдими? Ҳа ёки йўқ жавобни танланг.
10. Сизда ўқитувчи бўлиш истаги йўқолмадими? Ҳа ёки йўқ жавобни танланг.
11. Сиз ўқитувчилик касбида ишлаб кета оласизми? Ҳа ёки йўқ жавобни танланг.
12. Ўзингиз учун ибрат бўла оладиган ўқитувчини топдингизми? Ҳа ёки йўқ жавобни танланг.
13. Педагогика институтига ўқишга кирганингиздан хурсандмисиз? Ҳа ёки йўқ жавобни танланг.